


4. (Кур)
Б-41.



УКУДБЕК БЕЙШЕНАЛИЕВ

Рали



ЎЗБЕКИСТОН ССР МАДАНИЯТ МИНИСТРИЛГИ
ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ
ЁШ ГВАРДИЯ НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ - 1960

МУНДАРИЖА

Биринчи боб

Абдилас хаёлга чўмди	3	Ойгул — рассом	35
Раис эп кўрди	7	Рози бўлиши	36
Мақсадимизга етдик	12	Яхши кўринали	39
Шодлик	13	Мухим шайт	41
Ойгул кўркаб кетди	17	Звено йигилишида	43
Бу пионерлар иши	20	Тайёргарлик	45
Каникулдан қайтганда	29	Имтиҳон	48
Тўлбоши	33	Софиниш	55

Иккинчи боб

Яйловга жўнаганда	57	Бизнинг иш	94
Сўлим ер	64	Кўра айланасида	97
Янги дўст	69	Кутимаган суюнчи	103
Оғалар айтди	74	Хайрлашув	109
Бизнинг вазифа	78	Комсомол Устави	117
Экскурсия	81	Янги ўтвода	119
Ер ютсин урушни	86	Ўқишга тайёргарлик	124
Тўлбоши оқсанда	91		

Қирғизчадан Зайнаб таржимаси

ЎРТА ВА КАТТА ЁШДАГИ БОЛАЛАР УЧУН

На узбекском языке

Ш. БЕЙШЕНАЛИЕВ

БЛАГОДАРНОСТЬ
(Повесть)

Издательство „Ёш гвардия“ — Ташкент — 1960

Редактор **Х. Рўзиматов**

Рассом **Г. Бедарев**

Техредактор **Я. Панхасов**

Рассом-редактор **Г. Остапенко**

Корректор **Э. Миробидов**


* * *

Босмахонага берилди 25/V 1960 й. Боснига руҳсат этилди 10/VI 1960 й. Формати
84×108^{1/32}. босма л. 4,0. Шартли босма л. 6,56. Нашр. л. 6,95. Тиражи 30 000.

„Ёш гвардия“ нашриёти,
Тошкент, Навоний кўчаси, 30. Шартнома № 79—58.

* * *

ЎзССР Министрилари Ўзглавиздатининг 1-босмахонаси. Тошкент, Ҳамза
кўчаси, 21. 1960 й. Заказ № 222. Баҳоси 3 с. 10 т.



Биринчи боб

1. АБДИЛАС ХАЁЛГА ЧУМДИ

Абдилас уйига бурилмасдан, сумкасини елкасига ос-
ганича тўппа-тўғри ҳовлига кирди. Эшик очилиши
 билан кул ранг гунажин охурдан бошини кўтариб,
 Абдиласга ялт этиб қаради.

У, гунажиннинг ёнига келиб, жажжи қўллари билан
 елкасидан силай бошлади.

— Солган ҳашакни ҳам еб қўймабсан-а? Чанқаб
 қолдингми ё мени соғиндингми? — деб синчиклаб кўз
 ташлади. Кул ранг гунажин ҳам гапга тушунгандек, бўй-
 нини чўзиб Абдиласнинг сумкасини ялаб-ялаб қўйди.
 Абдилас қўлини тортиб олганда гунажиннинг юмшоқ
 жуни кафтига тўлиб чиқди.

— Рост, ҳозир сигир туллайдиган маҳал-ку. Эртага
 ҳамма эски жунларингнү тараф тушираман. Юр бўлма-
 са, сувга,— деб қозиқдаги чилвирии шохига ўради-да:

— Оқ қашқа, Оқ қашқа юр,— деб, сигирни етаклаб кетди. Кул ранг ғунажин гапига тушунгандек, кетидан эргашди. Зерикіб қолган Оқ қашқа ҳовли дарвозасидан чиқиши биланоқ, ҳали қотмаган ернинг балчиқ бўлиб ётганига қарамасдан, анча ергача ўйноқлаб бориб, Абдиласга бақрайиб қараб туриб қолди. Абдилас овозди борича:

— Оқ қашқа, хўш-хўш,— деб унинг орқасидаги катта ариққа қараб кетди. Оқ қашқа Абдиласнинг ёнига келиб, ариқдаги сувдан шимириб ича бошлади.

Оқ қашқа бу йил ёзда уч ёшга киради. Ўтган йили Оқ қашқани Абдиласнинг онаси бузоқ вақтида меҳнат кунига колхоздан олган эди. Манглайдаги кичкина оқини кўриб, Абдилас унга Оқ қашқа деб от қўйган.

— Бўш қўйворса, сен тўғри юрмас экансан,— деб, Оқ қашқа сув ичиб бўлгандан кейин, Абдилас унинг чилвиридан етаклаб олди. Охурни тозалаб, янги ҳашак солиб қўйди.

Абдилас эшик тагидаги тешикка яшириб қўйилган калитни олди-да, уйини очди. Елкасидаги сумкасини стол устига қўйди. Қулоқчинини, пальтосини вешалкага илди, кейин бет-қўлини ювиб, овқатга ҳам хуши бўлмай, икки дераза ўртасига қўйилган кичикроқ столнинг четига ўнг тирсаги билан таяниб, юзини қўлига қўйганча ўйланиб қолди.

Қаршидаги деворда осилиб турган ойнали рамка-даги суратлардан кўзини олмай, тикилганча индамай ўтириди.

Устига эскириброқ қолган клеёнка ёпилгай столда ўнтacha китоб, битта сиёҳдон, битта қалам бор. Ҳаммаси Абдиласники. Ҳозирги ўтириши бошқача. Ҳозир ниманидир ўйлаб хаёл суриб ўтиради. Унинг сира бунчалик боши қотмаган эди. Ҳеч иши йўқдай, паришонҳол бўлиб ўтирибди.

Мактабдан келиши билан аввал Оқ қашқасининг ҳолидан хабар олиб, кейин уйига киради. Ечиниб, юзиниб бўлгандан кейин сумкасидаги китобларини стол устига қўйиб, эртага бўладиган дарсларини қараб, керакли китоб-дафтарларини сумкасига соларди. Берилгиз топшириқларни бажариш учун уларни стол устига ажратиб қўярди. Ойгулнинг китоб-дафтарларини эса, столнинг бир чеккасига тахларди. Ундан кейин бемалол

овқатими еб, күчага чиқар, гоза ҳавода бир-икки соат болалар билан ўйнаб, кўнглини очиб келарди. Дарсларини тайёрлаб бўлгандан кейин ўтиб ёриб, икки челак сув ҳам олиб келиб қўярди.

Бугун зиммасидаги ишларнинг кўпчилигини бажармади. Овқат ҳам емасдан, ранглари ўчиб, бир нарсага қайғургандай, данг қотиб, вақти физиллаб ўтиб кетаётганини ҳам сезмай, қимир этмай ўтира берди.

Чарчаганиданми, кўзларини милт-милт очиб-юмиб, рамкадаги суратни олди-да:

— Сен бўлганингда, ўлаган нарсамни шартта қиласдим,— деб, оғир хўрсиниб қўлини иягидан олди. Суратдан дадасининг суйкумли юзи кулиб боқарди. Абдилас унинг ўнга ёнида туради. У вақтда Абдилас беш яшар эди.

Дадаси колхоз сигир фермасининг бошлиги бўлиб ишлаётган еридан 1942 йили немис босқинчиларига қарши Ватанини ҳимоя қилиш учун урушга жўнаб кетган эди. У 1943 йили Сталинград остоналаридаги даҳшатли жангларда қаҳрамонларча ҳалок бўлган.

Абдилас секин ўрнидан туриб, хонада у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Анчадан кейин хафалиги ёзилиб, ўзича бир нималар деб минғиллади. Ойим нима деяркин? Агар бора олмайман деса, нима қиласман? Унда Охун отамнига бораманми? Ойим билан Ойгул соғиниб қолншади-ку.

Мен ҳам соғинаман. Барибир, бир олдиларидан ўтишм керак. Даданг йўқ, сизлар ёшсизлар, мол боқишта бора олмайман, раис мени зўрлаб юбора олмайди, деса нима дейман?.. Эҳтимол рози бўлар, ким билади ҳали. Дадам борида кўп йиллар мол соғувчи бўлиб ишлаганди-ку. Бугун албатта айтаман... Ойим кўнади. Сигир фермасига кўчиб борамиз. Яқинда сигирлар тугади. Ойгул иккаламиз бузоқларга от қўйиб, гапга кирадиган қилиб яхшилаб ўргатамиз, ўқиш тугагандан кейин яйловга чиқамиз. Оғамнинг ҳамма айтганларини қиласман. У ерга Роза, Ақай, яна кўп болалар боради. Жуда маза бўлади-да...

Ёш Абдилас чуқур хаёлга чўмган, бошига турли ўй-фикрлар келарди.

Уч кун илгари бош пионер вожатий болаларни тўплаган эди. Ўша куни мактаб директори ҳам бор эди. Пионерлар баҳор ва ёзги мавсумларда колхозга қандай

ёрдам беришлари керак деган мавзуда сұхбат ўтка-
зиши.

— Ҳамма ёқда қор эриб, күнлар исиб, мана баҳор
ҳам келди,— деди мактаб директори.— Яқинда колхоз
моллари болалаб, әкиш-тикиш ишлари бошланади. Бүш
вақтларингда сал бўлса ҳам қолхозчи ота-оналарингиз-
га ёрдам бериб турсаларинг яхши бўларди. Чорва мол-
ларни болалатиш даври чорвадорлар учун энг масъули-
ятли давр. Сизлар, ёш молларни оталиқча олиб, меҳ-
натда пионерлик номингизни шараф билан оқлашингиз
керак.

Ўтган йили «Оқ жар» колхозининг чорвадорлари га-
пионерларнинг ёзги каникулда берган ёрдамлари, улар-
нинг колхоздан олган мукофотлари тўғрисида гап бўл-
гандага кўплари жуда қизиқиб, шу заҳоти, бири чорвага,
бири әкиш-тикишга ёрдамлашамиз, деб сўз беришган
эди.

Мактаб директори Керимқул ака илгари колхоз
партия ташкилотининг секретари бўлиб ҳам ишлаган.
Пионерларнинг бу ишга жуда кўнгил қўйганидан хур-
санд бўлган колхоз раиси, қани энди ёзги каникулда
биринглар чорвадорларга ҳисобчи, биринглар агитатор-
ларга ёрдамчи бўлсанглар, яна ҳам яхши бўларди-да,
деганда болалар бу ёгини ҳам қойил қиласиз дейишиб,
ҳаммалари ёзилиб қўйишганди.

Абдилас қаёққа борсам экан деб, ўйланиб тургани-
да ёнига Керимқул акаси келиб:

— Нима, ҳеч қаёққа боргингт йўқми? Майли, ихтиё-
ринг,— деб кулимсираганди.

— Керимқул ака, каникулда бекор юргим келмайди,
бироқ, қаёққа боришимни билмай турибман,— деган
эди Абдилас.

— Илғор пионерлардансан, ўтган йили экин-тикин-
га яхши ёрдам қилдинг. Бу йил каникулни чорвачилар
билан яйловда ўтказганинг тузук бўлар, дейман. Ўзинг
ҳам дам олиб келасан. Бир ўзим қандай бораман, деб
юргандирсан? Ўтган куни раис билан чорвачиларни
ишга тақсим қилгандага, ойингни ҳам мол боқишига
юбормоқчи бўлиб маслаҳатлашиб қўйдик,— деб қўли
билан Абдиласнинг манглайидан силаған.

— Хўп бўлади, ака. Бўлмаса, ойимга ўзим ҳам
айтай, сигир фермасига юбора қолинг,— деб қувонга-
нидан ўрнидан сапчиб турган. Ойисига бу яхши хабар-

ни шу куни ёқ еткизган. Бироқ, ойиси негадир, ўғлиниң шахтини қайтармай деб, индамай қўя қолган. Орадан бироз ўтгандан кейин:

Болам, ошиқма, ўзимизга яраша иш топилиб қолар. Экин-тикинни ташлаб мол боқиш осон эмас,— деб Бурма опа (ойисининг оти) ўғлига совуқ жавоб қайтарган эди. Орадан уч кун ўтди, лекин ойиси бу хақда лом-мим демади.

Абдилас, ойим нима деркин, деб ташвишланиб юрди: борди-ю, боролмайман деса, Керимқул акамга нима дейман — пионерлик ваъдамнинг устидан чиқолмайманми?— деган фикр ўшандан бери Абдиласнинг юрагини тирнар эди...

Эшикдан кирган Бурма опа ўғлиниң нохушлигини кўриб, бирдан тўхтаб қолди. Абдилас ойисининг ёнига келиб турганини сезмади ҳам.

— Абдиш, жон болам, нега мунча хафасан? Дарсингдан ёмон баҳо олдинги? Ё бирор еринг оғрияптими?— деб ойиси парвона бўларди.

— Йўқ, ойи, сендан бир нарсани қайта сўрашга оғиз бормай турибди,— деди, дарров унинг авзойи ўзгариб, ойисига эркаланиб қаради. Абдиласнинг ўтган куни айтган гапи ойисининг хаёлидан кўтарилиб кетган эди. Ўғлиниң бир нарсани сўрамоқчи бўлиб турганини кўз қарашларидан билиб, онанинг юрак-бағри эзилиб кетди.

— Айта қол, қўзим,— деб ўғлини бағрига босди.

2. РАИС ЭП ҚҮРДИ

Абдилас ўқиб ўтирган китобини йиғишириб, кийиниб энди эшикка чиқаман деб турганда, Ойгул ўқиётган «Алифбе» китобини стол устига қўйиб:

— Ака, қаёқса борасан?— деб югуриб келиб Абдиласнинг қўлидан ушлади.— Ака, қаёқса борасан? Бутун дам олиш куни-ку. Мен «Чол билан айиқ» деган эртакни ўқиб берайми? Эшиласанми? Қани, ўтири-чи,— деб Абдиласнинг қўлидан торта бошлади.

Абдилас укаси Ойгул билан жуда аҳил эди. У сингилчасининг майин сочларидан силар, бўтам, қўзим деб, кексалардай эркалаторди. Қаниш буви ҳар замон келганида Ойгулни шундай деб эркалаторди. Унинг эрка-

лаб айтган гаплари Абдиласга жуда ширин туюларди. Синглиси ҳам майин қўлларини акасининг бўйнига ташлаб, юзларидан ўпар, устма-уст саволлар берарди.

Абдилас ўтириши билан Ойгул бўйнига қўлини ташлаб, унга ёпиша бошлади.

Абдилас Ойгулдан олти ёш катта. Ҳозир еттинчи синфда ўқииди. Ойгул отаси фронтга кетгандан уч ой кейин туғилган. Бу йил мактабга борди. Илгариги шўхлигини ташлади. Баъзи вақтларда Абдиласни дарс тайёрлагани қўймай қоғозларини сочиб, эртак айтиб берасан, мени ўйнатасан, деб хархаша қилишлари ҳам қолди. Энди у, сурат солиб бер, ўқишимга қулоқ солиб тур, ҳисобни чиқаролмаяпман, ёрдамлашвор, эртак китоби топиб бер!— деб жони-ҳолига қўймайди. Етти ой деганда осон гапларни ёзиб, китоб ўқийдиган бўлиб олди.

Абдилас укасининг сочидан силаб, юмалоқ кичкина қўзларига тикилиб:

— Мен бир нарса айтаман, қулоқ сол,— деди.

— Хўп бўлади, aka,— деб жим турди у.

— Ўқишиларинг яна икки ярим ойдан кейин тугайди. Мен сизлардан йигирма кун кейин тамом қиласман. Уч ой маза қилиб дам оламиз.

Ойгул бармоқларини букиб-ёзиб бир нарсани ҳисоблаётгандай, анчагача индамасдан турди.

— Вой, узоқ экан. Ҳали етмиш беш кун бор-а,— деб Ойгул лабларини чўччайтириб акасига қаради.

— Хаш-паш дегунча ўтиб кетади. Ўқиганингга борйиги олти ярим ой бўлди-да!

— Вой, ундоғ бўлса оз экан-ку,— деб жим бўла қолди.

— Жим турсанг-чи, ахир, мен гапирияпман-ку!

— Хўп, aka, жим тураман... Гапирсам, ҳар нарса бўлай...

— Ёзда яйлов жуда чиройли бўлади. Ҳавоси тоза, чаңг-тўзон бўлмайди. Ҳамма ёғ кўм-кўк, қаёққа қарасанг — гул. Қимиз ҳам, қаймоқ ҳам кўп бўлади. Агар ойимиз сигир соғувчи бўлса, иккаламиз бу йил яйловга борамиз. Кўп ишлар қиласми.

— Ростдан борамизми? Ўзим ҳам эшигувдим. Кечаси ойимга нима дегандинг? Биз ўқишимиз тугамасдан, ўн кунларда сигир фермасига кўчиб борамиэ, дегандинг-ку? Нега ёлғон айтасан?

— Ёлғон эмас. Ойим хўп деди-ку! Раис юборса бўлди. Ўн куиларда бу уйдан кўчиб кетамиз. Нимага дессанг, март ойининг охиридан бошлаб сигирлар туғади, кейин иккаламиз бузоқ боқамиз.

— Э, биз боқолмаймиз. Шохлари қора қарағайдай, қўзлари қонга тўлган, тоғдай, наслдор буқалар мени сузиб олади. Оқ қашқа туғса, мен ўшанинг бузогини боқаман.

— Наслдор буқалар одамни сузмайди. Одамга тез ўрганиб кетишади. Оқ қашқа ҳўв, кузга бориб туғади.

— Кузда туғса ҳам майли. Қим айтди сенга наслдор буқа сузмайди деб? Одамни кўрса бўлгани, ер тенип бўкиришга тушади. Катта одамдан қўрқади. Қишлоқ болаларидан ҳеч қўрқмайди. Ўндан кўра опам қўй бокса яхши бўларди; қўзи кичкина, ўзи чиройли, ювош бўлади. Қўзиларни кўтариб юриб бўлса ҳам боқардим. Сен бўлсанг қўй қайтаришар эдинг.

— Хўп, Акин! Ўни ойим билан гаплашамиз. Колхоз раисида ишим бор эди. Бориб келай. Сен дарсингни ўқи ё чиқиб қизлар билан ўйнаб кела қол, хўпми?

— Ўйнатим ийқ. Ҳамма ёқ лой.

— Мен тез бориб келаман,— деб Абдилас эшикка чиқди. Ойгул орқасидан югуриб бориб, тагин ушлаб қолмоқчи бўлди-ю, лекин ниманидир ўйлаб тўхтаб қолди.

* * *

Қор эриган, ҳамма ёқ пилч-пилч лой, Абдилас қагалоқ ерларни авайлаб босиб, колхоз идорасига қараб кетди.

Кеча кечқурун Абдилас ойисига гапирганда, онаси аввал бир оз ранжигандай бўлган эди, кейин ўйлаб кўриб, болам менинг яйловга чиқишимни жуда истабди шекилли, деган фикрга бориб, ўғлини хафа қилмай дедими ёки ростдан ҳам ўзининг боргиси келдими:

— Бир ишни ташлаб бошқа бир иш бер, деб раисга беришим яхши бўлмас, ўғлим. Аканг тўғри айтган. Парторг эмасми, раис билан маслаҳатлашиб кимга қандай иш беришни ўzlари билади. Улар бор дейишса, майли —борай. Сен ҳам катта бўлиб қолдинг,— деди.

Абдилас ўрнига ётгандан кейин анча вақтгача ўйланиб, ахирини раисдан ўзи бориб сўрамоқчи бўлди. Раис

Абдиласни кўрган ерида, ударнигим деб эркалатувчи эди. Нимага десангиз, Абдиласнинг ўқиши яхши эди... Икки йилдан буён ёзда ўртоқлари билан колхозга яхши ёрдам бериб келаётган эди, ўзи ҳам пишиқ бола.

Қосим бир кун рўпарасидан чиқиб қолиб тўсатдан:

— Қалайсан, Абдилас, қаёққа кетяпсан? — деб пионерларча салом берди. Абдилас ҳам тезда салом берди.

— Узинг-чи? Мен ойим тўғрисида раис билан гаплашгани кетяпман.

— Жуда соз. Дадамнинг звеноси далага ўғит ташиб бўлай деб қолди. Ўшаларга ёрдамлашай деб кетяпман. Ишингни битказиб сен ҳам кел, хўпми? — деди Қосим.

— Хўп, бораман,— деди Абдилас. Раиснинг идораси олдига келиб, у, бир оз туриб қолди. Кейин эшикни тақиллатди.

Раиснинг «Киринг» деган таниш овозини эшитиши билан эшикни шартта очиб ичкари кирди-да, катта одамлардай ассалому алайкум, деб кўришди.

— Ваалайкум ассалом, кел, ударнигим,— деб раис табассум билан қарши олди. Кулганда унинг қўзлари катта-катта очилиб, оқ оралатан узун мўйлови қулоқларигача етгандай бўлди.

Абдилас эшикдан шиддат билан кириб келган бўлса ҳам, раиснинг ёнида ўтирган мактаб директори Керимқул акани кўриб яна беихтиёр «ассалому алайкум» деб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди. Одобсизлик қилиб қўйдим шекилли дегандек қизариб кетди. Бўш стуллар қаторлашиб турса ҳам, телпагини қўлига олганча серрайиб туриб қолди. Керимқул Абдиласнинг хижолат бўлганини сезиб, кел, ўтири, деб ёнидан жой кўрсатди. Абдилас секин бориб ўтири. Керимқул ака одатича унинг манглайидан силаб:

— Хўш, Абдилас, хизмат? Қани, гапир! — деб, гапини тугатгани ҳам йўқ эди, колхоз раиси гапга аралашиди.

— Тортинмай гапиравер, ўқувчи деган уялмасдан, дадил гапириши керак,— деди.

Абдилас ўзини анча тутиб олди:

— Ака, ану кунги ишни раис акадан сўрай деб келган эдим. Ойимга айтсан, менга фалон ишни беринглар дейишим — ўзбошимчалик бўлади-ку, раис нима деркини, қандай бўларкин, раис ёзги бўзуй ҳам йўқ деган эди-ку, дейди,— деб, ойисининг кеча айтган гапларини оқизмай-томизмай айтиб берди.

Диққат билан қулоқ соглан Жума ака боланині муддаосини дарров тушунди. Улар ҳам айни шу масала устида гаплашиб ўтирганди, раис ўйланиб қолди. Жума ака ҳеч нима демагани учун, Керимқул ҳам индамай ўтираверди. Бир оздан кейин раис олдидаги ёш болата ишонч билан тикилиб:

— Хўш, ударнигим, ўзи шу ишга кўнглинг борми?— деб сўради.

— Ҳа. Ўтган куни Керимқул акамга ҳам ваъда бергандим.

— Үнда сен ўқишингдан бўшагандан кейин опанг соққан сигирларнинг сут-мойини ҳисоб-китоб қилишга ҳам ёрдамлашасан. Бузоқларга ҳам қарашасан. Қалай, эплай оласанми?

— Эплаёлмай нимаси бор. Еттинчи синфни битириб, битта сут соғувчининг ҳисоб-китобини қилиб беролмасам, нима қилиб юрибман? Сигир фермасидаги мол боқувчиларга Роза, Ақай, мен газета ўқиб бериб, уларни бўлаётган ишлардан хабардор қилиб турамиз. Мол боқицни ўзим яхши кўраман. Бузоқларни тугилган кунидан бошлаб ўзим парвариш қиласман. Яйловда ботаника дарсига керакли гул ва дори-дармон ўтлар ҳам ёзиб борамиз. География дарсига керакли нарсаларни ҳам ёзиб борамиз,— деб Абдилас кўнглидаги бор гапни тўкиб солди.

Ёш ўқувчисининг бамаъни гапларига завқ билан қулоқ солиб ўтирган Керимқул Жумага бир қараб қўйди. Абдиласнинг гапларидан унинг кўнгли анча кўтарилигандай бўлди.

— Менимча, ҳалиги келишганимиздай қилиб, Абдиласнинг илтимосини бажо келтириш керак,— деди Керимқул. Жума бир оз ўйланиб турди-да:

— Бўпти, ударнигим, биз пионерларга ишонамиз! Улар қўлларидан келган ишларининг ҳаммасини ўринлатишади, ўzlари тўғри бўлишади. Сизлар колхознинг дўстисизлар... Ҳозиргина биз шуни гаплашиб ўтирган эдик. Ойинг билан ўзим гаплашаман. Правление аъзоларига ҳам бу иш маъқул бўлди. Колхозда ўтов ҳам топилади. Кўчиб бориб, жойлашиб олишингизга сигир боқувчилар ёрдам беришади. Гап шундай, тушундингми?— деб раис ўрнидан турди.

— Раҳмат, Жумака, раҳмат,— деди Абдилас хурсанд бўлиб, кейин эшикка қараб йўл олди.

3. МАҚСАДИМИЗГА ЕТДИК

— Үғлим бу ишимиз бир жиҳатдан яхши бўлди. Сигирларнинг туғиши вақтида қийналмасак, кейин ишимиз юришиб кетади. Мени Ақайнинг отасига ёрдамчи қилиб қўйишгани яхши бўлди. Унинг қарамоғида ҳаммаси бўлиб элликта бўғоз сигир бор экан. Саккизтасини менга топшириди.— Катта тарғил сигирни кўрсатиб:— Булоққашқа шу ойнинг охирида туғади. Қолганлари ҳам ўн беш-йигирма кун ичидаги туғади. Баҳорда моллар ёппасига туғади, одам қайсисига қарашини билмай шошиб қолади. Ўзлари ҳам ориқлаб қолишди. Ўтган йили сигирларни нақ апрель ойида туғадиган қилиб қочирган эдик. Ундан ташвиш қилмасанг ҳам бўлади, болам. Вақти келгандаги ҳар бирининг қайси кун туғишини ҳам айтиб бераман. Сигирларингни таниб-билиб ол. Қўчиб келгунингча мен қараб тураман. Туғиши вақтида гина бир оз қийналасизлар. Ундан кейин ҳамма қиласидиган ишларинг сут согищ, мой олищ, бузоқ боқиш бўлади, деганди,— деди Бурма опа ўғлига меҳрибонлик билан қараб.

Онасининг ёнида одоб сақлаб, унинг гапларини эшишиб ўтирган Абдилас қувончи ичига сигмай, онасига бир кулиб қаради:

— Қачон кўчиб бораман дединг, ўтов нима бўлди?— деб ўзини оила бошлиғидай сезган Абдилас онасининг ёқимли, нуроний юзига тикилди.

Бурма ҳам ўғли билан худди катталардай гаплашар, маслаҳатлашар эди.

— Ҳамма сигирлар бузоқлаб бўлгунча ўша қўрада бўларканмиз. Сигирларнинг туғиши май ойининг бошларида тамом бўлар, дейишиди. Раис Үразбек ўтирган ҳовлини бўшатдириб берди. Эртага бориб оқлаб келаман. Үразбек сизларга керак бўлар деб, йигиб қўйган ўтишини ҳам қолдириб кетди. Тоққа кўчишда ўтов берамиз дейишиди. Сизлар каникулга чиқсан куннинг эртасига Үразбек колхоздан икки арава олиб келиб, кўчириб олиб кетадиган бўлди.

— Кашикулга ҳам оз қолди. Йигирма учинчи мартадан биринчи апрелгача дам оламиз. Унгача ер ҳам қуриб қолар, жуда яхши иш бўлди-да! Сен кўнмайсанми, деб қўрқсан эдим,— деб Абдилас онасининг бўйиндан қаттиқ қучоқлаб эркаланди.

— Нури дийдам, сенинг шахтингни қайтарармидим,— деб, Бурма опа ўғлиниң бўйнидан жидлаб, ўпиз кўйди.

Онасининг акасини шунчалик эркалаётганига рашки келган Ойгул югуриб келиб унинг тиззасига ўтириб олди.

— Ҳо, ёлғончи! Сигир соғувчи бўлмайман дегандинг-ку! Нега ёлғон гапирасан? Нега алдайсан?— деб онасидан жавоб кутгандай тикилиб қаради.

— Аканг борамиз деяпти-ку! Раис ҳам тайинлаб қўйибди.

— Борганимизда буқа мени сузиб олмайдими-а, ойи?

— Сузмайди. Ялқов, инжиқ болаларга онда-сонда пўписа қилиб қўяди,— деди жилмайиб. Ойтул онасининг ҳазилини чин деб билди.

— Мен ялқов эмасман. Ударникман. Дарсларимнинг ҳаммасидан «4» ва «5» олиб ўқийман. Мени суzmайдими-а?

— Доимо шундай ўқисант, суzmайди.

— Бўпти. Яйлов узоқ-ку, ўқишга қандоқ келамиз?

— Аканг, Ақай, Роза, Қари яна бошқа кўп болалар билан бирга қатнайсизлар. Қўра кўп бўлса бир ярим километр келар.

«Менга ҳам маъқул тушди» дегандай, Ойгул, жуда яқин экан-ку, деб ўзича пичирлаб, кейин жим бўлиб қолди. Лекин унинг бунга унчалик ишонмаётгани юзидан кўриниб турарди.

Абдилас гуриллаб ёнаётган печга ўтин қалади-да, ўрнидан сапчиб туриб, суюнганидан овозининг борича:

— Мақсадимизга етдик! Опам миришкор сигир соғувчи, мен аълочи пионер, Ойгул ёш октябрятка!— деб қичқириб юборди. Қўнглидагини очиқ айтиб юборганини кейин сезиб қолиб, турган жойида қотиб қолди.

Бурма опа билан Ойгул Абдилаега ҳайрон бўлиб қараб қолишиди.

4. ШОДЛИК

Ойгул ойисининг қўлидан етаклаб бориб олдинги қатордаги партани кўрсатиб:

— Ойижон, шунга ўтирииг. Менинг партам шу. Ҳозир келаман,— деди-да, эшик томон югуриб кетди.

Бурма опа партада қисилиб, ўнғайсизланиб ўтириди. У: «ёш болаларга лойик қилиб ясалган экан» деди ўзича, кейин синф деворларидаги турли суратларга, рўпаратидаги катта тахта қоғозга катта-катта қилиб ёзиб қўйилган ўттиз олти ҳарфга кўз югуртириб чиқди.

Эшикдан болаларини эргаштирган ота-оналар биринкетин киришиб, парталарга ўтиришиди. Женгиш дадасини Бурма опа ўтирган парта олдига олиб келди-да:

— Дада, Ойгул иккаламиз шу партада ўтирамиз. Бурма опамнинг ёнига ўтири. У, биз ҳозир яна стул олиб келамиз, деди-да, эшикка суянганча, кириб келаётган одамларга қараб турган Ойгулга, бери кел, дегандай имлаб, қўли билан ишора қилди.

Женгишнинг дадаси сийрак малла мўйловини чап қўли билан бир силаб қўйди-да, Бурма опа билан ҳазиллаша бошлади. У колхозда бригадир бўлиб ишларди.

— Агар менинг ўғлим ҳамма дарслардан «5» олиб, сенинг қизинг битта дарсидан бўлса ҳам «4» олиб қолса, менга ўн меҳнат кунингни берасанми?

— Хўп, бўпти; борди-ю, менинг қизим «5» олиб, сенинг ўғлинг тўрт олиб қолса, йигирма меҳнат кунингни берасанми?— деди-да, Ойгулнинг «5» билан тамомлашига кўзи етган Бурма опа:

— Бер қўлингни,— деб дарров, бас бойлади.

Иккаласининг бас бойлашганини эшитиб Женгиш Ойгулнинг ёнига энтикиб югуриб борди-да:

— Тезроқ юр, бир қизиқ иш бўляпти,— деб Ойгулнинг қўлидан тортиди.

Ойгул билиб тургандай, қовоғини солиб:

— Унинг нимаси қизиқ?— деди.

— Юр деганда юрсанг-чи, Бурма опам билан дадам меҳнат кунларини тикиб бас бойлашяпти...

— Йўқ, бормайман. Ҳозир опамиз келсин, бирга кираман,— деб Ойгул ўжарлик қилиб туриб олди.

Синф одамга лиқ тўлиб кетди. Ота-оналари билан парталарга сифишимаган болалар залдан скамейка, курси олиб келиб, ўтириб олишди.

Ёши ўттиз бешларга бориб қолган муаллима ота-оналар йигилишини очиб, учинчи чоракда биринчи синф ўқувчиларининг ўзлаштириш, давомати ҳақида қисқача маълумот берди.

Аълочи ўқувчиларнинг ота-оналари қаторида Бурма опа билан Женгишнинг отаси ҳам тилга олинди. Йиккаламиз ҳам бир-бirimizни ютибмиз, дегандай дўстлар бир-бирига ялт этиб қараб қўйиши. Муаллима болаларнинг ҳар бир дарсдан олган баҳосини ўқий бошлиди.

Ойгул ойисининг қулоғига шивирлаб:

— Қулоқ солиб тур, ойи, ҳозир менинг баҳоларимни ўқийди,— деди.

«5» деган сўз Бурманинг қулоғига олти марта жаранглаб эшитилди. Ёнида катталардек кулумсираб, муаллимадан кўзини узмай ўтирган қизига суқланиб қаради. Юраги эзилди, бағрига босиб икки юзидан ўпгиси келди.

Атрофдаги одамларнинг жавдираган кўзлари Бурма опага тикилиб турганидан, бу ишим бачканалик бўлар, дегандек ниятидан қайтиб жим ўтираверди. Эшитилар эшитилмас:

— Раҳмат, қизим,— деб қизининг жажжи қўлини силаб қўйди.

— Энди менинг баҳоларимни ўқийди. Дадажон, яхшилаб қулоқ солиб туринг,— деди Женгиш юраги дук-дук уриб. Унинг ўтдай ёнган ўткир кўзлари катта очилиб, кичкина бурун тешиклари керилиб кетди.

Муаллиманинг ёқимли товуши Женгишнинг отасининг кўнглини кўтариб, оғзига бол томизгандай бўлди, у секин жилмайган эди, сийрак мўйлови диккайиб кетди.

— Болаларимиз одобли, қобил бўлишса, яхши ўқишича, кучимиизга куч, қувончимиизга қувонч қўшилади. Бизга қолса, улар жуда кўп нарсани билишса деймиз. Булар порлоқ келажак — коммунизм даврининг талантли эгалари. Шундоқ эмасми, Бурма?— деб, ўғлининг келгусида қиласидан ишларининг тагига ета олмаса ҳам, хурсанд бўлиб қараб қўйди.

Бурма, «ҳа» дегандай бошини чайқаб, кўзини қисди.

Муаллима Гулбар Идрисов Медет деган боланинг фамилиясини яна бир марта ўқиди-да, кимнидир кўзи билан қидира бошлиди. Бу алфавит билан ўқиганда, энг охирги бола эди. Гулбар арифметикадан «икки», иншодан «икки» деб баланд овоз билан ўқиганда, Медетнинг онаси Саке опанинг устига бирор муздек сув сепиб юборгандай сесканиб кетди. Вужуди титраб, одамларнинг кўз олдида муаллима билан уришишга

юзи чидамай, зўрға ўрнидан қўзғалди. Гулбарнинг гапи қулоғига кирмай гапира кетди.

— Бу нима деган гап? Нега энди шунча одамларнинг болалари ичida менинг ўғлим «икки» олади? Кимда айб: мендами ё ўқитган сиздами? Гулбар, гапим қаттиқ тегмаган бўлса, шуни тушунтириб берсангиз,— деди.

Икки кўзига жиққа ёш олган Медет уялганидан тобора қадди букчайиб, бошини кўтара олмай қолди. Агар онаси қўлидан қаттиқ ушлаб турмаганда, парта остига яшириниб олиши ёки шартта эшикка чиқиб қочиб кетиши турган гап эди.

— Гапингизни тушундим,— деди Гулбар совуқнина қилиб.— Саке опа, албатта, Медетнинг ўқишига мен билан сиз баб-баравар жавобгармиз. Лекин бола кўп вақтни уйда ўтказади. Агар сиз ҳар куни ўғлингизнинг қандай ўқишини текшириб, китоб-дафтарларини тоза тутдириб, уйга берилган сабогини ўқитиб, дарсдан қолдирмасдан юбориб турганингизда, бундай бўлмас эди. Медет шу чоракда 33 соат дарсдан қолди, тўққиз марта уйга берилган дарсини бажармай келди. Китоб-дафтарларининг ҳаммаси кир, йиртилган. Дарсга кўнгил қўймасдан, шўхлик қилиб ўтиради. Мен бу ҳақда сизга илгари ҳам гапирган эдим.

— Гапингиз тўғри, мен тушунмаганлигимдан ҳалиги, сиз айтганларнинг ҳаммасини ўз вақтида қилмабман. Бўлган-турган сабаби шуми ёки...— деб тутилиб қолди, у ўзини оқламоқчи эди. Буни дарров фаҳмлаган Гулбар унинг гапини шартта бўлди:

— Бўлган-турган сабаби шу. Мен синфдаги 26 болани сизнинг ўғлингиздан ажратиб ўқитганим йўқ. Энди бу ёғини ўйланг.

Саке опа яна бир нарса демоқчи бўлди-ю, бироқ ёнверидаги таниш-билишлари, ўзингда ҳам айб бор-у, бекорга тортишиб нима қиласан, деб таъна қилишганиларидан кейин, у жим бўла қолди.

Гулбар гапининг охирида болаларнинг уйда дарс тайёрлашида ота-оналарнинг вазифаларига кўпроқ тўхталди. Болалар саккиз кунилик каникулда яхши дам олсинлар, деб тилак билдириди. Мажлис ёпилганидан кейин болалар югуриб боришиб муаллима опалари билан хайрлашишиди.

Ота-оналар муаллимага раҳматлар айтиб, қўллари-ни сиқиб хайрлашишиди.

Бурма опа ўрнидан туриб эшикка томон юаркан, болаларнинг аъло ўқишилари биз учун катта қувонч,— деб, Женгишнинг дадаси айтган гапларни ичидан такорлади.

Абдилас йигилиш тугамасдан чиқиб, мактаб эшигидаги олдиради скамейкада бетоқат бўлиб кутиб ўтирган эди. Ўғлининг ёлғиз ўзи ўйланиб ўтирганини кўриб, Бурма опа бир оз ташвишланиб қолди. «Бу чоракни қандай тамомлади экан, «уч» олиб қолган бўлса-я!»— деган фикр келди миясига.

Ойгул акасининг олдига югуриб бориб:

— Ака, қанақа баҳолар олдингиз?— деб сўради бидирлаб.

— Ҳамма дарсларимдан «беш», ўзинг-чи?— деб кулимсиради Абдилас.

— Табриклийман сизни, ака, мен ҳам ҳаммасидан «беш» олдим,— деди эркаланиб, кейин акасининг бўйнидан кучоқлаб олди.

— Бир-бирингдан ширинсан, қўзичоқларим, мунчайм аҳилсанлар. Бахтимга омон бўлинглар,— деди Бурма опа болаларига меҳрибонлик билан тикилиб.

Болаларидан беҳад хурсанд бўлган баҳтиёр онанинг севинчи шундай юзидан кўриниб турарди.

5. ОИГУЛ ҚУРҚИБ ҚЕТДИ

Кўчиб борган кунларининг эртасига нимагадир Ойгул ҳар кунгидан эрта турди. Кийиниб ташқарига чиқди. Уйнинг чап томонидаги қозондай дўмпайиб ётган тепанинг устига чиқиб, қандай ерга келиб қолдим, дегандай теварак-атрофга кўз ташлади. Илк ёз тонгидаги майин шабада Ойгулнинг нозик юзини силаб, майин соchlарини ҳилпиратиб, эрка кўнглини қандайдир ҳаяжонга солди.

Тоғ орқасидан эндиғина кўтарилаётган қуёш, қорлари батамом эримаган бепоён далага сахийлик билан заррин нурларини сочарди. Ойгул чапга кўз югуртириди. Қуёш нурида кўзни қамаштирадиган қилиб жимирлаб турган баланд-баланд қорли тоғ чўққиларига тикилиб:

— Вой, қор ҳали ҳам эримабди-я,— деди ҳайрон бўлиб, кейин дарров ўнг ёғига бурилди, кўз илғамас бе-

поён қалин тўқай Ойгулнинг кўзига аллақандай иссиқ қўринди.

— Қани энди, ҳозироқ ёз бўлиб қўя қолса. Мана бу қуриб ётган бутоқларнинг ҳаммаси ям-яшил бўларди, булбуллар шўх-шўх сайдарди. Тўқайга кириб мева тे-рардим,— деб бир оз ўйланиб қолди. Тўқайнин ёриб ўтиб кун ботиш томонга қараб пишқириб оқаётган Норин дарёсининг шарқираган товуши яқин ердан эшитилгандай бўлиб туюларди.

Норин дарё, Норин дарё,
Тошиб оқар «шув»лаб гўё...

Ойгул шу сўзларни бир неча марта такрорлади. Қирчонғи кўк отини «чу!» лаб, Ойгул турган тепанинг этакларига сигирларини ўтлатиш учун ҳайдаб бораётган кекса Охун Ойгулнинг овозини эшитиб:

— Бола-да, сувнинг оқишига тегажоғлиқ қилишини қара-я,— деб кулиб қўйди.

— Ҳа, Ойгул, айланай болам, Норин дарёсини ил-гари кўрмаганмидинг?— деди у отининг тизгинини тортиб.

— Йўқ, эсим киргандан бери кўрганим шу. Лекин акамдан кўп эшигтанман. Отажон, шу отингиз билан Норин дарёсидан кечиб ўта оласизми?

— Йўқ, қизим. Норин кўк от билан иккаламизни ҳам оқизиб кетади. Норин улкан дарё. Сирдарё деганини эшигтанмисан?— деб кўк отининг ёлини ушлаб турган Ойгулнинг қирқилган,mall, майин сочини қадоқ қўли билан силади.

— Ҳа, биламан, бир кун акам картадан кўрсатган эди. Ахир, бу Сирдарё эмас-ку. Бу Норин дарё-ку!— деди Ойгул юмалоқ кўзларини ўйнатиб:

— Сирдарё шу Норин дарёдан ҳосил бўлади. Аканғининг картасидан қараб кўр, хўпми?

— Хўп, Норин дарё ҳеч қачон Сирдарё бўлолмайди,— деди у шартта, кейин ёнидан лапанглаб ўтиб кетаётган катта, кул ранг буқани кўрсатиб,— отажон, мана бу тоғдай буқа ёлғиз юрганида болаларни суzmайдими?— деб сўради.

— Сузмайди. Агар сузадиган бўлса, мен унинг шохини синдириб ташлайман. Энди уйингга кета қол. Мен сигирларни ҳайдаб борай,— деб отига қамчи босиб жўнаб қолди у.

поен қалин тўқай Ойгулнинг кўзига аллақандай иссиқ кўринди.

— Қани энди, ҳозироқ ёз бўлиб қўя қолса. Мана бу қурниб ётган бутоқларнинг ҳаммаси ям-яшил бўларди, булбуллар шўх-шўх сайранади. Тўқайга кириб мева терардим,— деб бир оз ўйланиб қолди. Тўқайнин ёриб ўтиб кун ботиш томонга қараб пишқириб оқаётган Норин дарёсининг шарқираган товуши яқин ердан эштилгандай бўлиб туоларди.

Норин дарё, Норин дарё,
Тошиб оқар «шув»лаб гўё...

Ойгул шу сўзларни бир неча марта такрорлади. Қирчонғи қўк отини «чу!» лаб, Ойгул турган тепанинг этакларига сигирларини ўтлатиш учун ҳайдаб бораётган кекса Охун Ойгулнинг овозини эшитиб:

— Бола-да, сувнинг оқишига тегажоғлиқ қилишини қара-я,— деб кулиб қўйди.

— Ҳа, Ойгул, айланай болам, Норин дарёсини илгари кўрмаганмидинг?— деди у отининг тизгинини тортиб.

— Йўқ, эсим киргандан бери кўрганим шу. Лекин акамдан кўп эшитганман. Отажон, шу отингиз билан Норин дарёсидан кечиб ўта оласизми?

— Йўқ, қизим. Норин қўк от билан иккаламизни ҳам оқизиб кетади. Норин улкан дарё. Сирдарё деганини эшитганмисан?— деб қўк отининг ёлини ушлаб турган Ойгулнинг қирқилган,mall, майин сочини қадоқ қўли билан силади:

— Ҳа, биламан, бир кун акам картадан кўрсатган эди. Ахир, бу Сирдарё эмас-ку. Бу Норин дарё-ку!— деди Ойгул юмалоқ кўзларини ўйнатиб:

— Сирдарё шу Норин дарёдан ҳосил бўлади. Акангнинг картасидан қараб кўр, хўпми?

— Хўп, Норин дарё ҳеч қачон Сирдарё бўлолмайди,— деди у шартта, кейин ёнидан лапанглаб ўтиб кетаётган катта, кул ранг буқани кўрсатиб,— отажон, мана бу тоғдай буқа ёлғиз юрганида болаларни сузмайдими?— деб сўради.

— Сузмайди. Агар сузадиган бўлса, мен унинг шохини синдириб ташлайман. Энди уйингга кета қол. Мен сигирларни ҳайдаб борай,— деб отига қамчи босиб жўнаб қолди у.

Ойгул бир оз қараб турди-да, кейин уйига кетди.
Ойисининг бўйнидан қучоқлаб:

— Охун ота, буқа сени сузадиган бўлса, шохларини
синдириб ташлайман, деди. Жуда ювош буқа экан.—
Қовоғини солиб икки қўлини юқори кўтариб:— Рост айтаман,
тоғдай кўк буқа шундай ёнимдан ўтиб кетди. Үқрайиб
ҳам қарамади. Лапанглаб секин юрар экан. Мен
энди қўрқмайман-а, ойижон?— деб эркаланди.

— Нимадан қўрқасан, қизим. Ҳозиргина Женгиш
 билан Шакин иккаласи сени қидириб кетишиди. Ўйнаймиз,
деб келишган бўлса керак. Бора қол.

Ойгул дарров ўртоқларини қидириб кетди. Ойгул
болалар билан роса ўйнаб, уйга пешинда келди. Бурма
опа қизига овқат берди-да, сигирлар келар маҳали бўл-
ганда саройга чиқиб кетди. Ойгул овқат ичиб бир оз
дам олгандан кейин зерикканидан ташқарига чиқди.

Сарой томонга бораётган сигирларни кўриб, ўша
ёққа боргиси, ташқаридан ҳашаматли кўринган катта
саройнинг ичидаги нималар борлигини кўргиси келди.
Бир оз қараб турди-да, кейин сарой томонга чопиб
кетди.

Саройнинг дарвозасига яқинлашаганда катта кул
ранг сигирнинг пиёладай катта-катта кўзларини олай-
тириб, наизадай тикка шохларини ўқталиб, бошини
чайқаб, рўларасига келиб ҳадеб сузмоқчи бўлаётгани-
ни кўрди. У асли сузафон сигир эди. Айниқса кичкина
болаларни кўрса сузаман леб ҳамла қиласарди. Ўтган
ёзда қишлоқдан келган бир болани тоза думалатиб суз-
ган. Охун ота таёқ билан савалаб роса таъзирини бер-
ганидан кейин, кишига йўламай қўйган эди.

Ойгул қўрқанидан ранги қув ўчиб, кўзлари косаси-
дан чиққудек бўлиб, нима қиласарни билмай, турган
жойида қотиб қолди. Бир оз юрагини босиб олиб:
«Хўш, нега бақрайиб турибсан. Иўқол кўзимдан! Охун
отага айтиб шохингни қирқтириб ташлайми!»— деб ўши-
кирди овозининг борича.

Кул ранг сигир Ойгулнинг гапига қулоқ солмади.
Бадтар ўчакишиб, турган жойидан жилмади. «Сени са-
ройга киргизмайман. Агар кираман десанг, сузиб ичак-
чавогингни ағдариб ташлайман» дегандай, унинг йўли-
ни тўсиб, кўзини лўқ қилиб қараб турарди. Ойгул нима
қилишини билмай, орқасига қараб-қараб бақирганча
югуриб кетди.

Охун ота Ойгулнинг чийиллаган овозини эшитиб, саройдан чопиб чиқди-да, Ойгулни сузмоқчи бўлиб турган кул ранг сигирнинг елкасига таёғи билан бир туширди.

— Ҳу...ҳаром ўлгур, боламнинг ўтакасини ёрганга ўхшайсан,— деди-да ранги ўчиб, дир-дир титраб, йифлаб турган Ойгулни катта чопонининг этагига ўраб юпата бошлади. Кул ранг сигир бир калтак егандан кейин, инқиллаб, оқсоқланиб, яна тушириб қолмасин дегандек, ўзини четга олиб қочди. Ойгул Охун отага ўз отасидай эркалик қиласди. Охун ҳам бола деганда жонини берарди.

— Ҳо, ёлғончи, шохини синдириб ташлайман деганинг қани? Қишлоқдаги уйимизга кўчиб кетамиз. Бу ер ёмон экан,— деб Ойгул Охун отадан хафа бўлиб йиглаб юборди.

— Қўрқма, қизим, уни уриб қовурғасини синдиридим-ку. Энди сенга тегмайди. Бу ҳаром қоттур сенга тегиб қўрсин, нима қиласкинман, қўрқмай, bemalol юравер, хўпми?— деди Охун ота Ойгулнинг қўлидан ўлиб,

6. БУ ПИОНЕРЛАР ИШИ

Абдилас кечаси ўйлаб қўйган нарсаларини қилиш учун эрталаб ўрнидан турди-да, сигир фермасидаги ҳамма катта болаларни мактабга бошлаб кетди.

Болалар мактабга нима учун бораётганлигини Ақайдан бошқа ҳеч ким билмас эди. Абдилас, яна биронтаси бормай қўймасин, деган хаёл билан директоримиз келинглар деган эди, деб уларни уйларидан чақириб олиб кетди.

Кўзлари катта, қирра бурун, қора бола саройдан чиқиб бир оз юргандан кейин, Абдиласнинг бу ишини ёқтиргмагандай:

— Бизни лақиллатяпсан-а. Қаникулга чиққанимизга икки кун ҳам бўлгани йўқ-ку, директоримиз чақириб нима қиласди, нима соғиниб қолибдими? Ўзларий ҳам дам олиши керак-ку,— деб, қалин лабларини чўччайтириб, Абдиласга бир ўқрайиб қаради.

— Э, қўйсанг-чи, мактабга биздан бошқа ким келарди дейсан, етти кунни ҳамма болалар ўз уйида ўтка-

зади. Ундан кўра тўп, ошиқ ўйнаб, тўқайда ов қилиб юрганимиз, маза қилиб дам олганимиз яхши эмасми?— деди яна бири.

— Тўғри айтасизлар, юринглар бўлмаса, қайтиб кетамиз. Сен нима дейсан?— деди ўртада келаётган сариқ бола Ақайнинг елкасига уриб.

— Йўқ, бу гапинг менга маъқул эмас,— деди. Ақай жиддий. Болалар дарров иккига бўлинниб кетишиди. Қари билан ҳалиги сариқ боланинг ёнини олганлар, кетамиз, дейишгандай, қадамларини секинлатишиди.

Абдилас ўртоқларининг бу ишбузиқилигидан жаҳли чиқди.

— Ростини айтсам,— деди у бўлинган болаларнинг ёнига келиб,— мен сизларга, директор оғамиз чақирди, деб ичимдан чиқариб айтган эдим. Мени кечиринглар. Лекин катта бир иш бор.

— Қандай иш экан? Яна бир нарсани ўйлаб чиқармоқчилирсан-да,— деди Қари зарда билан.

— Мен фойдали нарсани ўйлаб топаман. Сенга ўхшаб тескарисига олмайман.

— Ҳа, фойдали ишларнинг ҳаммаси фақат сенинг каллангдан чиқади. Фойдали иш бўлса, ўзинг боравер, юринглар, кетамиз,— деб Қари уйига қараб жўнади. Лекин унга ҳеч ким эргашмади.

Сариқ бола, нима бўлса ҳам Абдиласнинг гапини эшитиб кейин бир қарорга келарман дегандек, болаларнинг ёнида қолди.

Ақай Қарини «тўхта, сабр қил» деб чақирган эди, у «бормайман» дегандай қўл силтаб кетиб қолди. Қолган болалар Абдиласларга қўшилиб яна йўлга чиқишиди.

— Қани, ўйлаб қўйган нарсангни бизга айт-чи, яхшилигига биз ҳам ишонайлик,— деди Роза Абдиласга қайрилиб.

Абдилас қолган ўртоқларининг Қаридай қайсарлик қилмасликларига кўзи етиб, ўйлаб қўйганини тушунтира бошлади.

— Ўзинглар кўриб турибсизлар. Икки-уч кундан кейин колхозчилар экин-тикинга киришади. Ота-оналаримиз азалдан ҳайдалмай ётган Куйрак далада бир ойдан бери канал қазишаётди. Каналдан келган сув Қора-сувгача ёйилиб ётган кенг далани сугорар экан. Янги ерга сув етса, экин яхши унади. Ўшанда бизнинг

турмушимиз яна ҳам яхши бўлади: канал ҳали Куйрак далага етгани йўқ. Эрта-индинга халқнинг кўпчилиги ер ҳайдашга кетишади. Агар юқори синф болалари йиғилишиб ёрдам берсак, уларнинг ўрнини босамиз. Беш-олти кунда канални ҳам қазиб ташлаймиз. Мен сизларни бошлаб бориб, буни пионер вожатийга айтмоқчи эдим.

— Яхши ўйлаб топибсан. Бекор ўйнаб юргандан кўра, оз бўлса ҳам, қўлимиздан келганча колхозчи отаоналаримизга ёрдам берамиз,— деди Ақай. У сариқ болани ёқтиргмагандай, унга бир ўқрайиб қўйди. Бу ишинг тўғри эмас, деб айт, дегандек сариқ боланинг ёнида келаётган болани тирсаги билан бир туртди.

— Абдиласнинг фикрини қувватлаймиз,— деди Роза баланд овозда.

— Қувватлаймиз,— дейнишди ҳаммаси ҳам бир оғиздан.

Болалар мактаб эшиги олдига келганда, бош пионер вожатий Салий худди гаплашиб қўйишгандай, уларга пешвоз чиқди. Болалар Салий билан пионер-часига честь бериб саломлашишди. Болаларнинг кулиб турган юзларини кўриб ич-ичидан севинган Салий:

— Хўш, қалай, соғ-саломат юрибсизларми?— деб сўрашди баланд овозда билан.

— Яхшимисиз, опа?— деб сўрашишди болалар.

— Сиздан бир илтимосимиз бор эди,— деди Абдилас шартта гапни чўзиб ўтиrmай.

— Қани, галир, эшитайлик, пионерларнинг фойдали илтимоси сўзсиз бажарилади.

— Колхозчиларга канал қазишда ёрдам берсак, дегандик.

Салий пионерларнинг ватаңпарварлик ғайратларига қойил қолиб, ич-ичидан севинди.

— Сен, опангга ёрдам бермоқчи эдинг-ку, нима, айниб қолдингми?

— Йўқ. Айниганим йўқ. Охун отам молларнинг туғиши апрель бошидан бошланади,— деди.

— Ҳа, тўғри, апрелдан бошланади,— деди Ақай сигир боқишини Абдиласдан яхши билгандай.

Роза ҳам уларнинг гапига қўшилди.

— Уйда бекор ётгандан кўра, ота-оналаримизга ёрдам берайлик, қайтага анча чиниқамиз, опа!

— Жуда яхши ўйлабсизлар, пионер деган мана шундай бўлади. Керимқул акам иккаламиз ҳам кечқурун шу тўғрида маслаҳатлашган эдик. Фикримиз бир жойдан чиқибди да. Мен қишлоқдаги пионерларни йигишга кетаётган эдим. Юринглар, пионерлар уйидан байроқни олиб чиқиб, кўчада йигиламиш,— деди да. Салий иши ўнгидан келганига қувониб, болаларни эргаштириб мактабга кириб кетди.

Болалар қишлоқ кўчаларидан худди байрам кунларидагидай ашула айтишиб, саф тортиб ўтишди. Пионерлар сафи тобора ортиб борди. Олдинда икки бола — бири барабан, бири горн чалиб, Абдилас бўлса қизил байроқни кўтариб борарди.

Колхоз раиси Жума ака пионерларнинг ашуласини эшитиб эшикка югуриб чиқди, шахдам қадам ташлаб келаётган пионерларга ҳавас ва фахр билан қараб, хурсанд бўлди, мош-гуруч мўйловини секиц чап қўли билан силаб, кулумсиради.

— Раҳмат, садағанг кетайлар. Сизларнинг бу ишларингни эшитиб, ўзимда йўқ севиндим. Сизлар бизнинг ишонган тогимизсиз. Дала ишлари бошланниб, айни одам етишмай турганди. Тез кунда каналга сув қўйишимиз керақ. Мен сизларга асбоб-ускуна, овқат тайёрлатиб қўяй. Кечикмасдан боринглар! Меҳнат куни ҳам берамиз. Салий қизим, сенга ҳам катта раҳмат, болаларга ўзинг бош бўлибсан. Раис уларнинг орқасидан анча вақтгача қараб турди.

* * *

Канал қазиётган колхозчилар келаётган болаларни кўриб жуда хурсанд бўлишди. Каттароқларига кетмон, кичикроқларига белкурак беришди. Каналчилар бригадири Нурали ота болаларни учта-учтадан бўлди да, «бу кунги норманглар шу» — деб, ҳар уч болага беш метрдан ер ажратиб берди. Болалар ишга ҳамжиҳат бўлиб, ғайрат билан киришишди. Нурали ота невараларининг ёнидан кетмай, уларга йўл-йўриқ кўрсатиб, қандай ишлаш кераклигини ўргатиб юрди. Асқар, Роза, Абдилас ишлаётган жойга келиб:

— О, баракалла-баракалла, ишларинг жуда жойида-ку! Асқар ўғлим, кетмон уришга жуда уста экансан-у! Дадангдан қолишмайсан-а! Роза қизим билан

Абдилас ўғлим ҳам бўш келишмаяпти. Тупроқни олис, олис ирғитинглар. Муаллиминглар кетмон чопишини, белкурак ушлашини ҳам ўргатганга ўхшайди-я!— деб хохолаб кулиб, кўксига тушиб турган кумушдай оппоқ, сийрак соқолини силаб қўйди.

Абдилас тупроқни ирғитаётганида Нурали отанинг кўзи унинг чап енгидаги қизил лентага тушиб:

— Абдилас ўғлим, енгингдаги қизилинг нимаси?— деб сўраб қолди. Абдилас белкурагига тупроқ оларкан:

— Бу — звено вожатийсининг белгиси,— деди.

Нурали ота олтинчи тўпдаги болаларнинг бир оз қийналаётганини пайқаб:

— Шошма, шошма, чарчаб қолганга ўхшайсан-а!— деди-да, бир боланинг қўлидан белкурагини олиб, ариқнинг ичига сакраб тушди, белкурак билан тупроқни тез-тез юқорига ташлади.— Мана, кўрдингми, асфальтдай тел-текис бўлди-қўйди. Ариқнинг таги билан ёнини силлиқ қилиб бир текисда қириб олса яхши бўлади. Фадир-будур бўлса, сув текис оқмай ўйиб юборади. Тупроқ нам, белкурагинг ўтқир — белкуракни ётиқ солсанг текис олади. Мана, болам, энди ишлаб кўр-чи,— деб белкуракни боланинг қўлига бериб, ўзи қараб турди.

Зеҳн қўйиб қараб турган бола белкуракни қўлига олиши билан Нурали ота кўрсатиб бергандай қилиб ишлай бошлади.

— Балли, чирофим, ҳа, иш мана бундай бўпти. Ҳадисини ололмаяпсан-да!— деб хохолаб кулиб, ёнидаги боланинг қўлидан кетмонини олди. Кетмонни сопигача ботириб тупроқ иргита бошлади. Нурали ота унга қараб турган болаларга юzlаниб:

— Бунинг ҳеч қийин ери, йўқ, болаларим. Астойдил ишласанглар, ҳаммангнинг ҳам қўлингдан келади. Сизларнинг олаётган билимингиз бир умрли ҳунар-ку. Қайси куни шаҳарга борганимда экскаватор деган машинани кўриб, оғзим очилиб қолди. Бундай юмшоқ ерда юз кишининг ўн кунда қиласидиган ишини бир кунда қотириб ташлар экан. Қақраган ер бағрини худди пи-чоқдай тилиб боряпти. Уни полвон трактор юргизиб тураркан. Машинани бори-йўғи биргина киши бошқариб турибди. Омонлик бўлса, икки-уч йилдан кейин уни шу колхозда ўз қўзларинг билан кўрасизлар, болаларим.

Мен туғилиб кўрган нарсам кетмон билан ўроқ бўлган. Уқишишни билмадим, бошқа иш қўлимдан келмас эди. Сизларнинг даврингиз бошқа, ўқиб илм оламан десангиз ҳам, ҳунар эгаллайман десангиз ҳам ҳамма йўл очиқ. Сизларга бир эмас, беш ҳунар ҳам озлик қиласди. Үрганишдан, ишлашдан сира қочманглар. Сизлар баҳти болаларсиз,— деб Нурали ота узок ўтмишини эслаб кетди.

Каналнинг лабига қизил байроқ тикишди, бу дам олиш вақти бўлганини билдиради. Болаларга иссиқ овқат берилди. Ҳамма ҳордик чиқарип, байроқ олингандан кейин яна ишга тушди. Қайси бўрлари нормаларини бажарип, Нурали отадан қўшимча ер сўраб олишди. Вожатий Салий билан комсомол комитетининг секретари Ийман ҳам болалар билан ёнмаён туриб ишлашди.

Пешинда қишлоқдан Керимқул билан Жума келиб қолишиди. Улар болаларнинг ишидан жуда хурсанд бўлишди.

— Энди, бўлди қилсанглар ҳам бўлади. Беш кун мана шундай тўрт-беш соатдан ишлаб берсанглар бўлади. Бу жуда катта ёрдам. Энди бориб яхшилаб дам олинглар,— деб Жума ака болаларни жўнатиб юборди.

Болалар ашулани ванг қилиб канал бўйлаб уйлагида кетишиди. Жума, Керимқул, Нурали ота, Салий, Ийманлар қолишиб, кейинги кунларда қилинадиган ишлар тўғрисида маслаҳатлашиб олишди. Кетишаётгандага Жума ака Ийман билан Салийга бурилиб:

— Сизлар ҳар бир боланинг кунда қилган ишини аниқ ҳисоблаб юринглар. Кейин меҳнат куни ёзганда чатоғи чиқиб юрмасин,— деб тайинлаб қўйди.

* * *

Абиш, бир нарсага аччиғи чиққандай, уйга қош-қовоги осилиб кириб келди. Ўйнинг тўридаги шолчада уч яшар укаси билан ошиқ ўйнаб ўтирга Қарини кўриб яна ҳам жаҳли чиқди. Чопонини ечиб, тахмонга қўйди-да, ўғлининг ёнига келиб ўтирди.

— Болам, бу бекорчи ўйинингни йиғиштирсанг бўларди,— деди у зарда билан. Ҳеч нарсада ҳабари йўқ Қари:

— Нима эди? Мана, йириширдим...— деди қўполгина, отасининг гапини писанд қилмай.

— Менга қара, ўғлим. Бекор юргандан ҳеч фойда чиқмайди. Айниқса ёш кишига ярашмайди. Ёшлигидан меҳнатда чиниқкан одам қариганида ишсиз ўтиромайди, юраги сиқилиб кетади. Ёшлигидан ялқов бўлган одам, қариганда ҳам бўйни ишга ёр бермайди.

— Оббо, нега бунча жағинг очилиб кетди, жимжилоқдай боланинг бошини мунча қотирасан, худди ўзинг ишни қотириб юборадигандай гапирасан-а. Ялқов бўлмасин десанг, тош ташитмайсанми,— деб ип йигириб ўтирган хотини, одатича, эрини талаб кетди.

— Сен жим ўтири, олдин гапга тушунсанг-чи, кейин болангнинг ёнини оласан,— деди Абиш зарда билан. Хотини эри билан ади-бади айтишиб ўтирамай:

— Менга деса, болангни пишириб е,— деб, эшикни тақ этиб ёпиб чиқиб кетди.

— Ҳамма айб сенда. Болани бузадиган ота-онанинг ўзи деганларига ишонмасдинг. У дединг, бу дединг, ишқилиб, болани ўртоқларидан ажратиб олиб қолдинг,— деди Абиш бўш келмай.

Болалар билан каналга бормаганимни ҳали отам юзимга солар, деган фикр Қарининг юрагини ғаш қилиб юрган эди. Отасининг аччиғланганини кўриб, у миқ этмай, гапига қулоқ солиб ўтираверди.

Абишнинг мақол-маталларни кўп келтириш одати бор эди.

— Болам, ҳалқда: «Эл буюк, элдан чиққан кийик» деган гап бор. Шунга ўхшаб, сен ҳам ўртоқларингдан ажралиб, уйда яшириниб ўтирганинг нимаси? Ўз тенгларинг Абдилас, Абил, қиз боши билан Розалар ўйнабкулиб эл-юрт билан бирга каналда ишлаб юришибди. Улар нима қилишаётган экан деб, подани ташлаб канал қазувчиларнинг олдига борсам, бир сендан бошقا ҳамма болалар югуриб-елиб ишляпти. Раис, Абиш ака, ўғлингиз бирон жойга кетганми, деган эди, «ҳа, ўйнаб келаман деб опасиникига кетган эди», деб гапими ни тамом қўлгунимча бўлмай, Абдилас, Қари: «Мен ишламайман, каникулда уйда дам оламан»— деди, деб қолса бўладими? Раис билан парторг олдида ер ёрилса-ю, ерга киргудай бўлдим. Нима дейишимни билмадим. Ҳаммадан ҳам болаларнинг бараварига: «Қари ўзи дангаса, иш ёқмас бола» дейишгани эт-этимдан

ўтиб кетди. Боришга бордим-у, қандай кетишимни билолмай қолдим. Болам, энди бу қилифингни ташла, сени деб мен гап эшишиб юрмай. Хўпми?— деб қаттиқ гапирган бўлса ҳам, ўғлига раҳми келиб кетди.

Отасининг гаплари Қарига худди қамчи билан савалагандай бўлди. Отасининг изза бўлгани бутун туриштурмушидан кўриниб турарди.

Илгари отаси уни бунчалик койиган эмас эди. Шу сабабдан отасининг ҳозирги гаплари Қарининг орини келтирди.

— Бундан кейин ўртоқларимдан ажралсам, калламни узиб ташла,— деди у икки кўзи жиққа ёшга тўлиб.

— Баракалла ўғлим, айбингни тушунган бўлсанг, мен жуда хурсандман. «Уят ўлимдан қаттиқ» дейишиади. Мен бугун ҳазилакам уялганим йўқ. Бора қол, болам, ўртоқларинг билан гаплашиб, бир-икки кун бўлса ҳам, ишлаб кел. Ўртоқларингдан узр сўра. Ҳаммаси ойингнинг гапига кирганингдан бўлди,— деди Абиш ўғлининг манглайидан силаб.

* * *

Салийнинг кечаги рўйхатидаги ўттиз боланинг ҳаммаси мактаб эшиги олдига тўйланганда, қуёш энди кўтарилиган эди. Сигир фермаси қўрасидан Абдилас, Роза, Ақай, Қари чиқиб келишди. Колхоз клуби томондан Ийман билан Салий иккови қўш отли икки аравани ҳайдаб келишиб болаларнинг ёнида тўхташиди. Шай бўлиб турган болалар ўн беш-ўн бешдан бўлиб икки аравага ўтиришди.

Отлар ҳам болаларнинг «чух» дейишини эшитиши билан елдай учиб кетишиди. Салий эски аравакашлардай ўқтин-ўқтин «но!» деб қичқириб қўярди. Болалар отларнинг дукур-дукурига жўр бўлишгандай ашула бошлаб юборишли.

«Меҳнатдан баҳт топамиз,
Ҳаётни гуллатамиз!»—

Болалар илк баҳорнинг тоза ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олар, шўх-шўх кулишар эди. Ийман гап орасида, чет мамлакатлардаги болаларнинг қашшоқ ҳаёти тўғрисида ҳикоя қилиб берди. Тоштепадан ўтиб,

Кўлқайинга яқинлашганда Салийнинг аравасида қизил байроқ ҳиллиради. Ўша заҳоти Ийманнинг аравасидагилар ҳам байроқ кўтаришди. Улар қуёшнинг олтиң нурида товланиб болаларга шавқ-завқ берарди.

Жума, тоғдан шовиллаб оқиб тушаётган ўжар сувдан белигача кечиб, уни янги каналга буриб юбориши учун ғайрат билан ишлашаётган колхозчиларга қараб: «Ҳа, бўшашмаганлар! Ана, азаматлар ҳам келишяпти»— деб шовқин-сурон кўтариб келаётган икки аравани қўли билан кўрсатди.

Болалар келишлари биланоқ шартта ечинишиб, сувга тушиб кетишди. Нурали ота болаларнинг бир нечасига колхозчилар уч аравага ортаётган катта-катта тошларни ташитиб, бошқаларининг қўлига болта бериб сув лабидаги толларни қирқдириб араваларга ортдирди.

Чарчаҳ нималигини билмаган азамат колхозчилар уст-бошлари шалаббо бўлишиб сув тагига қозондай, челякдай келадиган катта-катта тошларни тахлашиб, тол, қайниларни тўп-тўп қилиб босишиб икки метрлик тўсиқ ясашди. Керимқул Жумага қараганда қаддикомати келишган, тўлароқ йигит эди. У келиши биланоқ тош тераётганларга қўшилиб кетди. Жума болаларни ёнига олиб уларга тол, қайн еткизиб турди. Шиддат билан оқаётган тоғ суви аввалига тошларни юмалатиб, уларни жуда шошилтириб қўйди.

— Чаққон-чаққон ишланглар, бу ўжар сувнинг одамга бўйсуниши осон эмас,— деб Нурали ота йигитчаларни рағбатлантириб турди.

Шўх тоғ суви янги каналдан шарқираб оқа бошланганда, қуёш ўз уясига энди яширинганди.

Колхозчиларнинг меҳнатига таҳсин ўқиб, колхоздалаларига қараб шалдираб оқаётган сувнинг мароқли таронасини тинглаб, халойик тўп-тўп бўлиб ариқ бўйлаб кетди.

— Тезроқ, ўртоқлар!— деди Керимқул ҳаяжон билан.— Бугун 31 март куни азалдан бери бекорга оқиб ўтган ўжар сув колхозчилар билан колхоз ёшлиарининг иродасига бўйсунди. Оқ-э, барака топкур канал суви, оқа бер! Асрлар бўйи сувга ташна дала сени кутиб турибди. Ҳосилдор экинзор ерлар сенинг йўлингга интизор бўлиб кўз тикмоқда. Сен бепоён ўлкамиздаги улуғ қурилишлар — Сталинград, Каховка, Куйбишев

гидроэлектростанциялари, Жанубий Украина ва Шимолий Крим каналларининг колхозимиздаги эйг кичкина укасисан.

Керимқул қисқача нутқини тамомлаши билан гулдурос қарсаклар кўтарилиди, канал суви ҳам колхозчиларни бу тантана билан табриклагандай эквивалентлар бағрига яна ҳам эўр шиддат билан оқа бошлади.

7. КАНИКУЛДАН ҚАЙТГАНДА

Каникул тамом бўлиши билан болалар ўқишга қайтиб, мактабга ҳусн киритишиди. Болалар энди кўп нарсаларга бошқача кўз билан қарайдиган бўлиб қолишиди. Баъзилари катта деразаларнинг тои-тоза қилиб артилган ойналарини, ёруғ, шинам синфларини, янги осилган суратларни, қатор тизилган тои-тоза парталарни кўздан кечиришар, бошқалари синфларини қидиришар, яна бирорлари мактаб ҳовлисида айланиб юришарди. Айниқса биринчи синф болаларига саккиз кун ичида ҳамма нарса янгиланиб қолгандай бўлиб кўринди.

Ҳовлида юрганлар, қўнғироқнинг таниш овозини эшитишлири билан худди командирининг буйруғини эшитган солдатлардай юрганларича синф-синфларига кириб кетишиди. Мактабга кетаётган дўмбоққина бир қора қизча ёнидаги қизнинг сугидан тортиб:

— Ҳой, сен эшитмадингми? — деб сўради ҳайрон бўлиб.

— Нимани? Айта қолсанг-чи? — деди у қиз қизиқиб.

— Қўнғироқ овозини эшитмадингми? Ҳозир учинчи урганда қулоқ солиб тур. Каникулга чиқмасимиздан олдин қўнғироқ овози жаранглаб чиқарди, энди бир эшитгин-а, жиринглаб чиқялти, бошқа қўнғироқقا ўхшайди.

У қиз бу гапини хуш кўрмади шекилли:

— Ёлғон, ёлғон, — деб лабини буриштирганча синфга югуриб кириб кетди.

Биринчи синфининг синф боши Женгиш:

— Жим ўтиринглар. Ҳозир опам келади, — деб, бармоғи билан партани уриб болаларни тиичитди. Қий-чув ҳўтаришаётган болалар бирдан жим бўлиб қолишиди.

Гулбар опа синф эшигидан секин кирди, ўринларидан баравар турган болаларга меҳрибонлик билан бир кўз юргутиб чиқди. Кейин ўртадаги партанинг олдига келиб тўхтади-да:

— Эсон-омонмисизлар?— деб саломлашди.

Болаларнинг:— Ўзингиз саломатмисиз, опа?— деб самимий сўрашишлари Гулбар опанинг кўнглини кўтариб юборди.

Гулбар опа синф журналини стол устига қўйиб:

— Ўтирглар!— деди. Болалар баравар ўринларига ўтиришиб, биринчи дарсда нимани ўтарканмиз дегандай, муаллималарининг оғзига қараб туришди. Йўқлама қилиб бўлгандан кейин:— Ҳозир ҳар бирингиз каникулда қандай дам олганингизни: қилган ишингиз, ўқиган китобингиз, кўрган нарсангизни қисқача ҳикоя қилиб берасизлар,— деди.

— Хўп, опа,— дейишиб болалар чуғурлашиб қолишиди. Гулбар опанинг очиқ чеҳрасида оналарга хос меҳрумҳаббат барқ уради. Шунинг учун ҳам болалар уни жуда ҳурмат қилишар, ҳар бир сўзини зўр эътибор билан тинглашарди.

— Қани, ким гапириб беради,— деб Гулбар болаларга савол ташлаганда, дастлаб дўмбоққина Ойгулнинг оппоқ қўлига кўзи тушди. Ойгул доскага чиқиб, каникулни қандай ўтказганини гапира бошлади.

— Молхонага кўчиб борган кунимизнинг эртасига кул ранг сигирдан жуда қўрқдим. Югуриб кетяпсам пиёладай кўзларини олайтириб, шохларини диккайтириб, сени сузиб ташлайман дегандай йўлимни тўсса бўладими. Мен йиғелаб орқамга қочдим. Охун ота сигирини таёғи билан роса савалаф, қўрқмагин, энди сузмайди, деб мени овутди. Қўрқиб уч кунгача уйдан чиқмадим. Кейин-кейин мени сузмайдиган бўлди. Кечаки ёнига ҳам бориб турдим, сузмади. Ундан кейин «Балиқ ва балиқчи ҳақида эртак» деган қизиқ китобни ўқиб чиқдим. Бечора чолга раҳмим келди. Қампир ўлгидай очкўз экан. Шунинг учун жазасини тортди, яна қашшоқ бўлиб қолди. Норин дарёда ҳам олтиш балиқ борми, десам, акам, бу эртак-ку, олтин балиқ бўлармиди, деди. Акам Зоя деган қаҳрамон қиз тўғрисида гапириб берди. Мен ҳам катта бўлганимда Зоядай бўламан, деб вაъда бердим. Бир куни болаларга гапириб бераман. Норин дарё бўйига бордим. Гўқайни

кўрдим. Арифметикадан беш мисол чиқардим. Бўлгани шу,— деб жилмайниб қўйди.

— Энди мен гапириб бераман,— деди дўнг пешона бир бола.

— Қани эшитайлик,— деди Гулбар опа бошини лиқилатиб.

— Мен томорқамизга кичкина ариқ тортиб, олти туп кўчат ўтқаздим. Дадам катта дараҳтнинг бир бутогини кесиб, калта-калта қаламча қилиб берди. «Қаламча тез ўсади, сен ўн бешга чиққунча катта дараҳт бўлади»,— деди, деб эшик олдидаги дараҳтзорни кўрсатди. Ёзда яхшилаб парвариши қиласман. «Қарға билан Тулки» деган масални ўқиб чиқдим. Муғомбир тулки соддә қарғани алдаб, оғзидағи бир парча гўштини еб қўяр экан. Яна «Қашқир билан Қўзи» деган масални ҳам ўқидим. Дадам, илгари бойлар қашқирдай золим бўлишарди, қўзидай содда камбағалларга кун беришмасди, деб айтган эди,— деди.— Кеча армиядаги акамга хат ёздим. Қилган ишларим шу,— деди опасига қараб.

Яна етти бола каникулни қандай ўтказганлигини гапириб берди. Гулбар опа дарс охирида уйга берилган топшириқни доскага ёзди:

Ўқиган китобларингнинг номларини ёзиб кел!

Эшитган эртакларингнинг номларини ёзиб кел!

— Доскадаги топшириқни она тили дафтaringларга кўчириб олиб, эндиги она тили дарсига жавоб ёзиб келинглар,— деб Гулбар уйга топшириқ бериб бўлиши билан қўнгироқ жиринглади.

* * *

Еттинчи синфда тил ва адабиётдан дарс берадиган ўқитувчи Муқаш болалар каникулга чиқиши олдидан: «Мен каникулни қандай ўтказдим»— деган мавзуда баён ёзиб келинглар, деб топшириқ берган эди. Ҳозир ўша топшириқнинг қандай бажарилганини астойдил текшира бошлади. Уч бола, эсимиздан чиқиб қолибди, деб баҳона қилиб, топшириқни бажармаганликлари учун «2» баҳо олди.

—Мен баён ёзишнинг фойдасини бир неча марта гапириган эдим,— деди ўқитувчи,—яна такрорлашга тўғри келади. Биринчидан: сизларни ёзишга ўргатади,

иккинчидан: сўз бойлигингизни оширади. Ўз ўй-фиркингизни бировга чиройли сўзлар билан тушунтирадиган бўласизлар. Кўрган-эшитган нарсаларингни, қилган ишларингни тартибга солиб, синтаксис жиҳатдан тўғри ёзишга ўргатади.

Қораҷадан келган бола чап қўли билан ҳадеб сочини силаб, ёзib келган баёнини ўқишга тушди. Ўқитувчи диққат билан тинглади. Тўрт боладан кейин Абдилас дафтарини қўлига ушлаб ўрнидан турди. У шошмасдан, дона-дона қилиб ўқий бошлади:

— «Мен каникулда маза қилиб дам олдим. Иккита катта иш қилдим. Қилган ишларимдан ўзим жуда хурсанд бўлдим. Ойим сигир соғувчи бўлгани учун, каникулга чиққан кунимизнинг эртасига далага кўчиб чиқдик. Бу менинг биринчи мақсадим эди. У ерда тана ва бузоқ боқиш маҳалида кўнглимга тугиб қўйган ишларимни қиласман. Иккичи мақсадим — колхозчиларнинг Кўйрак далага канал чиқаришида ёрдам бериш эди. 25 марта 31 марта гача мактаб пионерлари билан комсомоллари ҳаммамиз каналда ишлашдик. Бизга Салий опа билан Ийман aka бош бўлишди. 31 март куни тоғ сувини сувсаб ётган далага буриб юбордик. Кузда Кўйракдан гектарига юз центнердан буредой оламиз. Жума акам, Кўйракка буғдойнинг янги хил навини экамиз, деди. Каналга сув оқизилган куни катта байрам бўлди. Бу кун сира эсимдан чиқмайди.

Бўш вақтларимда «Замонамиз кишилари», «Бахт» деган китобларни ўқиб чиқдим. «Замонамиз кишилари»нинг ярмидан кўпини илгари ўқиб қўйган эдим. «Кунлар ва тунлар», «Салтанат» деган икки янги китоб сотиб олдим. Абиш акамдан жуда хурсанд бўлдим. Биздан ажралиб қолган Қарини яна сафимизга қўшиб қўйди. Қарининг энди ўртоқларидан ҳеч ажралмаслигига ишонаман. У Салий опамнинг олдида пионерлик сўзини берди. Охун отамнинг айтишига қараганда, опамга биркитилган сигирлардан икки-уч кунда Булоққашқа туғармиш. Унинг бузогини ўзим боқаман».

Абдилас ўқиб бўлди-да, ўқитувчим нима деяркин дегандай унга бир қараб қўйди. Кейинги партада ўтирган бадқовоқ бир бола:

— Бу бола катта бўлгандা ёзувчи бўлади. Ҳаммамиздан кўп китоб ўқииди,— деди ўтирган жойида.

Ёнидаги бола жим ўтири дегандай, тирсаги билан туртиб қўйди.

— Мақсадингни, қилган ишингни яхши баён қилибсан. Лекин тилда баъзи бир ғализ жойлар бор, айрим сўзлар ўз ўрнига тушмаган. Умуман яхши. Айтган гапларимга тушундингми? — Ўқитувчиси жавоб кутгандай термилиб турган Абдиласга кулимсираб қаради,

8. ТУЛБОШИ

Участка зоотехникинг маслаҳати билан Абдилас ойиси иккаласи кичкинагина хонанинг тагини оҳак солинган илиқ сув билан бир сидра шуваб чиқишди, тоза похол тўшашди. Кейин елини тирсиллаб турган Булоқ-қашқани етаклаб олиб киришиди.

Сигирнинг туғишини умрида кўрмаган Абдилас, ана туғади, мана туғади, деб питирлаб сигир ёнидан чиқмади. Худди аксига олгандай вақт жуда секин ўтарди. Абдиласнинг кутавериб тоқати тоқ бўлди.

Эшикни шартта очиб, Охун кириб келгандা, Абдилас жуда қувониб кетди.

— Булоққашқа қачон туғаркин? Кутавериб кўзим тўрт бўлди-ку.

— Ошиқма, болам. Яна уч-тўрт кунда түфса ҳам хўп дегин,—деди Охун ота.—Туғишига бир кун, ярим кун қолганда оғиз сути кўпроқ оқади. Бир туриб, бир ётиб, тўлгоқ тута бошлайди. Ана ўшандан ёнидан жилмаслик керак. Унгача яхшилаб ҳашак-ем солиб, тагини тозалаб туринглар. Қуруқ ҳашак тез чанқатади. Кунига бир-икки маҳал сугориб туринглар. Ҳа, айтмоқчи, бу ўйни ким тозалади? Ие, оқ ҳалат ҳам кийиб олибсан-ку. Нима, зоотехникликка ўқияпсанми дейман.

— Боя зоотехник келиб ўргатиб кетди. Менга «Сигирни қандай туғдириш ва бузоқни қандай боқиш керак» деган мана бу китобни берди, ўқиб чиқдим. Керакли жойларини опамга ҳам икки-уч сидра ўқиб бердим,— деб Абдилас қўлидаги кичкина китобчани кўрсатди.

— Баракалла, ўғлим! Опангнинггина эмас, менинг ҳам ишимни анча енгиллатар экансан. Ҳа, ҳалиги китобингда сигирнинг қачон туғиши айтилмаптими?

— Айтилган. Мен яхши тушунмабман. Ҳудди сиз айтгандай. Мен эртароқ туғар деб ўйлабман.

— Шундай дегин. Қитоб ёзган одамлар ҳам менга ўхшаб ўз қўллари билан қанчадан-қанча сигир туғдириб, ипидан иғнасигача текшириб, кейин ёзишгандирда,— деди Охун ота мақтангандай бўлиб.

— Китобни ёзган киши Қирғизистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Цветков экан. Агар ёшлигингиздан ўқиганингизда, сиз ҳам профессор бўлардингиз.

— Профессор деб жуда ўқимишли одамни айтади-ку!

— Ҳа, профессор бўлиш учун йигирма беш йил ўқиш керак.

— Ў-ҳў! Умрингнинг ярми ўқиш билан ўтиб кетарканда. Энди менга ўқишини ким қўйибди. Мана сизлар ҳар қанча ўқисанглар бўлади. Мен айтгандай қилинглар. Қитобингни опангга ҳам ўқиб бер, тушунмаганини тушунтириб қўй. Чорва билан бўлиб, ўқишингни ташлаб қўйма. Хўпми, тойчоғим!— деб, Охун ота туфутхонадан чиқди.

* * *

Охун ота айтгандай, орадан уч кун ўтди. Булоқ-қашқа ҳали ҳам туққани йўқ. Абдилас китобчасини уч-тўрт марта ўқиб чиқди.

Тўртинчи куни мактабга кетаётганда туфутхонага борди. Булоққашқанинг елини осилиб ерга тегай-тегай деб турганини, гоҳ туриб, гоҳ ётиб тўлғоқ тутаётганини кўриб, жуда севиниб кетди.

— Ойи, энди ёнидан жилма. Зоотехник ака айтгандай тайёр бўлиб тур. Кечгача туғмаса ҳам, бугун кечаси албатта туғади. Тунга қолса, ўзим ҳам қарашаман,— деди кетаётиб.

Абдилас иккинчи сменада ўқирди, мактабдан чиққанда кун ботишыга сал қолган эди. Мен боргунча туғмаса яхши бўларди, деган хаёл билан қадамини тезлатди. Абдилас уйга бормасдан, тўппа-тўғри туфутхонага қайрилди.

— Қелганинг яхши бўлди. Уйга бориб овқатланиб кела қол,— деди Бурма опа ўғлига.

— Йўқ, опа, халатни менга ечиб бер. Охун отамга айтмай қўя қол. Ўзимиз эплармиз. Қани, опа, сув

қўй,— деб қўлларини совунлаб ювиб, тирноқларига йод қўйиб, опасининг халатини кийиб олди. Бурма опа сигирнинг бosh томонига похолни қалин қилиб солиб, бузоққа жой қийди. Абдилас сигирнинг атрофида гирдиканалак бўлар, ҳамма нарсани тахт қилиб қўяй деб куйиб-нишарди. Мана, Булоққашқа ҳам туғди. Абдилас ўзининг ёрдам беролганидан севинчи ичига сифмай, похол устида ётган бузоққа меҳрибонлик билан узоқ тикилиб қолди.

Бурма опа бузоқнинг оғзи-буриини тоза сочиқ билан артиб, йўлдошидан тозалаб, кейин қўлини кострюлдаги сувга солиб ювди.

— Ургочи экан, опа, отини Тўлбоши қўйдим.

— Тўгри айтасан, ўзи ҳам тўлбоши бўлди,— деди Бурма она, ўғлининг қўйган отини маъқуллаб.

9. ОЙГУЛ — РАССОМ

Ойгул уста рассомларга ўхшаб қўлига учи яхшилаб чиқарилгай қаламни ушлаганча, тиззасига расм дафтарини қўйиб, Тўлбошининг рўпарасида ўтирибди. У дам Тўлбошига қарап, дам дафтарига эгилиб расм соларди.

— Ие, Тўлбоши... нега расмга яхши тушмайсан? Қара, сенга сира ҳам ўхшамайди-я?— деб дафтарини Тўлбошининг кўзига яқин келтириб тутади. Тўлбоши бўлса, расм-насисинг билан қашча ишим бор дегандай, узала тушиб ётиб олди.

— Эй, шалланг қулоқ. Нима, мендан хафа бўлдингми? Ҳозир яхшилаб оламан, турақол, турақол,— деб унинг бўйнидан қучоқлаб турғиза бошлади. Ойгул қистай бергандан кейин, ҳали туёқлари қотмаган бузоқнинг кемирчак узун оёқлари қийшайиб, тиззалаб ўрнидан тура бошлади. Мени безовта қилдинг-да, дегандай, деразадан тушиб турган қуёш шуъласига қараб бир оз юрди-да, кейин бирдан гандираклаб туриб қолди.

— Ҳой, Тўлбоши, бирпас қимиirlамай турсанг, нима қиласди? Беш минут чида. Ҳозир битираман,— деб Ойгул яна чиза бошлади. Нимагадир жаҳли чиққандай, қовоғини солиб Тўлбошининг туёғини ушлаб кўрди.

— Ие, туёфи қўшалоқ экан, туёфи учли экан. Кўзи-чи: катта-катта, кўрдингми, ўзингниридай бақрайтириб қўйдим. Шалпанг қулоқ экан. Мана, қулоғинг ҳам, қўйруғинг ҳам худди ўзингниридай бўлди.

Нимжон бузоқ чайқала-чайқала Ойгулнинг ёнига келиб, тумшуғи билан тирсагини турта бошлади. Қалами сирғилиб кетиб, расмнинг бир жойи қийшиқ чиқди. Ойгул ачифи келиб, қўлидаги қаламини иргитиб юборди.

— Ах, шайтон, Тўлбоши! Нимага қўлимга тегасан. Энди расмингни олиб бўлман! Шу билан тўртинчи марта олишим-а! Биттаси ҳам ўҳшамайди. Қачон қалам билан расм чизсам, қўлим тескари кетади-я. Олмаганим бўлсин,— деб ерда ётган қаламига бир ўқрайиб қўйди.

Бўйини чўзиб, кўзларини сузиб, оёқларини букиб ётган Тўлбошига Ойгулнинг раҳми келди. Ойгул тиз чўкиб меҳрибонлик билан Тўлбошининг бўйнидан қу-чоқлади, силаб-сийпади.

— Сени энди уришмайман. Ўзинг шаталоқ отиб югурадиган бўлганингда, «ҳой, Тўлбоши» деб чақириб, ёнимда олиб ўйнатаман. Ҳали сен гўдаксан. Энди ётиб ухла, чарчагандирсан.

10. РОЗИ БУЛИШДИ

— Опа, сиз бормай қўя қолинг. Мен ўзим қўрқмайман. Ёнимга Ақайни ҳам оламан. Охирги сигир-ку, уни ўз қўлим билан туғдириб кўрай-чи, менга ишонавер, хўп дегин, опа,— деб Абдилас қозиқдан халатини олиб кияркан, ойиси унга меҳр билан қараб қолди.

— Мен ҳам борсам бўларди. Ақай бўлмаса, менга хабар қил. Тонг отгунча туғмаса, қўрқиб юрма. Бирор гап бўлса, менга дарров хабар қил ё тез бориб Ақайнинг дадасига айт. Уйқудан қолиб, эртага дарсда мудраб ўтирма яна.

— Хўп, ойи, нима бўлса ҳам ўзим эпларман. Ташвиш тортма. Эртага дам олиш куни. Фонарь билан гугурт бер,— деб уларни олди-да, эшикка чиқди.

Бурма опанинг кўнгли тўқ әди, чунки Абдиласнинг етти сигир туққанида ёнида турганини, бузоқ туғил-

гандан кейин нима қилиш кераклигини ўзидан кам билмаслигини ўйлаб, ўёлининг бу ишнинг уддасидан чиқининг чин кўнглидан ишонарди.

Осмондаги чараклаган сон-саноқсиз юлдуз ёши кўнглида ажиб ҳис-түйғулар уйғотиб, унинг ишига муваффақият тилаётгандай бўлиб туюларди. Ёзги тури шабадаси юзни силаб-сийпаларди. Абдилас Ақайнинг уйига бораётган еридан негадир шартта бурилиб турутхонага қараб кетди.

— Ваъдамнинг устидан чиқишим керак,— деди ўзига.— Мен, ахир, акамга, раисга сўз берганман. Ақайсиз ҳам бораман, нимадан қўрқаман...

Қоронғи хонага кириб, чироқ ёқди-да, дарров теварак-атрофга кўз югуртиб чиқди. Бўз-тарғил сигир бўшашиб, энди ётмоқчи бўлиб турган эди. У Абдиласдан юзини ўғириб, тили билан елкасини икки-уч марта ялаб қўйди.

Ҳадемай туғса керак. Мен бузоққа жой тайёрлай деб, бир бурчакка қалин қилиб похол солди. Бақрайиб қараб ўтиришим бўлмас, дегандай, чироққа яқин ўтириди, ёнидан Симоновнинг қирғизчага таржима қилинган «Кунлар ва тунлар» деган китобини олиб ўқин бошлади. Китобни ўқиркан кўз олдига Стalinграднинг ҳар бир уйи, ҳар бир кўчаси, қаҳрамонона олишаётган жангчилар, ёниб кул бўлган иморатлар, кўча-кўйда юмалаб ётган мурдалар келди. Офицер Сабуровнинг баҳодирлигига қойил қолди. Душманга шердай ташланган совет жангчиларининг «Ура» садоларини эшитгандай, улар ичida меҳрибон отасининг забардаст қиёфасини кўргандай бўлди.

Бўз-тарғил сигирнинг қаттиқ тўлғанаётгани эшитилиб, ўрнидан иргиб турди. Тўрт оёғини кериб ҳарсиллаб ётган сигирга жуда ҳам раҳми келди. У, мана ҳозир туғса керак, деб питирлаб қолди.

Булоққашқаникайдай бузоги тескари келиб қолмаса гўрга эди, деб қўрқиб кетди. Охун отасига югуриб боргиси келди. Бошқа иложи қолмаганди. У юргурганча Охуннинг деразаси тагига бориб тўхтаб қолди, ҳамма ёқ жимжит, қоронғи эди, уй эгалари аллақачон ётиб қолишган экан. Чақирсаммикин, чақирмасаммикин, деб бир оз ўйланиб турди. Балки уйида эмасдир! Тағин бир ерда сигир түғдириб юргандир, деб ўйлади-да, орқасига қайтди. Тўппа-тўғри турутхонага

келди. Катта кул ранг бузоқнинг йўлдошини ялаб ётган бўз сигирга кўзи тушиб қувонганидан:

— И-йи, туғиб қўйибди-ку,— деб қичқириб юборди. Бузоқнинг киндигини ўлчаб кесиб, учини йодга ботириб олди, кейин уни кўтариб турғизди-да, оғзига онасиning эмчагини солиб қўйди. Ёш бузоқ чўлп-чўлп қилиб эма бошлади.— Булоққашқанинг тўнгич боласига Тўлбоши деб ном қўйган эдим. Сен энг кейин туғилдинг. Отинг кенжада бўла қолсан. Кенжада! Кенжатойим,— деб бўйнидан қутоқлаб, манглайидан силаб эркалатди.

Оз-оздан дам бериб-дам бериб эмизиб, бузоқни оғизга тоза тўйғизди.

— Бир оз онаси ёнида турсин, кейин олиб чиқиб кетаман. Ойимни бориб суюнтирай,— деб катта ташвишдан қутулган одамдай эркин нафас олди. Қисқа ёз туни чарчаб, ҳолдан кетган ўн тўрт яшар Абдиласни ширин ўйқу қучогига тортди.

Райондан кечлатиб келаётган Жума билан Керимқул отларининг тизгинини тортиб, сигир фермасига бурилишиди. Ферма бошлиғи Батишнинг уйига келишиб, уни уйғотишиди. Қанча сигир бузоқлагани ҳақида эрта билан ҳисоб беринг, деб унга тайинлашди-да, ўзлари қишлоққа жўнашди. Сарой деразасидаги чироқ ёргугига кўзлари тушиб орқаларига бурилишиди. Отларнинг дўпир-дупури Абдиласни уйғотиб юборди. Абдилас кўзини ишқалай-ишқалай эшикка югуриб чиқди. Тўғри унга қараб келаётган икки отлиқнинг қораси кўришди.

— Сизлар кимсизлар?— деб уларга пешвоз чиқди.

— Абдиласмисан?— деган Керимқулнинг таниш овози эшитилди.

— Ҳа.

— Ярим кечада нима қилиб юрибсан?

— Сигир бузоқлатиб юрибман.

— Сигир бузоқлатиб дейсанми?— деди Жума ҳайрон бўлиб.

— Ҳа, ойимга қарашли саккиз сигирнинг охиргиси ҳозир туғди. Үшанинг бузогига қараб, эмизиб ўтирибман. Ойимни кечаси безовта қилгим келмади.

— Қани, Керимқул, ударникнинг бузогини кўриб кетайлик бўлмаса,— деб, Жума отидан тушди. Керимқул «хўп бўлади» дегандай бош қимирлатди.

Абдилас акаларининг отини етаклаб бориб, қозикқа

бойлади. Сигирнинг ҳам, бузоқнинг ҳам жойи уларга маъқул бўлиб, Абдиласнинг ишига қойил қолишди.

— Сен ваъдангнинг устидан чиқадиган йигитсан. Пионер шундай бўлиши керак. Раҳмат, ўғлим! — деди Жума.

— Мана бу китобчани ўқиб чиқ. Бузоқларни қандай боқиши кераклиги ёзилган,— деб Керимқул чўнтағидан кичикроқ бир китобча олиб берди.

— Жума, кўрдингми, ёшларимиз жуда пишиқ. Қаерда бўлмасин, ишнинг фойдали томонини кўзлаб, малякаларини ошириш пайдан бўлиб юришади. Буларни кўриб қувонмай бўладими!

11. ЯХШИ КҮРИНАДИ

— Тўлбоши, Тўлбоши! Қани, юр,— деб Абдилас орқасига қарай-қарай кўм-кўк майсазор томон кетди. Тўлбоши гапга тушунгандай унинг орқасидан эргашди.

— Юрақол, Гул, Тўлбоши акам билан кетяпти. Юр, уларга етиб олайлик, ҳой Гул! Гул! Бўл тезроқ,— деб Ойгул ҳали яхши юролмайдиган бузогини бўйнидан силаб, қўлидаги аталани ялатиб-ялатиб ўзига эргаштириб кетди. Тўлбоши думини диканглатиб ўйноқилаб бораради. Ойгулнинг ялиниб-ёлворишига парво қилмай, аталадан ялаб бир-бир қадам ташлаб бораётган Гул — Тўлбошини кўриб қолиб, Ойгулни ҳам ташлаб югуриб қолди. Ойгул суюниб орқасидан чопди.

— Кўрдингми, ака, Гулим ҳам ўйнинг тушиб кетди. Энди Гул деб чақирсан қарайдиган бўлди. Ака, бузоқ туғилгандан кейин нега дарров юриб кетади-ю, одам боласи бир-икки йилсиз юра олмайди? Нега шундай? — деб, акасини қучоқлаб олди. Абдилас синглиснинг бу ғалати саволига йима деб жавоб берсам экан, дегандай ўйланиб қолди.

— Айт, жон ака, нега шундай?

— Буларнинг яратилиши шундай: тез юриб кетади, тез қарииди, оз умр кўради. Одамнинг тузилиши молникидан мураккаброқ. Кеч юради. Кўп яшайди.

— О, ёлғончи. Нега энди, сигирнинг умри одамникидан кам бўлар экан. Сигир кўпи билан неча йил яшайди? Одам боласининг қанча яшашини биламан. Тунов куни Охун ота етмиш олтига чиқдим деган эди,

тагин қанча йил яшайсиз, десам, яна, йигирма-үттиз йил яшайман, деб кулган эди. Ундаи бўлса, ҳалиги тоғдай катта буқалар юз йилдан кўпроқ умр кўрса кепа?

— Ишонмасанг, Охун отадан сўра. Сигир йигирма-үттизга чиққанда жудаям қариб, овқат еёлмай қолади,— деди Абдилас синглисинг гапга дарров ишониб қўя қолмаслигини билиб.

— Сўраганим бўлсин. Мени лақиллатяпсан-а, ака,— деб юмaloқ қора кўзларини ўйнатиб, кулимсираб акасига қаради.

Гул чарчаганидан дарров ўт устига узала тушиб ётди. Тўлбоши ўйноқилаб Абдилаєнинг ёнига келди.

— Ойгул, бориб Гулингни олиб кел. Чарчаб қолганга ўхшайди. Буларни олиб бориб қўйиб, бошқаларини олиб чиқайлик,— деб Абдилас Тўлбошини эргаштириб жўнади.

Қолганларини ҳам иккита-иккитадан олиб келишиб, ўн беш-йигирма минутдан яратиб, дам олдириб, ўйнатиб юришди. Ҳар бирини ўз оти билан чақирса қарашга ўргатишиди. Ойгул акаси билан юрса, ҳар нарсани сўрай бериб жонига тегарди.

— Ака, нега бузоқларни гўнгли ерда олиб юрма, кўп ўйната берма, чарчаб қолмасин дейсан? Буни менга ҳам тушунтириб қўйгин,— деб ҳоли-жонига қўймади. Абдилас синглисинг саволларини ҳеч жавобсиз қолдирмас эди.

— Бўлмаса, қулоқ сол. Ҳаммасини тушунтириб бераман,— деди у.— Гўнгли, ифлос ерларда ўйнатиб бўлмайди, чунки уларга касал юқиши мумкин. Шунинг учун, уларни мана шундай тоза, ҳавоси яхши майсалорларда олиб юриш керак, яйраб, яхши ўсишади. Кичкиналигига оз-оздан эшикка чиқариб ўйнатиш керак. Ўсган сари кўпроқ ўйнатадиган бўламиз. Яйловга чиққанда эртадан кечгача далада олиб юрса бўлади. Чунки бу вақтга келиб, улар анча бақувват бўлиб қолишиади. Ҳозир улар эшикда доимо юриб туриши керак. Бу жуда фойдали. Тушундингми?

— Тушундим. Энди яна битта нарсани сўрамоқчиман. Уришмайсанми?— деди эркалик қилиб.

— Нима эди. Билмаганингни билиб олишинг керак.

— Ҳа, оти ҳам эсимдан чиқиб қолди. Нимага ёш бузоқи олиб чиқмадик. Ё уни ўйнатиб бўлмайдими?

— Туғилганидан беш-олти кун кейингина оз-оздан олиб чиқса бўлади. Унинг туғилганига энди тўрт кун бўлди-ку.

— Ҳа, айтмоқчи, нега отини Кенжак қўйдинг?

— Энг кейин туғилгани учун. Сен ҳам Кенжак деб чақиригин. Мен йўғимда сут бериб тургин.

— Хўп. Бўпти. Мен бузоқларга сут берганда доимо отини атаб чақираман. Ойим ҳам шундай қиласди. Ойгул бузоқларниңг отини устма-уст тақорллади-да, бир-бирини қувишиб ўйнашиб юрган бузоқларниңг олдига югуриб борди.

— Ака, буларниң шаталоқ отиб чопишига қара! Бирам чиройлики,— деди Ойгул икки қўли билан икки бузоқни бўйнидан қучоқларкан. Тўлбоши бир силкиниб, Ойгулниңг қўлидан чиқиб кетди. Уларниңг ўйнашини кўриб Абдиласниңг жуда ҳаваси келди.

12. МУҲИМ ПАЙТ

Ўқишини тамомлаб чиққан болалар ястаниб ётган кўм-кўк майсазорга суқланиб қарашар, далада ранг-баран бўлиб очилган гулларни териб ўйнаб юришарди. Енгил кийиниб, бўйниларига қизил галстук тақиб олган ёш пионерлар дала ҳуснига ҳусн қўшиб турарди. Бир тўп болалар қўлларига чиройли гулдасталар олиб, сиғир фермасига қараб кетишиди. Роза атрофидаги гўзал манзаралардан кўзини узолмай, гуллардан ҳидлаб баҳри очилиб бораркан, майин овоз билан ашула айтиб юборди:

Безантансан гўзал Май,
Ҳамма ойдан улуғ ой.
Кўркингта кўрк қўшганмиз,
Чиройнингга — гул чирой.

Розаниңг ашуласи ёнида бораётган болаларниңг ҳам завқини уйғотиб юборди. Улар ҳам:

Эй, эй, гўзал Май,
Эй, эй, гўзал Май!—

деб жўр бўлишиди. Роза жуда севиниб кетди, унинг овози яна ҳам кучлироқ янгради:

Безанавер гўзал Май.
Шон-шуҳратинг бир талай.
Сенинг порлоқ нурингдан
Бахт топдик ҳарқалай.
Эй, эй, гўзал Май,
Эй, эй, гўзал Май!

Болаларнинг шўх ашуласи кенг дала бўйлаб эркин парвоз қиласар, уларда шавқ-завқ уйғотарди.

— Агар биринчи имтиҳондан «беш» олсанг, сени табриклиш учун шу гулимни сўлитмай сақлаб юраман,— деди Роза Абдиласга кулимсираб.

— Ростми, мен ҳам!

— Рост. Бўпти, бер қўлингни.

— Мана.

Иккаласи аҳд қилишиб, бир-бирининг қўлини қаттиқ қисишиди.

— Мен холис. Агар «тўрт» олиб қолсаларинг, иккапланг ҳам гулингни менга берасанлар,— деди Ақай ҳазиллашиб.

— Ақай тўғри айтади. Мен ҳам холис,— деди Қари хоҳолаб кулиб.

Роза буларнинг гапини ёқтиргмагандек ёлғиз ўзи олдинга тушиб кетди. Унинг сал хафа бўлганлиги юз-кўзидан билиниб турарди.

— Нега куласизлар, мен энди сизлар билан гаплашмайман.

— Нега гаплашмас экансан. Нима, ҳазилни ҳам билмайсанми,— деди Қари энсаси қотиб.

— Ҳамманглар бекорга тортишяпсизлар. Қўлларингдаги гуллар унгача сўлиб қолади. Хўш, унда нима қиласизлар, ростми опа,— деб Ойгул Розанинг ёнига бориб турди.

Ойгулнинг гапидан Розанинг кичкиналигидаги қилиқлари эсига тушиб, бир жилмайиб қўйди.

— Ҳозир олиб бориб банкага сув қўйиб солиб қўяшимиз. Икки-уч кунгача сўлимайди. Янги-янги гул олиб келиб турман, тушундингми?

— Тушундим. Мен ҳам шундай қиласман. Женгиш ўқишини «беш» билан тутатса, шу гулимни бераман. Иккаламиз доимо бирга ўтирамиз. Нима дейсиз, опа?

— Борди-ю, Женгиш олмаса-чи?— деди Роза ҳазиллашиб Ойгулнинг сочидан силаркан.

— Унда нима қиласан?— деди Ойгул ўйчанлик билан ниманидир ташвиш қилгандай. Розанинг ёнида анчагача индамай борди. Орқадагилар Розаларга етиб олишиди.

— Алгебра билан арифметикадан тушунмаган бир қанча масалаларим бор. Имтиҳонда шу масалалар тушиб қолса, шўрим қурийди. Боргандা бир тушунтириб берасанми?— деб Қари Абдиласга ялингансимон қаради.

— Бир оз дам олгандан кейин, учаламиз яхши тушунмаган жойларимизни кунига бир маҳал тақрорлаб чиқамиз.

— Эсингдами, арифметикадан бир масала, алгебрадан икки масала берилади, деганди муаллим. Биринчи имтиҳондан яхши ўтиш керак. Бошдан бўшаштирмаслик лозим. Имтиҳонга пухта тайёрланишимиз керак.

13. ЗВЕНО ЙИФИЛИШИДА

— Мана, етти йиллик билимимииздан имтиҳон берадиган вақт ҳам келди,— деди бош вожатий Салий.— Звенодаги ҳар бир пионер имтиҳонга пухта тайёрланиши керак. Аълочилар қолоқларга ёрдам беришсин. Масалан, Роза, Абдилас, Ақай учови Қарига албатта ёрдам бериши керак. Ўйинглар ҳам бир ерда. Ўртоқлик ёрдамининг қанчалик муҳимлигини, эсларингда бўлса, мен бир гапириб бергандим.

— Менимча, звенонгида Қаридан бошқа ҳеч ким ёрдамга муҳтоҷ бўлмаса керак,— деди Салий гапини тамомлаб.

У, хўш, сизлар нима дейсизлар дегандек ҳаммага бир кўз югуртириб чиқди. Салий ҳар бир нарса ҳақида шавқ-завқ билан гапирадиган, гапга чечан эди. Мана, ҳозир ҳам болалар унинг гапини диққат билан тинглашиди. Унинг ҳар бир ишни куйиб-пишиб қилганидан, болалар ўртасида обрўси катта эди.

Унинг шўх қора кўзларидан, қорача юзидан шаддод, серғайрат қизлиги кўриниб турарди. Мана бугун ҳам атайин иккинчи звенонинг йиғилишини ўтказгани келган эди.

Звено вожатийи Абдилас ўрнидан туриб, бир-бирига тикилиб индамай ўтирган ўртоқларига қаради. Гапир-

гандага ранги қизариб-бўзариб, тутилиб қоладиган одати бор эди.

— Салий опам жуда тўғри айтди, ҳар биримиз звенонинг шон-шарафи учун курашишимиз керак. Шунинг учун бир-биримизга қўлимииздан келганча ёрдам беришимиз керак. Қари имтиҳондан ўтолмай қолса, биз ҳам гап эшитамиз. Звеномизнинг шаънига доғ тушади. Қари, бизга ишониб ётиб олмасдан, ўзинг ҳам ҳаракат қил. Мен-ку, Қарига ёрдам беришдан қочмайман-а, лекин ўзинг ҳам бир нарса дегин-да!

Абдилас гапини тамомлаганда, Қарининг бошига ўртоқларингга юрагингдаги бор гапни очиқ айт, деган фикр келди. У ҳадеб бурнини тортиб, шошиб-пишиб гапира кетди:

— Алгебра билан геометриядан қўрқаман. Яна келиб-келиб биринчи имтиҳон алгебрадан экан. Менга қолса ёмон ўқий дермидим. Жоним борича ҳаракат қиляпман. Абдилас билан Ақай доимо ёрдам бериб туришибди. Роза бўлса баъзида жеркиб, сўраган нарсамга жавоб ҳам бермайди. Имтиҳондан яхши ўтишга ваъда бераман.

— Ёлғонни ҳам эви билан гапир. Қачон жеркидим? Ўзинг ўлгунча қўполсан. Бўлти, бундан кейин ёрдам бермаганим бўлсин,— деди Роза аччиғи чиқиб. Салий, қизишмаларинг дегандай қалами билан столни тиқиллатиб қўйди. Қари унга бир ўқрайиб қаради-да:

— Мен шу биринчи имтиҳондан қўрқаман,— деди. Уч яшар боланинг овозидай ингичка товуш билан қалтираб.

Бошқа бир оғиз ҳам гапирмади.

— Қарининг имтиҳондан яхши ўтишига мана мен ҳам кафилман. Баъзида унинг уйида, баъзида бизнисида анчадан бўён бирга тайёрланиб юрибмиз. Айтганини қилади. Отаси ҳам яхши киши. Қарининг биз қатори имтиҳондан ўтишига ишонаман,— деди Ақай ўтирганларни ишонтириб.

Роза ҳам дарров жаҳлидан тушди. Бир жиҳатдан, ўртогининг кўнглини қолдиргиси келмаган бўлса, иккинчидан Салийдан уялди.

— Мен ҳам,— деди Роза уларга қўшилиб.— Бундан кейин яхшилаб ёрдамлашаман. Қари қўрслигини ташласин. Улар билан бирга мен ҳам ёрдам бераман. Звеномиз пионерлари бошқа звено пионерларидан қо-

лишмай, имтиҳонга яхши тайёрланади, бошқаларни ҳам шунга чақираман.

— Тўғри, тўғри. Биз ҳам қўшиламиз,— дейишиди бошқалар ҳар тарафдан.

Абдилас йиғилишини ёпиқ деб эълон қилди.

14. ТАЙЁРГАРЛИК

Боғдаги дарахтларнинг қалин шох-шаббалари тандагайдай ҳам қўёш нурини ўтказмай, ҳамма ёққа соя солиб турарди. Боғдаги юмшоқ майса устида дарс тайёрлаб ўтирган болаларнинг шов-шуви аллақандай бир мунозарани эслатарди.

Улар куннинг иссиғидан қочиб салқин жойда арифметика билан алгебрадан биринчи имтиҳонга тайёрланиб ўтиришган эди.

— Мен ўнлик касрларнинг ҳамма амалларини чиқаришда учинчи мисолдан икки-уч жойида янгилишиб қолишдан қўрқаман. Консультацияда Ашим акадан сўраб, яхшилаб тушуниб олмасам бўлмайди. Арифметика масалаларнинг ҳам баъзилари жуда қийин экан. Сизларга-чи?— деб Абдилас бошқалардан сўради.

— Сен айтган учинчи мисолга менинг ҳам бошим қотиб қолди. Жуда қийин экан. Имтиҳонгача шуларни яхшилаб билиб олмасак, ишимиз пачава бўлади,— деди Роза ўйчанлик билан.

— Мен касрларнинг ҳамма амалларига берилган мисоллардан иккитасини чиқардим. Яна бир-икки машқ қилсан, учинчисини ҳам чиқарсан керак. Лекин арифметика аралаш мисоллардан янгилишган ерим кўп,— деб Ақай қўлидаги дафтарига тўкилди.

— Агар аралаш касрдан ҳалиги биз чиқара олмаган учинчи мисолни чиқарсанг,— деди Абдилас,— сенга қойил қолардик. Қани бир ишлаб кўр-чи. Роза иккимиз яна бир уриниб кўрамиз. Сен ўзинг қайсисини чиқаряпсан,— деб, у бир ёзиб, бир ўчириб ўтирган Қарининг қофозига бўйинини чўзуб қаради. Қўлидаги дафтари билан елпиниб ўтирган Қари Абдиласнинг саволига дарров жавоб айтольмай, дудуғланиб қолди.

— Зўрға биринчи мисолни чиқардим. Иккинчи, учинчисини чиқара олмадим. Учинчисига кучим етмайдиганга ўхшайди. Иккинчи мисолнинг бир жойида янгилишиб қолдим. Жавоби тўғри чиқмаяпти. уни беш

марта чиқариб кўрдим, ҳеч бўлмаяпти. Қел, шуни сизлардан кўчириб ола қолай.

— Йўқ, бўлмайди,— деди Роза шартта кесиб.— Ҳўл, ҳозир биздан кўчириб оларсан, имтиҳонда-чи, имтиҳонда нима қиласан? Ҳар қандай иш ҳам осонлик билан бўлмайди. Қийналиш, бош қотириш керак. Биз қолганларини чиқазаверамиз. Сен ўша мисолни ишла, сира эринма, қайта-қайта ишлаб кўр, ахир чиқади.

Қари, ишламасам бўлмайди шекилли, дегандай, катта-катта кўзлари маъюс сузилиб, яна иккинчи мисолни чиқаришга киришди. Роза ҳам мисол чиқаришга ўтирди. Бошқалар ҳам ишга киришди.

Улар дафтарларидаги илгари ишланган мисолларга қарамай қўйишиди. Ҳар ким ўзича чиқариб, кимники тўғри, кимники нотўғрилигини кейин ўртада кўрмоқчи бўлишиди.

Болаларнинг бош қотириб мисол чиқаришлари худди кўп қаватли чиройли бино қуриш учун унинг ипидан-игнасигача ҳисоблаб, чертёж чизаётган инженерга ўхшарди. Қари иккинчи мисолни қайта-қайта ишлаб, бир амаллаб чиқарди. Учинчи мисолни чиқаришга икки марта уриниб кўрди, бўлмади, ўзича: «Жудаям қийин экан-а»— деб шивирлаб, бошқаларга зимдан назар ташлаб қўйди. Унинг, бутун зеҳнини қўйиб, диққат билан ишләётган бошқа ўртоқларига ҳаваси келди.

Қари қаттиқ чарчаганидан кўзлари юмилиб, эснай бошлади. Бутун аъзойи бадани бўшашиб, чарчадим, ётиб дам ол, дегандай бўларди. Ўрнидан шартта туриб уйига жўнаб қолгиси келди. Бироқ, ўртоқлари таънили тикилиб, «уялмайсанми» деяётгандай бўлди-да, шаштидан қайтди.

Ақайнинг юзи жиддий, киприклари пир-пир учар, қалами қороз устида тез-тез қимирлар эди.

— Учинчи мисолни чиқаздим. Менимча, тўғри. Сизлар ҳам бир текшириб кўринглар,— деб Ақай мақтагандай ўртоқларига кулимсираб қаради. Абдилас билан Роза ёзиг турган қоғозларини ерга қўйишиб, Ақайнинг дафтарига тикилиб қолишиди.

— Қандай қилиб чиқардинг? Қани, кўрай-чи,— деб Қари югуриб келди.

— Ҳа, тўғри. Мен буни оддий касрга айлантириб бутунга бўлган эдим, шунда янглишган экайман,— деди Абдилас болаларга кўз югуртириб.

— Мен мана бу сонни бўлиш ўрнига, уни олибман, Шунда янгишибман,— деди Роза диққат бўли.

— Мен бўлсам,— деди Қари,— буни бошқатдан чиқарib ўтирибман-а.

Қари, «Ўзимни қийнаб нима қиламан? Барибир, кўчириб оламан-ку. Яхшиси иккинчи мисолнинг жавобини кўриб олай»— деган хаёлда эснаб Ақайнинг дафтарига қадалди. Болалар бир-бирларига тушумаган жойларини тушунтиришди. Қари иккинчи мисолни қайта-қайта яхшилаб кўриб, қаерда янгишганини, хатосини билиб олди.

— Тўғри чиқарисан. Қалланг жойида Ақай,— деди Роза ҳазиломуз.

— Энди масалани ишлайлик. Сен ҳам ишла, Ақай. Кейин Қарининг чиқарганларини кўриб, қийналган ерларига ёрдам берайлик. Хўпми?— деб Абдилас Ақайга қаради. Ақай «хўп» дегандай кўзини қисиб, бошини қимирлатди.

Қари Ақайнинг дафтаридан кўриб олган иккинчи мисолнинг жавобини шошиб-пишиб дафтарига ёза бошлади. Кейин бошини кўтариб: «Нима бўлса ҳам Роза билан Абдиласдан қолишганим йўқ-ку. Улар ҳам икки мисолни зўрга чиқаришиб, учинчисини Ақайдан кўчириб олишди-ку» дегандай, гердайиб турарди.

Бошқалар ҳали ҳам масала чиқариш билан овора эди. Қари, шу биринчи имтиҳондан ўтиб олсан бўлгани эди, қолганларидан ҳеч қўрқмайман, деб ўйлади ўзича.

— Сизлар чиқардингларми?

— Йўқ. Ҳеч бўлмаяпти, бир ерида адашяпман-да. Касрга бўлсам ортиб қолади, олсан ошиб кетади. Кўшсам яна ундан бадтар,— деди кимдир.

— Сен-чи, чиқардингми, Ақай?— деди Роза.

— Йўқ, кел, бир оз дам олайлик, кейин чиқарармиз. Жуда бўлмаса, консультацияда сўраб оламиз-да.

— Тўғри,— деб Қари унинг гапини маъқуллади.

— Бўпти. Қари, қани сен чиқарганларингни олиб кел-чи, қўрайлик-чи... Қайси ерларига тушунмадинг?— деб Абдилас Қарининг дафтарини қўлига олди. Болалар ҳам ёрилиб қарашди.

— Мана, кўринглар,— деди Қари, бармоғи билан кўрсатиб.—Биринчи, иккинчи мисолни зўрга чиқардим. Учинчисини чиқаролмадим. Сизлар ҳам қийналдила-

ринг-ку. Масалага ҳали етганим йўқ. Қийин деб унамадиларинг-ку.

— Иккаласини ҳам тўғри чиқарибди.

— Агар, шундай ишласанг имтиҳондан бемалол ўтиб кетасан,— деди Роза, мамнун бўлиб.

— Ишқилиб сизлардан қолишмасам бўлгани. Энди бир оз ўйнаб-кулиш ҳам керак-да!

— Ўйнаб-кулишнинг вақт-соати бор. Имтиҳонга яхцилаб тайёрлан. Биз билан жиқиллашиб юрмасдан, қўлингдан келганича қолганларини ҳам ишлаб кўр. Учинчи мисолни кўчириб ол. Юинглар, ҳозир мактабга борамиз,— деб Абдилас ўрнидан турганда, ҳаммаси бирдан қўзгалишиб мактабга кетишиди.



15. ИМТИҲОН

Худди байрамдагидай ясан-тусан кийинишиб, юзларидан қувонч нури порлаб турган болалар ҳар тарафдан мактабга қараб оқиб келишяпти. Май ойининг йигирмаси эди. I—III синф ўқувчилари бугун мактаб билан хайрлашиб, ёзги каникулга чиқиб кетишиди. Юқори синф ўқувчилари бўлса имтиҳонларда синовдан ўтишлари керак. Уларнинг ҳар қайсиси имтиҳондан яхши ўтишга, жонажон Ватанинг, меҳрибон отоналарининг ишончини оқлашга ҳаракат қилишади.

Эрталаб VII синф болалари имтиҳон бўладиган синфга йиғилишди. Имтиҳон комиссияси ўтирадиган стол устига, деразаларга ранг-баранг гуллар қўйилган. Деразаларнинг очиқ форточекаларидан енгил шабада дарахт гулларининг хушбўй ҳидини олиб киради.

— Имтиҳон комиссиянинг раиси — мактаб директори, илмий мудир, Ашим акалар конвертни очишияпти. Мен деразадан кўрдим,— деди оқ-сариғдан қелган бола мақтангандай эшикдан кириши билан ўртоқларини хурсанд қилиш ниятида.

— Қандай масала экан? Эшитдингми? Биз ўтган масалалармикан?— дейишиб ҳалиги болани ўртага олишиб, устма-уст савол ёғдиришди.

— Ўзлик ўзи секин кўришияпти. Мен конвертни очишиганини кўрдим, холос. Кўриб қолишмасин деб, қараганим йўқ.

— Конвертни очишганини ўзимиз ҳам биламиз. Бунинг нимасига мақтанасан? Бунинг гапидан нима фойда. Жой-жойларингга ўтиринглар. Нима бўлса ҳам, ҳозир келганларида кўрамиз,— деди синфбоши жиддий, Болалар жой-жойига бориб ўтиришиди. Анчадан кейин бир варақ қоғозни қўлига ушлаган Ашим ака билан имтиҳон комиссиясининг аъзолари синфга кириб келишиди. Сабрсизлик билан кутиб ўтиришган болалар ўринларидан туриб саломлашишиди.

Ашим болаларни бошқатдан ҳар партага иккита-иikkitadan ўтқизди-да, досканинг нақ ўртасига узун чизиқ чизиқнинг чап томонига «Биринчи вариант», ўнг ёғига «Иккинчи вариант» деб ёзиб қўйди.

— Партанинг ўнг ёғида ўтирганлар биринчи вариантни, чап томонида ўтирганлар иккинчи вариантни ёзинглар,— деб болаларга штамп босилган оқ қоғоз тарқатди. Иккала вариантга биттадан масала, иккитадан мисол ёзди. Болалар Ашим ака айтгандай иккига бўлинниб масала ечишга киришишиди. Комиссия аъзолари битирувчиларнинг ўқиган дарсларини қандай ўзлаштирганларини билмоқчи бўлгандай, ҳар бир ўқувчининг масалани қандай ечаётганлигини диққат билан кузатиб боришиди.

— Аввал бир қоғозга чиқариб олиб, кейин мен берган қоғозга кўчиринглар,— деди математика муаллими Ашим ака. Ҳозир у ҳар бир бола ҳақида ўйлар, ташвиш тортар, синфда у ёқдан-бу ёққа юриб турарди.

Абдилас икки мисолни қийналмай дарров чиқарди. Ўтилган қоидани эсига тушириб яна бир текшириб кўрди, тўғри ишлаганига қаноат ҳосил қилди. Масалага анча боши қотди. Ҳадеганда чиқмади. Икки-уч варақ қоғозни тўлдириб ташлади. Кейин бирдан қаерда янгишганини топиб суюниб кетди. Абдиласнинг орқасида ўтирган Қари ҳадеб бўйини чўзиб, ўзиники билан Абдиласнинг чиқарганини солишириб кўриш пайдада бўлди.

Қарининг қийналётганига Ашим аканинг кўзи тушиб қолди. У секин Қарининг ёнига келиб унинг чиқарётган масаласига кўз югуртди. Биринчи мисолни тўғри чиқариб, иккинчисини ташлаб қўйиб, масаланинг бир ерида янгишганини тушунди.

— Ўзинг билганча чиқара бер. Бирорникидан кўчиришга ҳаракат қилма,— деб, учинчи қатордаги пар-

таларни оралаб кетди. Қарининг уялганидан икки бети қизариб кетди, у индамай, яна мисолни ечишга тушди. Қийналганидан пешонасидан тер чиқиб кетди. Синфбоши бош бўлган уч бола имтиҳон комиссия аъзолари ўтирган стол ёнига боришиб ишларини топширишди-да, нима дейишаркин, дегандай стол ёнида туриб қолишиди.

— Эшикка чиқа беринглар, кейин эшитасизлар,— деди Керимқул салмоқлаб, кейин болаларга тикилди.

Роза масалани чиқариб бўлди-да, ўрнидан туратиб Абдиласга бир қараб қўйди. Ўша пайт Абдилас ҳам чиқарган масаласини янги қоғозга кўчириб, босма қоғоз билан сиёхини қуритаётган эди. Иккаласи баравар топшириб, эшикка чиқишиди. Улардан кейин қолган болалар ҳам бирин-кетин чиқа бошлишиди. Ҳадемай синф бўшаб қолди. Комиссия аъзолари текшириб натижасини аниқлаш учун кабинетда қолишиди. Болалар бир-биридан: биринчи мисолнинг охири қандай чиқди? Иккинчи мисол-чи? Сеники-чи? Масалангнинг жавоби қанча бўлди?— дейишиб сўрашарди. Биттаси, ундаи бўлса меники хато, ҳа майли, кейин кўрармиз, деб ташвиш тортарди. Яна бирори бўлса: учовини ҳам тўғри чиқарибман, деб севинчи ичига сифмасди. Ўйи яқин болалар овқатланиб ҳам келишиди. Орадан уч-тўрт соат ўтгандан кейин Ашим aka болаларни кабинетга чақирди.

Керимқул aka алгебра ёзмадан 1-имтиҳонда 7-синф ўқувчиларининг олган баҳоларини ўқиб эшиттирди: 24 боладан еттитаси «5», ўн иккитаси «4», тўрттаси «3» олганини айтиб, кейинги имтиҳонларни яхши топширишлари учун болаларга муваффақият тилади. «5» ва «4» олганлар бир-бирини табриклашди, келгуси имтиҳонга тайёргарлик кўриш ҳақида қизғин суҳбатлашиб тарқалишиди.

* * *

Мактабдан чиқиб сал нари боргандада Роза:

— Тунов кунги ваъданг қани? Мана, ол,— деди қўлидаги гулдастани Абдиласга чўзиб.

Абдилас қаттиқ хижолат бўлиб, Розага нима дейишини билмай қизариб кетди.

— Раҳмат, Роза, мен уятли бўлиб қолдим. Эндиги имтиҳонгача...

— Хўп кўрарқиз,— деди Роза кулимсираб.

— Иккаламиз ҳам гулни эсдан чиқариб қўйганимиз учун бир-биримизга эндиги имтиҳонгача қарз бўлиб турайлик. Бироқ мени «З» олди деб гулимни ҳам олмассан,— деб Қари Ақайнинг елкасига бир уриб қўйди.

— Биринчи имтиҳондан учаламиз ҳам «б» олдиг-у, фақат Қари «З» олиб қолди-да! Қолганларини ҳам шундай топширайлик. Қари, сен хафа бўлма, ошна, эндиги имтиҳонларга тузукроқ тайёрлан,— деб Абдилас ўртоқларига қараб қўйди. Қари, мен алгебрадан шу «З» га ҳам розиман дегандай индамади. Ҳар сафаргидай шўхлик қила бошлади. Қарининг майнавозчилик қилиши, юзга шартта-шартта гапириш одати Розага ёқмасди. Баъзида Роза уни қаттиқ-қаттиқ койиса ҳам Қари парво қилмасди. Қарининг ҳазилларини эшитиб, Ақайнинг энсаси қотарди. Қари бўлса, шилқимлигини қўймасди.

— Сизларга ўхшаган аълочи, мияси ўткирлар бизга ўхшашиб қолоқларни шатакка олиб, бир ёрдамлашиб юборишса, қолган имтиҳонлардан ҳам лип этиб ўтиб кетишим ҳеч гап эмас,— деди илжайиб.

— Баъзан ҳеч ўйламай гапирасан-а,— деди Роза.— Қани ким ёрдамдан қочяпти? Қани, айт. Ўзинг-ку, ўртоқларингдан ажralиб уйда беркиниб ўтирадиган. Шу одатингни ташла, доим биз билан бўл. «Бўлинганни— бўри ер» деган гапни эшитмаганмисан.

Қари канал қазиши вақтидаги қилири эсига тушиб, миқ этмади.

— Мен энди ундаи қилмайман, деб ваъда берган-дим-ку сизларга,— деди Қари бир оз хижолат бўлиб.— Айтганим айтган. Мен энди сизлардан сира ажралмайман. Абдилас айтгандай, қолган имтиҳонлардан яхши ўтишга ҳаракат қиласман. Мен яхшироқ ёрдам беринглар деяпман-да.

— Ҳа, бу бошқа гап,— деди Абдилас унинг гапини маъқуллаб.— Мен сизлардан ҳеч нарсани яширгим келмайди. Эрталабдан бир нарсага таъбим хира бўлиб турибди. Сизларниг дадаларинг кўп йиллардан бери сигир фермасида ишлаб келишади. Менинг опам бўлса яқинда борди. Бузоқларга мен қараб турардим. Эртага яйловга кўчиб кетишади. Биз бўлсак бу ерда қолиб, имтиҳон берамиз. Қаникулга чиққинумизгача менга ҳам, опамга ҳам қийин.

— Ҳўш, сенга нима, нега ташвиш қиласан. Яйловда ўзлари ўтлаб юришаверади-да,— деди Қари, гўё бузоқ билан сира иши йўқ одамдай.

— Йўқ, дўстим,— деди Ақай бошини чайқаб.— Ик-каламиз ҳам шунча йилдан бери сигир боқамиз-у, лекин айтарли ҳеч иш қилганимиз йўқ. Мен Абдиласнинг сигирлар бузоқлаши вақтида қилган ишларини яқинда дадамдан эшигидим. Ўзим ҳам бориб кўрдим. Абдиласдай ишлайдиган кишининг дўстларидан ажralиши қийин гап.

Роза билан Қари Ақайга ҳайрон бўлиб қараб қолишиди. Қари отасининг Абдиласенни мақтаганини бир марта эшигтан эди. Абдилас ўртоқларидан ажralиб, тўғридаги қишлоқнинг бир четида турган кичкинагина оппоқ ўтовга қараб кетди.

— У нима ишлар қилиб юрибди? Айтсанг-чи ахир, балки бизнинг ҳам қўлимиздан келар,— деди Роза Ақайга савол назари билан қараб.

— Кеч қолдик, каникулга чиққанимизча бузоқларимизнинг бўйни қотиб, катта бўлиб қолишади. Шошмай тур, айтиб бераман. Абдилас биздан яшириб юрибди,— деб Ақай тухумдай оппоқ катта ўтовга бурилди.

Нега у менга қилган ишларини гапирмайди. Чамаси, бузоқларини совхоз болалари парвариш қилгандай парвариш қилса керак, деган фикр Розанинг юрагини ғаш қилди. Қари отасининг гапини эслаб: «Ортда қолдим, тағин бир ишда ўртоғимдан ортда қолдим, шундай ишларға нега ўзимнинг ақлим етмайди, Абдилас нега айтмади? Ҳозир барибир кечикиб қолдим», деб хаёлида Ақайнинг гапини такрорлади.

* * *

Абдилас одатича мактабга барвақт келди. У тунов кун Розанинг олдиғаги хижолатини ювиш учун унга гулдаста тақдим қилмоқчи бўлди. У бир даста гул териб келгунча синфда она тилидан оғзаки имтиҳон бошлиниб қолган эди. Биринчи бола жавоб бериб чиққанда, болалар уни ўртага олиб, нима билан табриклайлик, дейишди.

— Ким билади дейсан, яхши жавоб бердим. Учинчи саволга яхши жавоб беролмадим. «4» қўйишидни шекилли,— деди у ўнгайсизланниб.

— Директор ака қўшимча сўроқ бердими?

— Қўшма гапни сўради. Айтиб бердим.

— Бўпти-да, қани қўлингни бер, табриклаб, қўяй,— деб Қари ҳалиги болага қўлини узатди.

— Директор оғай ўзи тарихчи бўлса ҳам, грамматикани ҳам, адабиётни ҳам яхши билади.

— Шунинг учун директор-да! Бултур VI синфда она тилидан имтиҳонни ўзи олган!

— Институтнинг тил факультетида сиртдан ўқиган, ҳозир у ҳам имтиҳон топширяпти,— дейишиб бир-бирининг гапини бўлиб чуғурлашиб кетиши. Охирида қораҷадан келган бир бола:

— Директор ака унча қийнамайди дейишади. Қўрқ масанглар ҳам бўлади. Муқаш ака бўлса ҳаммамизнинг яхши ўтиб олишимизни истайди,— деди ҳалиги гапларни эшиганидан кейин ўзини дадил сезиб.

Учинчи бола жавоб бериб чиқди, Абдиласга навбат келди. У қўлидаги гулини Қарига бериб, кириб кетди, Жавоб бераётган боланинг сўзини диққат билан тинглаб ўтирган Керимқул, стол устидан янги бир билет олиб, қаршисида турган Абдиласга берди-да, бир оздан кейин:

— Саволлар тушунарлимис?— деб сўради.

— Тушундим. Билетимнинг номери иккинчи,— деб олдинги қаторга бориб ўтириди. Қўлидаги бир варақ қоғозга уч саволга қисқача жавоб ёзиб қўйди-да, доскада бир гапни таҳлил қилаётган қизга тикилиб қаради.

Қиз ҳамма нарсани чалкаштириб юборди. Ўқитувчнинг қўшимча саволлари ҳам ёрдам бермади. Комиссия аъзолари бошларини чайқаб қўйиши. Абдилас: «Дангасаликнинг оқибати шу-да», деб ўйлади ўзича. Қиз иши чатоқлигини сезди шекилли, маъюс бир қиёфада секин юриб синфдан чиқиб кетди.

Керимқул ака Абдиласнинг «Бош гап ва эргаш гап» тўғрисидаги биринчи саволга берган жавобидан жуда мамнун бўлди. Иккинчи саволдаги Тўқтогулнинг Октябрь революциясига қадар ёзган асарларини тўла айтиб берди. «Беш қобон» («Беш чўчқа») «Эшон қалпа» («Эшон халфа») деган шеърларини ёд ўқиб берди. Тўқтогул ўз асарларида фош қилган золим маноплар, алдамчи эшон-муллалар ҳақида ҳам гапириб берди. Гапни таҳлил қилиш тўғрисидаги учинчи саволга келгандан, муаллим Абдиласдан ҳалиги қизнинг адашган

жойини сўради. Абдилас бунга ҳам яхши жавоб берди. Унга бошқа савол беришмади. Керимқул ака, жуда яхши тайёрланибсан дегандай, унга кулимсираб бир қараб қўйди.

Ўртоқлари уни ҳам ўртага олиб, қандай жавоб бердинг, нималарни сўрашди, деб устма-уст савол беришарди. Лекин Абдиласнинг фикри-зикри Розада эди. Розанинг жавоб бериб чиқишини сабрсизлик билан куттарди. Узоқ кутмади. Мана, Роза ҳам чиқди. Унинг кўз қарашидан хурсандлиги билиниб туради. Роза кулумсираб яқинлашганда Абдилас гулини узатиб:

— Табриклайман! Анув қарзингни олиб қўй,— деди.

— Раҳмат! Мен ҳазиллашгандим. Уйингни соғинганинг йўқми?

— Соғингани нимаси, келганимга ҳали ўн кун ҳам бўлгани йўқ-ку. Лекин, бузоқларимни соғиндим.

— Бузоқларингни опанг билан синглингдан ҳам яхшироқ кўрасанми?

— Уларга тенглаштириб бўлмайди, лекин яхши кўраман,— деди жилмайиб.

Абдиласнинг шундай жавоб қилишига Розанинг ақли етган эди. «Нега мен ҳам шу ишни қилмадим! Нима, қўлимдан келмасмиди? Нега у бузоқларни яхши кўради...» деган турли ўй-фикр унинг миясини чулғаб олди. Ёнида унга индамай тикилиб турган Абдилас, сенинг қўлингдан келармиди, деб мазақ қилаётгандай бўлди.

— Бу яхши эмас. Пионер билганини ўртоқларидан яширмаслиги керак. Сен бизга билдиrmай, яширинча ишлаб юрдинг,— деди Роза жиддий қиёфада. Роза ҳазиллашаётганим йўқ, тўғри жавоб бер, дегандай Абдиласга тикилиб қараб туради. Абдилас нима деярини билмай, ҳангуманг бўлиб қолганди.

— Мен сизлардан яшириб ҳеч нарса қилганим йўқ. Ҳаммасини айтиб бераман. Бекорга хафа бўлишнинг нима кераги бор.

— Бузоқларингни қандай парвариш қилганингни нега айтмасдан юрдинг? Бу яширмаганингми? Нега шундай қилганингни энди билдим. Ростини айтсам, сен биздан қизғандинг.

Абдилас Розанинг бу гапига хохолаб кулиб юборди.

— И-ие, қизиқ бўпти-ку! Ахир, бузоқ боқишини мендан ҳам яхши биласизлар-ку, дадаларинг бўлса ал-

лақачондан буён сигир боқишидан. Ёз бўлса яйловдан келмайсизлар.

— Хўп, сигир боқиши нима бўпти! Улар айтмаса, биз қаёқдан биламиш? Сен ҳам китобдан ўқиб ўрганган бўлсанг керак? Айтмоқчи, совхозда ҳам кўргандурсан! Майли, биз орқада қолиб кетибмиз. Энди сен билан гаплашмайман,— деб Роза аразлаб тескари қараб кетди.

— Гаплашмасанг гаплашма, менда нима айб?— деди Абдилас Розанинг бу қилигини ёқтирумай.

16. СОҒИНИШ

— Эртароқ ёт, дам ол, эртага яйловга жўнайсан, Ойгулга нон ёпиб берай. Қуруқ борсанг, ўксиниб қолади,— деди Қаниш буви қўлига гугуртни олиб ошхонага киаркан.

Абдилас кўрпачага ўтириб ечина бошлади. Онаси билан синглиси яйловга кўчиб кетгандан кейин У Қаниш бувиникида қолган эди. Қаниш буви отасининг яқин қариндоши бўлиб, мулоим, ширин сўз кампир эди. Бировларнинг болаларини ҳам ўз боласидай яхши кўфар, иссиқ-совуғига қараб, бошида парвона бўларди.

Абдилас бошини ёстиққа қўйиши билан дарров ухламоқчи бўлди. Ойиси айтгандай, йўлга чиқиш олдидан тўйиб ухлаб олмоқчи эди. Бироқ, негадир юраги дукдук уриб, кўнгли бир хил бўлди, кўзига ҳар нарсалар кўрининб, алламаҳалгача ухлаётмай ётди.

... Ўн иккинчи июнь VII синфни битказувчиларга атаб ўтказилган тантанали йиғилишдан кейин болалар ўқитувчилари ва мактаблари билан хайрлашиб, қаникулга чиқиб кетишиди.

Мана, Абдилас ўртоқлари билан катта, кенг залда юрибди. Мукофотга олган икки китоби, мақтov қофози билан гувоҳномасини қўлига кўтариб олган. «Мактаби-мизнинг аълочилари» деган катта фотовитрина унинг дипқатини тортди. Абдилас ўзини қидира бошлади, кулимсираб тушган Розанинг сурати ёнида хаёл сурисиб туинган ўз суратини кўрди. У витринадаги бошқа ўртоқларининг суратини ҳам бирма-бир кўриб чиқди.

— Абдилас яхши дам ол, қилган ишларингдан бизга хат ёзиб тур,— деганди Керимқул aka хайрлашаркан.

— Раҳмат ака, ёзиб тураман,— деб чап томонга бурилиб пионерлар хонасига кирганди.

— Келганинг жуда яхши бўлди, ҳозир чақирилмоқчи бўлиб турғандим. Сенга топшириладиган анча-мунча вазифалар бор. Ялқовлик қилмайсанми? — деганди Салий кулимсираб.

— Йўқ. Кўлимдан келганча ҳаммасини бажараман.

— Жуда яхши. Яловда пионерлар кўп бўлади. Сени яловдаги пионерларга отряд вожатий қилиб тайинладик. Улар билан ишлайсан. Мактабга керакли гербариий, коллекциялар йиғиб келасизлар. Шундай қилингларки, яловдаги ҳамма болалар чорвадорларга ёрдам беришсин. Қилган ишларингдан кузда ҳисобот берасан. Яловга комсорг ҳам боради. У ёрдам бериб туради. Билмаганингни тортинимай бемалол сўрайвер. Ҳа, ўзинг ҳам яхшилаб дам ол, хат ёзиб тур. Янги ўқув йилида комсомолга киришингни тавсия қиласиз. Ҳўп, хайр бўлмаса, ишларингга муваффақият тилайман.

Салийнинг ўша гаплари ҳозир ҳам қулогига эшитилаётгандай бўлди.

Абдилас, эртага эрталаб жўнаймиз, хайр, каникулни яхши ўтказинглар, деб ўртоқлари билан хайрлашди.

Фақат Роза келиб хайрлашимади. У хафа. Уни мен хафа қилиб қўйдим. Айб менда. Улар бузоқ боқишини билишмайди, оталари бузоқларга ёшлигидан от қўйиб, яхши парвариш қилишни билмаган. Мен ҳам билмас эдим. Совхоз чорвачилари тўғрисида учинчи синфдалигимдаёқ ўқиган эдим. Булар эса ҳали ҳам ўқишимабди. Ўтган йили «Тўлок» совхозига, холамниги борганимда анча нарса ўрганиб келдим. Барibir эртага ҳаммамиз жўнаймиз. Ўзр сўраб қўя қоларман. Қейин бузоқларни қандай парвариш қилишни бирма-бир айтиб берарман. Қитобни ҳам ўқишига берарман. Ақай, Қари, Роза бузоқ боқишини ўргана бошлашди. Яловга борганди кўп иш қилишимиз керак. Салий опа кўп нарсаларни ўргатади. Анув куни сотиб олган ва бугун мукофотга олган янги китобларимни ҳам олиб бораман. Уларни ўқиб, тагин кўп нарсаларни билиб оламиз...

... Кўм-кўк ялов, шарқираб оқаётган зилол сув, ўйноқираб юрган бузоқлар кўз олдидан бирма-бир ўтди. Улар ҳаммаси катта бўлиб қолишибди. Абдилас ҳарқайсисининг отини атаб чақира бошлади. Лекин биттаси ҳам келмади. Ҳаммаси Ойгулниңг атрофида

ирғишлаб юришарди. Абдилас уларни қанчалик соғин-гандыкни бутун қалби билан ҳис этди. Шулар ҳақида ширин хаёл билан уйқуга кетди.

Инкинчи боб

17. ЯЙЛОВГА ЖУНАГАНДА

Қаниш буви шошиб-пишиб Абдиласни йўлга отлантиради. Кичкина ҳужрасига кириб, қора чарм қопланган катта бир эгарни кўтариб чиқиб, чангини артди, эшик олдидаги қозик тагига олиб бориб қўйди. Кейин уйга кириб Абдиласнинг қизил сатин кўрласини тўрт буклаб олиб чиқди.

— Эгари устидан кўрпача солиб берай. Нега мунча ҳаяллаб қолдийкин? Бугун ҳам от бўлмай, бола бояқиши тўрт кўз бўлиб ўтирмаса бўлгани эди,— деб ўзи билан ўзи гаплашиб йўл тайёргарлигини кўраверди. Қаниш буви отқозиққа суюниб хаёлга чўмди. Абдиласнинг жўнайман деганига бугун уч кун бўлди. Раис яйловга борадиган болаларни йиғиб:— Ҳаммангта биттадан от бераман, аравага қўшиб юрган саккиз отни яйловга чиқариб юборамиз. Отлар оҳактош ташишга юборилган, икки-уч кунда келиб қолишади, деб ваъда бериб, кутдириб юрган эди. Йўл олислигидан Ақай, Қари-лар от миниб кетамиз деб, bemalol юра беришиди. Абдилас биринчи куни ўртоқларига юринглар, пиёда кетаверамиз, деб таклиф қилган эди. Ўртоқлари қўнишмади. Абдилас учун кейинги уч куннинг ўтиши жуда қишин бўлди. Раиснинг ваъда қилган кунлари ҳам ўгди. Аравакашлар кечқурун келишган бўлса керак.

— Буви, мен бориб отдан хабар олиб келай, сен эгар-тўқимни тайёрлаб қўявер, хўлми?— деб Абдилас аzonлаб ўрнидан туриб чиқиб кетган эди.

Терак бўйи кўтарилган июнь қуёшининг заррин нури ёш дараҳт япроқлари орасидан ўтиб, Қаниш бувининг юзида жимиirlаб ўйнай бошлиди. Кўкиш рўмолининг четидан чиқиб турган оппоқ соchlари қуёш нурида кумушдек товланар эди. Бирдан отларнинг дупур-дупури эшитилиб қолди. От чонтириб келаётган бир гуруҳ болаларни кўриб, кампирнинг севинчи ичига сиғмай кетди.

— Бувижон, Абдиласни тезроқ отга миндиринг, бўлмаса кетиб қоламиз,— деди Қари шай бўлиб турган Қаниш бувига.

— Ҳозир, айланай, ҳозир. Овқат ичиб олсаларинг бўларди, шундай тайёр,— деди Қаниш буви типирчилаб турган болаларга меҳрибонлик билан.

— Раҳмат, бувижон, овқат егимиз ўйқ, ундан кўра Абдиласни тезроқ чақиринг,— дейиши ҳаммалари бараварига.— Абдилас яйдоқ миниб келган отидан сакраб тушиб қозиқдаги эгар-тўқимга қаради.

— Буви, бу бувамнинг эгарими?

— Сени эгарласин деб атайлаб олиб чиқдим. Син-дирмай эҳтиёт қилиб тут. Сен ҳам бувангдай бўлгив, болам. Яйловдан қайтганингда олиб келиб берарсан.

— Раҳмат, бувижон,— деб суюниб-суюниб отига эгар ура бошлади. Болалар бўлса «Эй чол» тезроқ бўлсанг-чи, деб жони-ҳолига қўймай шошилтиришарди.

— Сен ҳам қариб чол бўласан. Нега куласан, тирмизак,— деди Қаниш буви Қарига кулиб.

Абдилас отга эгар-тўқимини урди-да, энди нима қиласман дегандай тўрт букланиб ётган кўрпага қаради.

— Остингга кўрпача қилиб солиб ол. Роза ҳам кўрпача қилиб солиб олувди-ку.

— Ҳа, кўрпача қилиб солиб ол. Биз кўрпа олмаб-миз,— деди Ақай. Худди бирор қитиғлаётгандек Қари бадтар қиқирлаб кулди:

— Ол-а, уялмай, тагингга кўрпача ҳам солмоқчи-мисан?

— Буви, кўрпани қўя қол. Эгар баланд бўлиб кетар экан,— деди Абдилас изза бўлиб.

— Э, унинг гапига парво қилма. Кўрпанинг бўлса сен ҳам солардинг демайсанми, тагинг юмшоқ бўлади,— деб Қаниш буви қўярда-қўймай кўрпани эгарнинг устига солиб берди.

— Ие; мен сизларни Тоштепадан ўтиб кетишгандир, десам, ҳали ҳам шу ердамисизлар,— деб Баяли ота отини чоптириб келиб қолди. У аравакаш эди. Раис унга бу отларни яйловдати отбоқарга топшириб, бошқа отлар олиб келасан, деб тайнинлаган эди.

— Қани, юринглар, кетдик. Хайр, буви,— деди Роза ва отини қамчилиб жўнаб қолди. Кетидан қолганлари йўртдириб кетишиди. Қаниш буви Абдиласни от устидан энгаштириб пешонасидан ўпди.

— Яхши бор, болам. Бурмага салом деб қўй. Ойгули ўзиб қўй. Бузоқларингга яхши қара,— деди кузатаётуб.

— Хайр, буви, яхши қолинг,— деди-да, Абдилас ўртоқларига етиб олай деб, отига устма-уст қамчи босди. Қаниш буви уларнинг қораси кўринмай кетгунча орқаларидан қараб турди.

* * *

Офтобнинг тапти қайтган. Ҳамма ёқ сув сепгандай жимжит, гўё бутун мавжудот уйқуга киргандек туюлади. Қун ботар томонга Тоштепадан чўзилиб кетган баланд-паст адирлар, йўловчилар билан хайрлашгандай секин-секин орқага чекинади.

Болалар исиб кетиб кийимларини ечиб, кўйнакчан бўлиб олишди.

Баяли ота кечаси билан оҳактош ташиб ухламаганиданми ё бўлмаса, доимо узоқ йўлда арава ҳайдаб ўрганиб қолганиданми, бўз отининг тизгинини бўш қўйиб, олдинда мудраб борарди.

Болалар ҳам, яйловга тезроқ етиб олайлик деб ошиқишаради.

Қун чиқиши томонда кўм-кўк экинзор ястаниб ётибди. Экин сугориб юрган сувчиларнинг кетмонлари қуёш нурида ярқ-ярқ қилади.

Чигирткаларнинг тинмай чириллашигина атрофлаги жимликни бузади.

Тўққиз булоқдан ўтиб муюлишга етганда шимолишарқ томонга қараб чўзилган кенг дала кўзга ташланди. Эсини таниб яйловни кўрмаган Абдилас даланинг қоқ ўртасидан ёриб ўтган катта йўлни кўрсатиб:

— Сўнгкўлга қайси йўл билан борамиз? Эсимдан чиқиб кетибди,— деди, чиндан ҳам билмаслигини бўйинча олиб. Қари ҳаммадан олдин:

— Чап томонга қараб юрамиз. Қани, энди бу ёғига сен бошла,— деди отининг жиловини тортиб.

Абдилас отини чоптириб ўртоқларининг олдига тушди-да, чап томондаги йўлга бурилди.

— Бўпти, орқамдан юраверинглар. Ана, тоғдаги қайрагочлар ҳам кўрина бошлади. Ҳозир етамиз. Орқада қолган Қари:

— Сен ёлғиз ўзинг боравер,— деди ва ўзи ўнг тарафдаги йўлга бурилиб кетди. Ҳаммалари бараварига хохолаб кулиб юборишиди, кейин орқа-олдига қарамай кетиб бораётган Абдиласни чақиришди.

Абдилас Қарининг бу қилиғидан жаҳли чиқиб:

— Нега кишини алдайсизлар. Ўртоқ деган ҳам шундақа бўладими? Нима, мен сизларга кулги бўлиб қолдимми,— деди зарда билан.

— Вой ўғлим-эй, Қарининг гапига алданиб ўтирибсан-а,— деди Баяли ота. Абдилас нима дейишини билмай, индамай қолди.

— Хўш, нима бўпти, кўп бўлса, икки юз метрча ёлиз йўл юрдинг. Кўрдингми, шунга ҳам жаҳлинг чиқяпти. Сен бўлсанг, ишингни биздан қизғаниб қанча вақт яшириб юрдинг! Ўртоқлик шунаقا бўладими,— деди Роза хафа бўлиб. Унинг ингичка қора қошлари лўили юзига ярашиб, ҳуснига ҳусн қўшиб турарди.

Розанинг гапи Ақайга ҳам ёқди. У бир нарсага жаҳли чиққандай қўлидаги қамчисини бир силтади. Кейин оёғини узангига тираб туриб Абдиласга:

— Ие, ҳазиллашган Қари-ку. Бизга нима дейсан? Роза тўғри айтади. Биз сенга ўхшаб қилган ишимизни ўртоқларимиздан яшириб юрганимиз йўқ. Сен фақат ўзингни ўйлайдиган бўлиб қолибсан. Қариндошинг бўла туриб мен билмабман-а! Бузоқларингни ўргатиб турганинг устидан чиқиб қолиб, ялиниб туриб олганимда зўрга айтиб берганинг эсингдами? Унгача нима иш қилиб юрганингни билмас эдим. Менга дадам айтаб берди.

— Сенинг ишингни кўриб ўрганмоқчи эдим, икки-уч кундан кейин дадамлар яйловга кўчиб кетишли,— деди Ақай бошига бир оғир ташвиш тушгандай хўрсиниб.— Мен бузоқларимни ўргатолмай қолдим. Абдилас энди галирой деганда, оти қоқилиб кетди. Тизгинини қаттиқ тортмаганда, оти йиқилиб тушарди. Айтмоқчи бўлган гапи оғзида қолди.

Абдиласнинг эсанкираб қолганини кўриб, Розанинг эсига ғалати бир ҳодиса тушди. У ноилож пиқ этиб кулиб юборди. Рости ҳам ўртоқларининг аччиқ, таъналари гаплари камлик қилгандай отининг мункиб тушгани ортиқча бўлди.

У энди оғзини гапга жўплаган ҳам эди Роза:

— Кўрдингми, гапимизни отинг ҳам маъқуллади,— деди шартта.— Бузоқ боқишдан қолтан бўлсак ҳам, уни семиртиришда бошқалардан орқада қолмасмиз. Шунга ҳам хафа бўлиб юрибсанми?— деб Роза Ақайга маъноли қараб қўйди. Абдилас қилган бутун хатосига ич-ичидан иқрор бўлиб, нима дейишини билмай

гандиб қолди. Қуннинг иссиғи етмагаңдай, ўртоқлари-нинг аччиқ гаплари юрагини оловдек күйдирар, у, худди ҳаммомга тушиб чиққандай жиққа терга ботган эди. У қора кўзларини ердан узмасди.

— Ҳамма гапларинг тўғри,— деди Абдилас вазмин,— лекин айб фақат менда эмас. Ота-оналаринг неча йилдан бери сигир боқиб юргани учун, менсиз ҳам билсаларинг керак, деб ўйлаган эдим. Менинг ҳам бу ишларни биринчи қилишим. Сизлардан орқада қолиб кетмай, опамга ҳам ёрдамим тегсин, деб ўзимча ишлаб юрувдим. Ойгул тузукроқ қарамаган бўлса, бузоқларим мени ҳам унугиб қўйгандир?

— Жуда қизиқ бўпти-ку! Биз бир-биримизни яхши билмабмиз-да! Қани айт-чи, бузоқларингга от қўйиб ўргатишни қаёқдан билиб олдинг? Бузоқларингга қанақа от қўйгансан?— деб Роза отининг бошини буриб, Абдиласнинг ёнига келди.

— Мен учинчи синфда ўқиб юрганимда: «Кўк бузоқ» деган бир ҳикоя ўқиган эдим.

— Уни мен ҳам ўқиганман.

— Ўқиган бўлсанг, эсингдами, ўшанда Гулой деган қиз отасининг меҳнат кунига олган бузогига «Кўк бузоқ» деб от қўйган эди.

— Ҳа, ҳа, эсимда. Мен ҳам ўқиганман. Бироқ сигирни отини атаб чақирса, одамнинг орқасидан эргашиб юришига ақлим етмаган эди. Дадамлар ҳам буни билишмайди,— деди Ақай ҳайрон бўлиб.

— Кейин,— деди Абдилас чўитагидан рўмолини олиб, терини артаркан,— бултур Қўчқордаги, «Тўлок» совхозидаги холамникига бориб келгандим. Ўшанда Бўлат деган жияним билан Миша деган бир рус бола тўрт-беш бузоқча от қўйиб ўргатишибди. Мишанинг отаси илғор чорвачи экан. У сигирларини ҳам отини атаб чақирар экан. Мен ўшанда мол боқишга жуда қизиқиб қолган эдим. Бузоқларимга Тўлбоши, Гул, Жафо, Кенжак деб от қўйгандан.

— Ҳой, тезроқ юрмайсизларми? Нима бало, ухлаб қолдингларми?— деб қичқирди Қари катта терак тагида туриб. У боя олдинга ўтиб кетиб, шу ерда кутиб турган эди. Қари Абдилас уришиб ўтирмасин деб, яна олдинга чопиб кетди. Болаларнинг олдида мудраб келаётган. Баяли ота, сесканиб тушиб, орқасига қарди-да:

— Ҳа, қани тезроқ юринглар. Оқтеракка келиб қолибмиз-ку,— деб қичқирди соқолини силаркан.

Гўзал табият манзараси болаларни ўзига мафтун этди. Улар соғ, оромбахш дала ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олишар, ҳар бир нарсага суқланиб қарашарди. Абдилас ўзида йўқ хурсанд, у далада кўрганларининг ҳаммасини бир умрга эслаб қолишни истагандай теварак-атрофдан кўзини узмайди. Узоқ-узоқларга чўзилиб кетган тог тизмалари, унинг этагидаги ям-яшил адирлар, азим терак ва толлар, шохдан шохга сакраб шўхшўх сайрашаётган қушлар, уларнинг овозига жўр бўлиб шовиллаб оқаётган Оқтерак суви кишида завқшавқ уйғотар, кўнгилга ҳузур бағишилар эди. Тўқайдаги дарахтларнинг кўпчилиги оқтерак бўлгани учун бу водийга Оқтерак деб ном беришган.

Оқтеракда анча ергача кишининг белидан келадиган кўм-кўк ўт устидан босиб ўтишди. Қичкина тошлоқ тепадан ошиб ўтиб, қайрағочзор оралаб кетишиди

Ўнг томонга қараб юқорилаб кетган тошлоқ дарадан ўтаётганда Абдилас отини қамчилаб Баали отага яқинлашиб олди.

— Баали ота, Мулла довон дегани шуми, нимага Мулла довон деб аташган? Довон ошиб Сўнгкўлга етамиزمи?

— Топдинг. Мулла довон дегани шу,— деб Баали ота мийифида кулиб қўйди.— Шундан ўтсак милтиллаган кўм-кўк Сўнгкўл водийсига тушамиз. Илгари бир мулла зимиoston тунда яйловда адашиб кетиб, ҳув анави қоядан йиқилиб ўлган дейишади. Шу-шу бу довонига Мулла довон деб ном беришган,— деди тўғридаги пастроқ қояни кўрсатиб.

Абдилас Баали отанинг жавобига кўнгли тўлиб, кўм-кўк дарадан кўзини узолмай, теварак-атрофни томоша қилиб кетди. Азим қайрағочлар, кўм-кўм арчалар, ранг-баранг гуллар очилиб ётган чакалакзорлар, қушларнинг чарх уриб сайраши, булоқ сувининг шилдираф оқиши кишига ором берар эди.

Тор сўқмоқдан юқорига кўтарилишиди. Олдиндаги лар төр ён бағрига етиб, отларига дам бериш учун тўхтадилар.

— Қари, болам, эгар-тўқимиигни яхшилаб боғлаб ол, бўлмаса орқага сурилиб кетади,— деди Баали ота ўёга яқин бориб. Қари хўп бўлади дегандай бош қи-

мирлатиб, шу заҳоти эгарнинг камарларини тортиб боғлай бошлади.

Абдилас отини етаклаб олди. Ён бағирнинг бир чеккасига чиққунча ҳарсиллаб қолди. Олдинда бирин-кетин довоиға кўтарилаётган отлиқларга кўз ташлади. Чап қўли билан отининг ёлини ушлаб ўртада бораётган Розани кўрди.

Роза довонга от миниб чиққанда, нима, мен чиқолмайманми, деб ўйлаб, яна отига миниб олди. Оти ҳам гўё олдингиларга етиб олмоқчи бўлгандай тобора қадамини теззатарди. Абдилас бундай баланд тоғни сира ошиб кўрмагани учун, бошим айланса керак, деб қўрқкан эди. Лекин унга ҳеч нима бўлмади. Кўм-кўк майса билан қопланган тепаликка чиқишлири билан Ақай ашула бошлаб юборди. Бу ашулани бултур яйловга келиб концерт берган артистлардан ўрганиб олган эди.

Мақтамайин Сўнгкўлии нечун,
Ям-яшилдир атрофи бутун,
Кўп яйловдан сара жой,
Гўзалликда атласдай.
Кўрган киши тонг қолар,
Яна кўришга йўл олар.
Ораласанг бепоён еринг,
Фермангда мўл қўю сигиринг.
Эллик, қирқлаб топасан
Меҳнатдан миллионер бўлганни.

Ўртоқлари табиат кўркига зеб бўлиб тушган бу ашулани мароқ билан тинглаб боришарди. Довонга чиқиб олганларида, уларнинг кўз олдиларида, гўё бутун ер юзига гилам тўшалгандай гўзал бир манзара пайдо бўлди.

— Болалар, отларингнинг сўлиқларини чиқариб ўтга қўйинглар. Соф ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олиб, мана бу майсада юмалаб ётинглар. Овул ҳам кўриниб қолди,— деди Баяли ота отидан иргиб тушаркан. Болалар ҳам отларининг сўлиқларини чиқаришиб, ўтга қўйиб юборишиди. Ўзлари эса кўм-кўк майса устига юмалашди, баъзилари бориб хилма-хил гуллардан гулдаста териб келишиди. Пиёзга ўхшаб ўсган саримсоқларни еб кўришиди. Улар атрофга суқланиб қарашарди. Қандай ажойиб, гўзал манзара! Довон баланд бўлганлигидан Сўнгкўл водийсининг анча жойи кўриниб турарди. Узоқдаги кўлнинг суви жимири-жимири қиларди.

Ферманинг ўтовлари худди гилам устига тизиб қўйилган тухумлардай, узоқдан оппоқ бўлиб кўриниб турарди. Ферма моллари маза қилиб ўтлаб юарди.

— Бу ерда турган чорвадорлар қандай баҳтли!— деди Абдилас завқ билан, кейин нима деркин деб, ўртоқларига қаради. Улар ҳам, ҳа, гапинг тўғри, дегандай бошларини қўмирлатиб қўйишиди.

— Баяли ота, бизнинг овул ҳозир қайси томонда?— деб сўради Роза.

— Ҳув анави кўлнинг нариги бошида Жумғал чорвачилари туради,— деди Қари қўли билан ўша томонни кўрсатиб. Баяли ота секин қадам ташлаб болаларга яқин келди. Унинг юзини ажин босиб, сочи оқарган бўлса ҳам, у ҳали тетик, ёшлардай қувноқ, юзидан кулки аримасди.

— Яхшилаб қаранглар,— деди у.— Фермамизнинг ҳамма моллари ёйилиб юрибди. Ҳу анави тепани кўр янисизларми, шунинг нариги томонида «Буйракбулоқ», «Кўшкўл», «Қорабулоқ», «Гўнгдай» деган ерлар бор. Чорвачилар шу ерларда туришади.

— Мен биламан.

— Мен ҳам биламан. Узоқ йили биз ҳам шу ерларга ўтов тиккан эдик,— дейишиди Қари, Роза, Ақайлар.

— Анави баланд чўқининг атрофи майдай дала, ерлари яхши, «Керагатош», «Қоракеча» деб аталади. У ерларда «Кенгаш», «Кўкжар» колхозларининг моли боқилади. Ундан сал наридаги кўлнинг бўйига Жумғал районининг чорвалари чиқади. Кўл атрофидаги майдачиуда яйловларда Чўлпон, Қўчқор район чорвачилари мол боқишади. Бу ерларнинг ўти жуда бўлиқ, ширали.

Баяли ота олис-одисларга тикилганча анча вақт индамай ўтириди-да, кейин яна сўзида давом этди:

— Кўлнинг этагидан бизнинг овулгача яйловни по-ринлик, куланоқлик чорвачилар эгаллайди. Унда совхознинг ҳам туман-туман моллари боқилади. Ишқилиб, Сўнгкулда олти районнинг моли боқилади. Қолганини йўлда гапириб бераман.

18. СУЛИМ ЕР

Болалар яйловга келиши билан жуда яйраб дам олишиди, турли ўйин-кулгилар уюштиришиди. Абдилас ўзича дунёдаги энг чиройли жой шу ер бўлса керак деб ўйлади.

Абдилас, мен йўқлигимда бузоқларимнинг ҳоли не кечди экан, деб қўрққан эди, лекин келиб, Ойгулнинг қилган ишиларини кўриб кўнгли ўрнига тушди. Ойгул акасига унинг йўқлигини билдирамай, бузоқларни қандай парвариш қилганини катталарга хос гурур билан гапира кетди:

— Менга ишонавер, ака. Бузоқларнинг ҳаммаси катта бўлиб қолди. Ҳатто Қенжак ҳам баъзида, жини келганда мени думалатиб кетади. Ўзлари ёйилиб ўтлаб юришади. Баъзида уларнинг ёнида юриб гул тераман ё ўтириб олиб китоб ўқийман. Тўйишгандан кейин ётиб ухлашади. Кейин бирдан ўзларича уйга қараб чопиб қолишади. Жуда ғалати бўлишган-да! Юринг, кўрасиз,— деб уйдан эшикка бошлаб чиқди.

Ойгул айтгаидай, бузоқларнинг ҳаммаси тенг катта бўлнишибди. Тўлбошининг шохлари каттайиб қолибди. Танаси тош-тоза, қуёш нурида қундуздай ялтирайди. Яхии парвариш қилишибди, деб Абдилас ич-ичидан хурсанд бўлиб қўйди. Абдилас паст овозда бузоқларни бир-бир чақира бошлади. Бузоқлар анчагача ангра-йиб қараб туриди, кейин бештаси истар-истамас Абдиласининг ёнга келишди. Гул билан Қенжак ўрнидан қўз-галишмади ҳам.

— Қани, мен бир чақириб кўрай-чи,— деди Ойгул, унинг овозини эшитишлари билан ҳаммаси бирин-кетин югуриб келишди.

Абдилас тўрт куни деганда бузоқларини ўзига зўрга ўргатиб олди. Роза ҳам ёш бир бузогига «Букет» деб от қўйиб, ўзига ўргата бошлади. Уни ўртоқларига кўрсатиб, роса мақтанди. Ҳисоб дафтарини очиб опасининг бултургидан бу йил кўп сут соғиб олганини кўрсатди.

Ақай билан Қари бузоқларимиз катта бўлиб қолибди, энди уларга от қўйиб ўргатиш қийин бўлар дейишиб, бунга овора бўлиб ўтиришмади. Улар икки куни сепараторда ёғ олишда акаларига ёрдам беришди. Эртаси бузоқларини тарозида тортишиб, ҳар бирининг қанча семирганини ёзив олишди-да, Абдилас билан Розага кўрсатишди.

Уларни кўриб Абдилас билан Роза ҳам бузоқларини қанча семиргандигини текшириб кўришди. Болалар, қани кимнинг бузоқлари кўп семирган экан деб, бир-бирлари билан баст бойлашди. Буни Ойгул дарров онасига етказди...

Бурма опа болаларнинг бу ишига жуда хурсанд бўлди. Ойгул бузоқларини ферма ёнидаги тарози олдига ҳайдаб келди. Бузоқларни Бурма опанинг ўзи тортиб турди. Ақай билан Қари қанча чиққанлигини айтиб туришди. Роза билан Абдилас эса дафтарга ёзиб туришди. Ҳаш-паш дегунча ҳамма бузоқларни тортиб бўлишди.

— Ҳарқайсинг бузоқларингни туғилган вақти ёзилган дафтарларингни ола боринглар. Бузоқларнинг семиринини Батиш опанглар туғилган кунидан ҳисоблаб беради,— деб тайинлади Бурма опа.

— Ойи, олдинги сафар Батиш опа тортиб кўрганда кимнинг бузоги семиз эди?— деб сўради Абдилас онасидан.

— Ақайнинг отасининг икки бузоги билан Розанинг опаси соғиб юрган кўк сигирнинг бузоги,— деб жавоб берди Бурма опа.

— Бизники-чи?— деб сўради яна Абдилас қизиқсиниб.

Ўғлининг ўртоқлари олдида хижолат бўлаётганини сезган онаси:

— Ҳенқиси йўқ, ўғлим, бунга хафа бўлма. Улар кўп йилдан бери мол боқиб келишади, мол боқишини биздан яхши билишади. Кейинги ўн беш кунда биз боққан бузоқлар, назаримда, тузук бўлиб қолди. Икки бузогимиз ўша уч бузоқдан кейин туроди,— деб ўғлига тасалли берган бўлди.

Болалар ҳар бир бузоқнинг ўн беш кунда қанча семирганини ҳисоблаб чиқишиди. Ҳар бирин ҳам ферма бошлиғи Батиш опани хурсанд қилсан дерди.

Ҳавоси тоза, атир сл,
Кулл уради яшил ер,
Кенг яйловни кезганиман,
Ўзни тетик сезганиман.
Юлдузек кўп мол боқиб,
Яйраб умр кечирдим.
Колхоз чорвасини қўриб,
Яйлатиб сув ичирдим —

деб Батиш хиргойи қилиб отини майсазордан йўргалашиб келар эди. Қора тўриқ от ҳам унинг ашуласига жўр бўлгандай ўқтин-ўқтин бошини қимиirlатиб пишқириб қўяр. Атроф кўм-кўк, жимжит, салқин, майин шабада эсади:



Бурма опа болаларнинг бу ишига жуда хурсанд бўлди. Ойгул бузоқларини ферма ёнидаги тарози олдига ҳайдаб келди Бузоқларни Бурма опанинг ўзи тортиб турди. Ақай билан Қари қанча чиққанлигини айтиб туришди. Роза билан Абдилас эса дафттарга ёзиб туришди. Ҳаш-наш дегунча ҳамма бузоқларни тортиб бўлишиди.

— Ҳарқайсинг бузоқларингни туғилган вақти ёзилган дафтарларингни ола боринглар. Бузоқларнинг семиринини Батиш опанглар туғилган кунидан ҳисоблаб беради,— деб тайинлади Бурма опа.

— Ойи, олдинги сафар Батиш опа тортиб кўрганда кимнинг бузоги семиз эди?— деб сўради Абдилас онасидан.

— Ақайнинг отасининг икки бузоги билан Розанинг опаси соғиб юрган кўк сигирининг бузоги,— деб жавоб берди Бурма опа.

— Бизники-чи?— деб сўради яна Абдилас қизиқениниб.

Ўғлининг ўртоқлари олдида хижолат бўлаётганини сезган онаси:

— Ҳечқиси йўқ, ўғлим, бунга хафа бўлма. Улар кўп йилдан бери мол боқиб келишади, мол боқинши биздан яхши билишади. Кейинги ўн беш кунда биз боқсан бузоқлар, назаримда, тузук бўлиб қолди. Икки бузогимиз ўша уч бузоқдан кейин туради,— деб ўғлига тасалли берган бўлди.

Болалар ҳар бир бузоқнинг ўн беш кунда қанча семирганини ҳисоблаб чиқишиди. Ҳар бири ҳам ферма бошлиғи Батиш опани хурсанд қилсан дерди.

Ҳавоси тоза, атир ел,
Қули уради яшил ер,
Кенг яйловни кезганимай,
Узни тетик сезганимай.
Юлдуздек кўп мол боқиб,
Яйраб умр кечирдим.
Колхоз чорвасини қўриб,
Яйлатиб сув ичирдим —

деб Батиш хиргойи қилиб отини майсазордан йўргалатиб келар эди. Қора тўриқ от ҳам унинг ашуласига жўр бўлгандай ўқтин-ўқтин бошини қимирлатиб пишқириб қўяр. Атроф кўм-кўк, жимжит, салқин, майин шабада эсади.



Рўпарада кўз илғар-илғамас овули кўринди. У хотиржам бўлиб отининг тизгинини тортди.

Батишнинг сигир ферма бошлиғи бўлиб ишлаётганига роппа-роса уч йил бўлди. Ферма сигирлари йил сайин кўпаяр эди. Сут, ёф олишда ҳам орқада эмас. Эри Бўлат колхоз ҳисобчиси бўлиб ишлаб турган еридан ўтган ёзда армия сафига чақирилган эди.

Бундан беш кун бурун район партия комитети ходими Қарибек бир қанча ферма бошлиқлари билан келиб, илғор чорвачилар билан ферма бошлиқларининг областда кенгаши бўлади деб, кўлнинг нариги томонидаги «Кенгсоз» колхозига олиб кетган эди. Кенгашда яйловда мол боқиши тўғрисида анча фойдали гапларни эшилди. Социалистик Мехнат Қаҳрамонлари: Қубатали, Супай, Исақ оталар ўз тажрибаларидан гапириб беришди.

Яйловдан тўғри фойдаланмаётган айрим фермаларни области ходимлари танқид қилишди. Кенгаш охирида «Совет Қирғизистони» деган ҳужжатли фильм кўрсатилди. Шулар ҳақида ўйлаб бораётган Батиш овулга кириб борганини ҳам сезмай қолди. Тўғридаги тепаликдан бир-бирини қувлашиб чопиб келишаётган бир тўда болаларни кўриб, қора тўриқ от икки қулоғини диккайтириб, ялт этиб қаради.

Батиш болаларнинг бараварига «саломатмисиз» деб қичқиришганини эшишиб, отининг бошини беихтиёр улар томон бурди.

— Эсон-омонмисизлар, ўқишиларингизни яхши битирдингларми? Ҳа, дам олишга келдингларми? — деб ҳол-аҳвол сўради. Болалар бирининг гапини бири бўлиб, Батишга жавоб қайтаришди-да, қора тўриқ билан ёнма-ён кетишди. Абдилас ёнидан дафтарчасини олиб, энди гапирмоқчи бўлганда, Роза шартта:

— Опа, хафа бўлмайсиз, сиз йўғингизда бир иш қилиб қўйдик,— деди хижолат бўлиб.

— Нима қилдинглар? Қўрқмасдан айтавер.

— Биз бузоқларни тарозида тортиб, сиз тортиб ёзиб қўйганингиздан бери қанча семирганини ҳисоблаб чиқдик.

— Менинг Тўлбошим, Жағовим, Розанинг икки бузоғи, Ақайнинг икки бузоғи ўи беш кунда бошқаларни кидан кўп семирибди,— деди Абдилас ғуур билин, кейин нима деркин дегандай Батишга тикилиб турди.

Батишнинг болалар ишидан жуда мамнун бўлгани юзидан кўриниб туради.

— Раҳмат, айланайлар, жуда хурсандман. Ахир сизлар бизнинг келажагимизсиз, бутун умидимиз сизлардан,— деди меҳрибонлик билан.

19. ЯНГИ ДУСТ

Кутилмаганда бир иш Абдиласни ҳаяжонга солиб, негадир, шошилтириб қўйди. Кечаси билан ухлагандай ҳам бўлмади. Тонг саҳарда туриб, майка-трусиқда шарқираб оқиб ётган тиниқ сув лабига келди-да, гимнастика қилди. Яйлов ҳавоси салқин бўлганидан кам ухлагани ҳам билимай, ўзини бардам сезди.

Сигир соғаётган аёллар болаларнинг саҳарда қимирлаб қолганини кўриб ҳайрон бўлишди. Абдилас муздек тог сувида белигача ювениб, уйга қайтиб келди. Таиси сергилиб енгил тортгандай бўлди.

— Ҳозир бориб Ақай билан Қарини уйғотаман. Эртароқ жўнаш керак,— деб қадамини тезлатди.

— Ўртоқ командир, биз жўнашга тайёрмиз,— деб Ақай уига пешвоз чиқди.

Буларнинг шошганича бор эди. Бу колхозда Вера деган фрунзелик бир қиз икки йилдан бери фельдшер бўлиб ишларди. У мулойим, камтар, ўқимишли қиз бўлганидан, ёшу қари, ҳамма уни ҳурмат қиларди. У тезда ҳамма билан апоқ-чапоқ бўлиб кетди, қирғизча гаплашишни ҳам унча-мунча ўрганиб олди.

Район партия комитетининг ходими Мергенов Қарibек Верани чорвачиларнинг соғлиғига қараб туринг деб, Сўнгкўлга кўчириб келгап эди. Утган куни кечаси атайн овулга келиб, сигир соғувчиларнинг соғлигини текшириб чиқди, кейин Абдиласни чақириб:— Менини Витъка деган сизлардай укам келди, у қирғизча мендан яхни билади, бориб знаком бўлинглар, бирга ўйнанглар, сизларни танимаса ҳам ҳаммангга совға бериб юборди,— деб сумкасидан ҳаммага биттадан олма олиб берди.

Аслида олмаларни Витъка ўз қўли билан берган ёмис эди. Вера укасини болалар билан таништириш учун ўйлаб топган эди.

Хўп, эрта билан борамиз. Витъка билан ўртоқ бў-

либ оламиз, айтиб қўйинг,— дейишиди Верага, у кетиши олдидан. Абдилас шаҳарлик Витъка тўгрисида кечаси анчагача ўйлаб ётди. Уни танимаса ҳам унинг қандайлигини ўзича тасаввур қилиб кўрди. У билан жуда яқин дўст бўлиб кетишига, ундан кўп нарсалар ўрганишига кўзи етарди.

Уч ўртоқ енгил-елпи кийинишиб тор сўқмоқдан «Бургансув»га қараб кетишиди. Беш-олти километр йўл босиш керак эди. Болалар бора-боргунча ашула айтишиб, гул териб кетишиди.

Оқтошнинг этагига бориб яна тепаликка кўтарилганларида Қари бир оз олдинга ўтиб:

— Югуринглар, бу ерда ровоч бўлади, топиб еймиз,— деб бақирди. Ўртоқлари ҳам унинг орқасидан тепаликка югуриб чиқиб кетишиди. Ҳар ер-ҳар ердан тўп-тўп ровоч узишиб, унинг нордон мазасини татиб кўришиди.

— Менда бир таклиф бор,— деди Қари қошини чимириб.— Кеча бизга олма берган Веранинг укасининг ёнига қуруқ бориб бўлмайди. Бизнинг совға-саломимиз шу, деб, қуртнинг ёнига ровоч ҳам қўшиб олиб борайлик.— У, хўш, сизлар нима дейсизлар дегандай бир кулемсираб қўйди.

— Тўғри айтасан. Ўша овулда қимиз ҳам бор,— деди Ақай хурсанд бўлиб.

Қари ровочларни пиджагига ўраб олди.

Тепаликдан тушиб бир оз юрганларидан кейин овул кўринди. Уюр-уюр бўлиб ўтлаб юрган молларининг орасидан ўтиб боришиди. Семиз-семиз биялар, ўйноқилааб юрган шўх қулин-тойлар болаларни кўриб, сизлар бу ерда нима қилиб юрибсизлар, дегандай бир оз қараб туришиди. Болалар шу орада юрган бир чолдан:

— Отахон, Вера қайси овулда туради?— деб сўрашиди.

— Бериги ўтовда ўзи туради,— деб чол тўғридаги оқ ўтовни кўрсатди.— Ўртадаги қизил ўтов, наригиси ошхона, энг четгиси Веранинг қабулхонаси.

— Раҳмат, отахон,— дейишиди болалар ва жўнаб кетишиди.

Худди болалар ўйлагандай бўлиб чиқди. Кириб боришка катта ўтовда ҳалиги шаҳарлик бола ёлғиз ўзи китоб ўқиб ўтирибди. Ҳаммаси, зравствуйте, дейишиб, болага қўл чўзишиди. У ҳам:

— Здравствуйте,— деб ўрнидан сапчиб туриб ҳамма билан кўришиб чиқди. У ўзини Виктор Семенович деб таништириди. Болалар унинг соддагина қилиб Витъка демай, Виктор Семенович деганига ҳайрон бўлишиб бир оз қараб туришди. Кейин ўзларини таништириша бошлашди.

— А, меники Абдилас Мамитов,— деб Абдилас яна қўлини чўзди.

Витъканинг эсига бир нарса тушгандаи, «Абдилас» деб қўйди.

— А, меники Қари Абишев,— деди Қари қўл чўзиб.

Витъка болаларнинг шаҳарликлардан бошқачароқ гапиришига ҳайрон бўлиб, уларнинг офтобда қорайган юзларига, қоп-қора соchlарига зимдан қараб турди. Нима бўлса ҳам, тоглик одамларнинг болалари-да, деб ўйлади ичида.

Унинг шўх мовий кўзлари, майин, малла сочи, оппоқ юзи, ҳаммадан ҳам чаp юзидағи билинار-билинмас кулдиргичи билан худди Верага ўхшаб кетарди. Унинг келишган қади-қоматига болаларнинг ҳаваси келди. Витъка чиройли гулли кигизни кўрсатиб, қани ўтиринглар, дегандай имо қилди. Ҳаммалари чордона қуриб ўтиришди.

— Мазасини татиб кўринг,— деб Қари пиджагига ўралган ровочини Витъканинг олдига қўйди. Шу ўртада ошхонадан Қаримбекнинг онаси Тўқсон буви кастрюльда тўла қимиз кўтариб чиқди-да, ие, булар ким десам, ўз болаларим келишибди-да, деб болалар билан ҳолаҳвол сўрашди. Витъка чамоданини очиб дастурхонга мева-чева қўйди. Ақай билан Абдилас чўнтакларидан қурт чиқариб қўйишиди. «Бизнинг танишишимиз жуда ғалати бўлди-ку» дегандай, Витъка қуртдан, ровочдан еб кўрди, чинни косадаги қимиздан бир-икки хўплам ицди.

* * *

Қизил ўтовнинг ичини кўриб болалар ҳайрон қолишиди, у чиройли кигиз ва гиламлар билан шундай безатилган эдики, кирган кишининг диққатини дарров жалб қиласарди. Бу ерда радиоприёмник, патефон, қўбиз, шахмат, шашкалар ҳам бор эди. Болалар бу «маданият уйидан» чиққилари келмай қолди.

Болалар икки катта стол устига ёзиб қўйилган ҳар турли китоб, журнал ва газеталарни ўқиб, анча ўтириб қолишиди. Витъка қўлидаги муқоваси чиройли қилиб безатилган китобни столнинг бир четига қўйди-да, ўзи ўтовда у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. У китоб «Чин инсон қиссаси» деган повесть эди. Уни шу ерга келганда ўқий бошлаган эди. Қари уни бир оз варақлаб кўриб, нима ҳақда ёзилганини янги дўистидан сўрамоқчи бўлди. У китобни қўлига ушлаганича Витъканинг ёнига борди-да:

— Бу китоб, қизиқми? — деб сўради сал тортиниб.

— Ҳа, жуда қизиқ китоб. Эшитгинг келадими? — деди Витъка мамнун бўлиб.

Абдилас ўқиб турган китобининг бетини белгилаб қўйиб, уларнинг ёнига келди.

— Алексей Мересьев деган ажойиб баҳодир учувчи ни эшитганмисизлар? — деб сўради Витъка ўртоқларидан.

— Ҳа. Ўқитувчимиз бир гапириб берган эди. Ҳалиги, икки оёғидан ажраб қолган учувчими? — деб сўради Ақай гапга аралашиб.

— Ҳа. Ӯша учувчи ҳақида ёзилган.

— Бизга мазмунини қисқача қилиб гапириб беролмайсизми? — деб илтимос қилишиди, қаҳрамоннинг ҳаёти ҳақида кўпроқ билишни истаган болалар.

Болалар дарров Витъканни ўраб олишиди. У янги ўртоқларига қаҳрамон ҳақидаги бу ажойиб қиссани завқшавқ билан ҳикоя қила бошлади. Болалар кўзларини Витъкадан узмай, мароқ билан тинглашар, тушунмай қолган жойларини сира тортинмай сўрашарди. Витъка ҳам бажони-дил тушунтириб берар, баъзан сўз тополмай қолганда, имо-ишоралар билан тушунтиришга ҳаракат қиласарди. Витъка Мересьевнинг ёғоч оёқда самолётда кўтарилиб, душман самолётини уриб туширганини гапирганда, Қари: «Асл баҳодир экан!» деб бақириб юборди.

Бир тўп отлиқ келиб тўхтаганда, Витъка энди гапини тугатган эди. Болалар эшикка югуриб чиқиб, келганинг отларини бойлашга ёрдамлашишиди. Уларнинг ичиди Вера, Қарибек, комсорг Қурман ҳам бор экан.

Вера болаларни олдига чақириб, Витъка зерикиб қолмасин, у билан ўйнанглар, мана, менинг отимга

миндиринглар,— деб тайинлаб, ўзи қабулхонасига кириб кетди.

— Қани бир кўрайлик-чи,— деб Витъка отнинг ёнига борди.

Болалар отни бир чеккага олиб чиқишиб, Витъкани эгарга миндириб қўйишиди. У ҳеч қўрққани йўқ-ку, бироқ тизгинни қўлига олишга унамади.

Ақай отни секин етаклади. Витъка икки қўли билан эгарнинг қошини маҳкам ушлаб ҳар замон — «Не!» — деб қўярди. Бир оз боргандан кейин, энди ўзим юраман, деб отнинг тизгинини қўлига олди. Унгача Вера ҳам болаларнинг ёнига келиб етди. Витъка аввал секин-секин юриб, кейин йўртдириб кетди. От тез чопган сари у бир томонга қийшаша бошлади. Болалар: «Тўхтат!» — деб бақиришиб орқасидан чопишиди. Витъка шошиб қолди.

Болаларнинг шов-шувини эшитиб от яна ҳам тез чопди. Витъка ўзини ўнглаб ололмай биқуни билан ерга гуп этиб ийқилиб тушди. Бироқ ҳеч ери оғриганини сезмади. Момиқдай ўт устидан иргиб турди-да, болаларнинг ёнига келди.

Вера ҳам дастлаб от минганди худди шундай бўлганини эслаб, хохолаб кулиб юборди. Витъка у мендан куляпти деб ўйлаб, қизариб кетди. Вера от минишни қандай ўрганганини айтиб берганда ҳаммалари хохолаб кулиб юборишиди.

— Ростингни айт-чи, Витъка, Сўнгкўл яйлови сенга ёқдими? — деб сўради Вера бу гўзал водийдан кўзини олмай.

Болалар, у нима жавоб бераркин, деб қизиқсиниб кутиб туришди. Витъка бир оз хаёл сурисидан турди-да:

— А, сенга-чи? — деб сўради опасидан.

— Мени қўявер, ахир, мен энди ўзимни шу ерликман десам ҳам бўлади. Сен гапир,— деб Вера Витъканинг бўйнига қўлини ташлади. Сўзга аралашмай, ўзларини бир четга олиб турган болалар, яна бу жой менга ёқмади деса-я, дейишиб ўзларича ҳар хил тахмин қилишди.

— Жуда яхши ер экан. Айниқса ҳавосини айтмайсанми, мен бундай жойни сира кўрган эмасман. Ҳамма ёқ кўм-кўк майса, гуллар ранг-баранг бўлиб очилиб ётибди. Ҳу анави кўл бўйига иморат солинса борми, жуда ажойиб дам оладиган жой бўларди-да, кўрмаяп-

санми, бир-икки кундаёқ юзимга қон югуриб қолди,— деди у чап қўли билан юзини силаркан.

— Бу ер жуда шифобахш жой,— деди Қари ғуур билан.

— Ҳалиги отни тағин бир миниб кўрсанг-чи. Яна беш-олти марта йиқилсанг ўрганасан-қўясан,— деди Вера, хохолаб кулиб.

— Ҳозир кўрасан, йиқилмасдан ҳам ўрганиб оламан. Қани, менга бир ёрдамлашиб юборинглар,— деди Витъка ва бойлоғлиқ турган отлар томон кетди.

Ақай ундан олдин югуриб бориб, бир отни ечди-да, Витъканинг ёнига етаклаб келди. Витъка болалар етиб келгунча чаққон отга ҳам миниб олди. Болалар ҳам бир-бир отга миниб олишиб янги ўртоқларига от мишишни ўргатмоқчи бўлишиди.

20. ОҒАЛАР АЙТДИ

Қурман яйловга келиши билан яйловда қанча комсомол ва пионерлар борлигини аниқлаб, уларнинг ишлари билан танишиб чиқди. Қарibек билан яйлов Советтининг ишига ёрдам бера бошлади.

Қарibек Қурманнинг чаққон йигит эканини илгаридан биларди. Кеча комсомолларни йигиб, қизил ўтовда йиғилиш ўтказди. Ёшларнинг бўш вақтларини кўнгилли ўтказишлари учун ўйин-томуша ҳам уюштирилди. Ёшлар кечқурун йиғилишиб ўйин-кулги қилишди, ашула айтишди. Қўбиз чалишиб, радиоприёмник эшитиб кетадиган бўлишди. Чорвачиларнинг қизил ўтовни яйловдаги маданият ўчғи дейишлари бечиз эмас эди.

Қурман пединститутни битириб келиб, икки йилдан бери район марказидаги ўрта мактабда илмий мудир бўлиб ишлайди. Ёзги каникул вақтида яйловга бориб комсомол, пионер ишларига ёрдамлашиб юбор; бир йўла ўзинг ҳам бир оз тўлишиб келасан, дебрайком комсомоли комсорг қилиб юборган эди. Ўзи ҳам бу ишидан жуда хурсанд эди. Яйловга келгандан бери анча соғайиб қолди. Иши оғир эмас. Кўпинча чорвачилар орасида бўлади. Қарibек билан бир уйда туришади.

Бўш вақтларида ёшларнинг ўйин-кулги кечаларига қатнашиб, Вера билан танца ҳам тушади. Китоб ўқий-

ман деса, ана қизил ўтов тўла китоб. Ишқилиб зерикмайди.

... Қарибек бир нарсадан ташвишда, стол ёнига ўтириб олиб қофозга алланималарни чизарди. У ручкасини стол устига қўйиб, секин ўрнидан турди-да, тароғини олиб сочини таради. Тўрдаги гулли кигиз устига солинган кўрпачада ёнбошлаб ётиб китоб ўқиётган Қурманга анчагача тикилиб қараб ўтириди.

— Менимча,— деди шиҳоят Қарибек,— агитаторларимиз етарли. Энди уларнинг ишига кўз-қулоқ бўлиб туришимиз керак. Почтальон сўраб колхоз раисига хат ёзиш керак. Газета, журналсиз иш битмайди. Кейин қизил ўтовга навбатчилар тайинлашимиз керак. Уларнинг рўйхатини тузиб чиқсанг дейман.

Қурман Қарібекнинг гапини маъқуллаб ўқтин-ўқтия бош қимирлатиб қўярди. Бирдан жавоб бергиси келмади. Унинг миясига бошқа бир фикр келди. Шу тўғрида маслаҳатлашиб олмоқчи бўлди.

— Хўш, сиз нима дейсиз,— деди Қарибек Қурманнинг индамай ўтирганини кўриб.

— Фикрингизга тўла қўшиламан,— деди Қурман мулойимлик билан.— Навбатчиларни кўпроқ ёшлардан тайинласак. Менда уларнинг рўйхати бор.

— Жуда соз. Рўйхатни илиб қўйиши керак.

— Сиз йўқ демасангиз, почтальонликка ҳам колхоздан одам сўраб ўтиrmай, пионер болалардан битта яримтасини тайинлаб қўя қолсак, хўш, нима дейсиз?

Қарібек Қурманинг бу таклифига қўшилгиси келмади. Болалардан ҳеч бирининг бекор, санқиб юрганини кўрганим йўқ, бу иш қўлидан келадиган болани излаб топгунча иш тўхтаб қолади, деб ўйлади ўзича.

— Менимча, сиз айтган болани бу ердан топиш осон эмас. Топилганда ҳам узоқ ердан газета-журнал, пакет, хат ташиб турish болага жуда оғирлик қиласди.

— Ҳалиги Жума билан Қеримқул айтган болаларни биласизми? Улар шу ерда юришибди. Почтальон бўладиган болаларни тайёрлаб қўйганман. Мен уларнинг ўзлари билан гаплашганман. Жуда пишиқ, чаққон болалар, почтальонликни бемалол эплашади. Улар ҳозир келишади. Ўзингиз гаплашиб кўринг,— деди Қурман таклифи ерда қолишидан қўрқандай шошиб-пишиб. Унинг муддаоси болаларга берган ёаъдаси устидан чиқиши эди. У, бу

ҳақда кеча Абдиласлар билан гаплашган. Қари, Ақай, Абдилас учови ҳам истак билдиришиб, бир-бирлари билан талашиб кетишган эди. Қурман, уларга ўзаро келишиб, эртага эрталаб жавобини берарсизлар деган эди.

— Бўлмаса, болалар келганда гаплашиб кўрармиз,— деди Қарипек ҳали ҳам Қурманинг таклифига қўшилгиси келмай.

Ҳадемай болалар ҳам етиб келишди. Улар кечадан бери маслаҳатлашиб, почтальонликка Қарини лойиқтопишиди. Унинг ота-онаси ҳам рози бўлишиди.

— Хўш, йигитлар, маслаҳатлашиб бўлгандирсизлар! Қани эшитайлик. Пионер ваъдасининг устидан чиқиши керак, шундай эмасми?— деди Қурман ва гапим ёлғон чиқиб Қарипекка уятли бўлмасам эди, дегандай, қатор тизилиб турган болаларга қаради.

Ақай, қани тезроқ гапир дегандай, ёнида турган Қарини тирсаги билан секин тутишиб қўйди. Қарипек, қани булардан нима гап чиқаркан дегандай улардан кўзини узмай, индамай тураверди. Абдилас ҳам, нега анграйиб турибсан, гапирсанг-чи дегандай, Қарига бир ўқрайиб қаради.

— Мен ишлайдиган бўлдим. Булар бошқа иш қилишади,— деди Қари, эштилар-эштилмас.

— Почтани кечиктирмай ўз вақтида етказиб тура оласанми? Почтани «Кенгаш» колхозидан олиб келасан. Ахир, бир кунлик йўл-а,— деб сўради Қарипек ишонмагандай.

— Ўз вақтида етказиб тураман. Яхши от олиб берсангиз бўлди,— деди Қари ишонч билан.

— Айтмадимми, оқсоқол, ёшларимиз ҳеч қачоп ишдан бош тортмайди, ўзи айтгандай, яхши от олиб берсак, қойил қиласди.— Кўнглидаги иш бўлганидан Қурман ўзида йўқ хурсанд эди.

— Бу учовига мактаб директори Керимқул билан колхоз раиси Жума бошқа вазифа топширишган. Айтмоқчи, тағин бир қиз ҳам бор.

— Қандай вазифа экан?— деб сўради Қарипек ҳайрон бўлиб.

— Мактаб дирекциясининг топшириги билан улар икки иш қилишлари керак:— Биринчидан, яловнинг географик шароити билан танишиш мақсадида экспурсия қилишади. Тури ўт ва гулларни қуритиб олишади. Иккинчидан, сигир фермасида ишлайдиган ота-оналарга

ёрдам беришади. Бузоқларни ёшлигига оталикка олишибди. Ўшаларни кузгача боқишга ёрдамлашамиз, деб ваъда беришибди. Ҳисоб-китоб ишларига ҳам қарашиб юборар экан. Кеча Батишнинг айтган гапини эшитмадингизми?

— Эшитганман. Қўлдан келганча бу йигитларга ёрдам бериш керак экан. Сен мактаб ишини мендан кўра кўпроқ биласан-ку, иложи бўлса ёрдамни сира аяма,— деди Қарибек Қурманга.

— Ҳа, қани ўзларингни бир кўрсатинглар-чи. Бўш вақтларингда газета-журнал ўқиб, кундалик янгиликлардан ота-оналарингизни ҳам хабардор қилиб туринглар!— деди у болаларга кулемсираб. Қўринишдан оғир, қаттиққўлга ўхшаган бу одам болаларга ҳам дарров ёқиб қолди. Болалар энди тортинимай дадил гапира бошлишди.

— Албатта ўқиб бериб турамиз. Қари газета-журналларни вақтида етказиб турса бўлди. Ҳамма гапимизни Қурман акага айтганмиз,— деди Абдилас манглайи-даги терни артар экан.

— Менга кўрсатган ўн беш кунлик иш планингиз жуда маъқул. Ҳа, айтмоқчи, Витъкани ёлғизлатиб қўйманглар, доим бирга юринглар. Шаҳарлик эмасми, ундан кўп нарсаларни ўрганиб оласизлар,— деб Қурман насиҳат қилди.

— Ўртоқ янги почтальон,— деди ҳазиллашиб Қаринбек,— қани, биз билан ҳозир бориб ўзингга бир от танлаб ол. Мен идорага хат ёзиб бераман. Йўқ дейишмас. Қилган ишингга меҳнат куни ҳам ёзишади. Колхоз ўзи ҳам, барибир, шу ишга бир одам тайинламоқчи эди. Сизлар ҳам ишлай беринглар. Бирон зарур ишингиз чиқиб қолса, тортинасадан бизга айтинглар. Яхши ишласанглар, Қурман иккаламиз райком комсомолтга сизларни мақтаб хат ёзиб берамиз. Ҳўпми,— деди болалар билан хайрлашар экан. Болалар ўзларида йўқ хурсанд бўлиб чиқиб кетишиди.

— Қўрдингми, ажойиб одамлар экан. Иккаласи ҳам бизга жуда яхши маслаҳат беришди. Айниқса яйловга Қурман аканинг келгани яхши бўлди-да. Қани энди бир ишлайлик, дўстим,— деб Ақай Абдиласнинг елкасига қоқиб қўйди.

— Бўлмасам-чи!— деди Абдилас кулемсираб.

Овулнинг рўпарасидаги кўринишда худди чўккан туяга ўхшаб чўзилиб, усти кўм-кўм майса билан қопланган тепага болалар бирин-кетин чиқиб кетяпти. Ойгул Витъка билан Абдиласнинг орқасидан кетяпти. Оқтош томондаги пастликдан уч бола келишиди. Икки тарафдан келишган болалар бир-бирлари билан учрашиб, катта кишилардай ҳол-аҳвол сўрашиди.

— Кўй фермасида сизлардан бошқа болалар йўқми? — деб сўради Ақай келган болалардан.

— Учовимиздан бошқа ҳеч ким йўқ. Яна беш-олтита бола бор эди, кичкина бўлганлари учун олиб келмадик, — деди малла бола. Үнинг юзи қорайиб кетган, кўзлари шўх боқарди, чети духоба опоқ қалпоғи ўзига жуда ярашиб турибди. Витъка бу хил қалпоқни биринчи марта кўргани учун узоқ қараб турди.

— Бўлти бўлмаса, — деди Абдилас кутулмаганда, — энди бирпас жим ўтиранглар, қиласидан ишларимиздан гаплашиб олсак.

Болалар кўк ўт устида давра қуриб ўтиришиди.

— Ўзимиз атиги уч-тўрт киши эканмиз, — деди Қари ёнидаги кўй фермасидан келган боланинг қулоғига шивирлаб. У бола ўгирилиб:

— Ҳа, айтгандай сени почтачи бўлди дейишганди-ку. Хат-газеталарни қачон олиб келасан? — деб сўради жиддий бир қиёфада.

— Эртадан бошлаб ишлайман. Ўзинг газетага ёзилганимисан?

— Бўлмаса-чи. Менга «Ёш ленинчи» билан «Қирғизистон пионери» олиб келиб турасан. Лайтмоқчи, биз билан экспурсияга бирга борасанми?

— Улгура олсан бораман. Ҳамма қилган ишларимизни бош вожатий Салий опага айтиб бераман. — Қари хизматидан мамнун эди. Боядан бери чуқур хаёлга чўмиб турган Роза:

— Ҳа, эсимда борида чўнталингга солиб қўй. Чўлпонга олиб бориб бер. Очма, — деб чўнталидан бир конверт олиб берди.

— Қари ака, мен ҳам пионер газетасига ёзишганман, вақтида етказиб турасиз-да, — деди Ойгул. — Кейин қишлоқдан қўғирмоч ола келинг, — деб қўшиб қўйди.

— Ҳўп, ҳўп, жоним билан, — деди Қари эркалаб.

— Мажлис бошлансин, деган таклиф бор,— деди Ақай овозини баланд қилиб, кейин сизлар нима дейсизлар, дегандай ўтирганларга бир қараб қўйди.

— Бошлансин!— деди ҳалиги болалардан бири.

Абдилас ўрнидан туриб ўртоқларига бир қараб кулиб қўйди. У мажлисларда, йиғилишларда кўп гапиравериб анча ўрганиб қолган эди. Шунинг учун кўнглидаги бор гапни сира тортинмасдан шартта-шартта гапириб қўя қоларди.

— Хўп,— деди у гапини давом этдириб.— Бу йиғилишимизни тоғдаги пионерларнинг қўшма йиғилиши ёки кенгаши деб атамизми? Йиғилишда қатнашувчилар бир звено пионерларидан ҳам кам бўлганидан, раис сайлаб ўтиրмасак ҳам бўлар. Ўтирганлар, тўғри дегандай, бошларини қимирлатиб қўйишди. Абдилас кўкрак чўнтағидаги кичик блокнотини олиб, унга бир оз тикилиб турди.

— Ўзингларга маълум, яйловга чиққан баъзи ўқувчиларга директор, вожатий опа анча топшириқ берган. Менга ҳам тайинлашган эди. Гапнинг қисқаси, олдимизда мана бундай вазифалар турибди: биринчи вазифамиз — оталикка олган бузоқларимизни, қўзиларимизни семиртириб, нобуд қилмасдан боқиш; буни ҳозир қиляпмиз. Бундан кейинги катта вазифамиз — ўлқамизнинг табиати билан танишиш, гербарий, коллекциялар йигиши, экскурсия қилиш. Бу ҳақда илгари ҳам гапирган эдим. Эртага экскурсияга чиқсан деган таклифим бор.

— Тўғри! Тўғри айтасан, айни вақти!— дейишиди ҳар томондан. Бу таклиф ҳаммага маъқул бўлди. Витъка жуда севиниб кетди. Қувонмасдан бўладими?! Витъка кўпдан бўён бу гўзал яйлов ерлари билан танишсам, деб юрарди. Шунинг учун у сира иккilanмай меҳмондўст ёш дўстлари билан бирга саёҳат қилгиси келди. Витъка қўлини кўтариб:

— Менда бир таклиф бор,— деди.

— Гапир,— деди Абдилас унга бурилиб. Қўй фермасидан келган болалар гапга аралашмай, бир чеккада жим ўтирган бегона меҳмоннинг уларнинг ишига қизиқиб қолганига ҳайрон бўлишиди. Витъка тортиниб-нетиб ўтирмасдан гапира кетди. Ҳамма, қани у нима деркин деб, гапига қулоқ солиб ўтиришди.

— Сизларнинг бу ишинглар жуда яхши,— деб сўзида давом этди у.— Агар узоқ ерга бориб тунасак, гулхан

ёқишимиз керак. Овқатни мұл қилиб олишимиз керак. Менинг фотоаппаратим бор. Бўлган жойларимизнинг ҳаммасини суратга оламиз. Мен ҳам сизларнинг бу чиройли ўлкангиз билан танишгим келади.— Витъка менга саволларинг йўқми дегандай, ўтирасдан тик тура берди.

Абдилас буни пайқаб, ўтири дегандай секин ишора қилди. Витъка яйловга келгандан бери қирғизчага анча тушуниб қолган. У опаси Вера билан ҳам қирғизча гаплашишга ҳаракат қиласди. Болаларга унинг таклифи жуда маъқул бўлди. Болалар янги дўстларидан жуда хурсанд бўлишди. Абдилас бу экскурсия плани яйлов комсорги Қурман билан бамаслаҳат тузилганини ўртоқларига айтди. Экскурсия плани билан ҳаммалари танишиб чиқишиди.

Ундан бир нусха кўчириб Қарига беришли, у старший вожатий Салийга олиб бориб бермоқчи бўлди. Уч жойга экскурсия қиласдиган бўлишди. Булар кўл бўйи, Ўйбулоқ, Еркатали деган жойлар эди. Кенгашда Ойгул ҳам қатнашди. Ичидаги улар билан бирга экскурсияга боргиси келди.

— Сен ҳам борасанми, опа?— деб сўради у Розадан. Роза кулимсираб:

— Йўқ,— деди у.— Мен кўлга борганим билан сузишни билмайман. Иккаламиз иккинчисига борамиз, ҳўпми? Булар келгунча биз мана бу тепаларда гултериб юрамиз. Бу ёқда бузоқлар ҳам бор-ку.

— Опажони, биз ҳам борайлик. Витъка ҳар хил суратлар оламиз... деяпти! Бормасак, иккаламиз расмга тушмай қоламиз,— деди Ойгул маъюс бир қиёфада.

— Эшитдингми Витъка?— деди Абдилас гапга аралашиб.— Мана булар хафа бўлишяпти-ку. Роза билан Ойгулни қўлларига гулдаста ушлатиб қўйиб, бузоқлари билан расмга оласан-да.

— Албатта оламан.

Ойгул кўна қолди. У Абдиласга:

— Қенжада билан Жағомни қучоқлаб туриб суратга тушаман,— деди кўзларини ўйнатиб.— Сиз ҳам Букелингизни ушлаб турасиз-да,— деб Розанинг ёнига суюниб олди.

Болалар эрталаб шу ерга тўпланадиган ва юкларини Ақайнинг ҳўқизига ортмоқчи бўлишди.

22. ЭКСКУРСИЯ

Ақай йўл билганидан юк ортилган ҳўкизни етаклаб олдинда борарди. Енгил-елпи кийинган болалар тез-тез юриб боришарди. Улар курсанд: дам қўшиқ айтишар, дам ҳазиллашар, дам у ёқ-бу ёқдан гаплашар эди.

Узоқдаги кўм-кўк денгиз жимиirlab кўзга ташланар, худди буларни ўзига чорлаётгандай бўлиб туюларди.

Витъканинг қалин зангори мовутдан тикилган спорт костюми ўзига қуиб қўйгандай эди.

— Жуда саёҳатбон кийим экан. Ўзи ҳам пишиқ, тикишни ҳам жуда боплабди,— деди юзи ёрилиб кетган малла бола Абдиласга қўли билан Витъкани кўрсатиб. Витъка елкасидаги фотоаппаратини олди-да, Ақайнинг олдида тўхтади.

— Расмга оласанми?— деб сўради Ақай камарини тузатаркан.

— Ҳамманг жой-жойингга, ҳозир суратингларни оламан,— деди Витъка, кейин фотоаппаратининг у ёқ-бу ёғини бурай бошлади. Болалар, қачон оларкин, дегандай бетоқат бўлиб Витъкадан кўзларини узмай қараб туришди.

— Ҳозир. Қимирламай туринглар. Кулиб туринглар. Ақай, бошигни ўнг томонга бур. Қани, менга қаранглар,— деб Витъка ўртоқларининг расмини олди.

Кун тепага келганда кўл бўйига етишди, елкаларидаги юк-пукларни қўйиб, бемалол овқатланиб олишиди. Кўл бўйига бориб атрофни томоша қилишиди.

Майнин шабадада кўлнинг юзи жимиirl-жимиirl қиласди. Ҳар жой-ҳар жойда тўп-тўп бўлиб сузиб юрган ғоз-ўрдаклар кўзга ташланарди. Кўл устида балиқчи қушлар учиб юришарди. Ҳар тарафдан кўк қўтон ва қалдирғочларнинг бир меёрда сайраши эшитилиб турарди.

Витъка яқинда «Советская Киргизия» газетасида «Сўнгкўл» деган қизиқ бир мақолани ўқиган эди. Шу эсига тушиб қолди. Қариялар ҳам «Сўнгкўл» эмас, бу руниги оти «Сўнункўл» (яъни «Сўлимкўл») бўлган дейиншади. Шунга асосланиб олимлар унинг асл номи «Сўнункўл» («Сўлимкўл») эканлигини аниқлашиди.

Мақолада «Сўнгкўлга» («Сўнункўлга») Ҳиндистондан, Африкадан, СССРнинг Қавказ ва жануб тарафларидан дунёда жуда кам учрайдиган қушлар учиб кела-

ди, деб ёзилган эди. Шундай қушлардан ўттиз-қирқаси-
нинг номи кўрсатилган эди.

— Аттанг, қайиқ бўлганда сузиб томоша қилар-
дик,— деди дум-думалоқ кичкина қора бола афсусла-
ниб, кейин кўлга сукланиб қараб турган Витъка билан
Абдиласга қайрилди.

— Ошиқма, дўстим,— деди Витъка кўлдан кўзини
узмай:— Ҳадемай моторли қайиқда сузадиган бўла-
миз. Бугина эмас, ҳу анави ерлар,— у кўл бўйидаги
овулни кўрсатди,— курорт бўлади, маза қилиб дам ола-
миз. Яқинда бир олимнинг газетада шу ҳақда мақоласи
босилди. Ўқимадингми? Кўкдаги парча-парча булатлар
аста-секин гарб томонга қараб сузиб кета бошлади.
Соҳилдан юз метрча узоқликда чўзинчоқ бир орол бор
эди. Болалар унга бемалол сузиб бориб келишарди.
Оролчани турли ўт-ўлан босиб кетган эди. Болалар ўт
оралаб юришиб, ўрдак, балиқчи қуш ва бошқа турли
қушларнинг бир неча тухумини топиб олишди. Жўжалари
эса, болаларга тутқич бермай сузиб кетишли.

* * *

Пешинда Қўқийқир деган тепаликдан ошиб, Уйбу-
лоққа етиб келишиди. Қўқийқирда фир-фир шамол эсиб
туради. Қишлоғлари қаттиқ бўрон бўлгани учун унга
чорвадорлар «Қўқийқир» («Хатарли қир») деб ном
қўйишган эмиш. Улар бир оз юришиб, юкларини бир
форнинг оғзига қўйишиди.

Абдилас, Витъка ва ҳалиги кичкина қора бола учов-
лашиб чуқур кавлашди, узун тайёқлар ўрнатишиб, усти-
га шолча ёпиб чодир қилишиди.

Ақай бошлиқ яна уч бола ровоҷ излаб кетишиди.
Ақай Уйбулоққа ҳар йили келиб турарди. Уйбулоқнинг
ровочи жуда қалин бўлиб ўсади, бунинг устига ўзи ҳам
кеч чиқади. Улар ўтин ҳам ола келгани чилвир олиб ке-
тишган эди.

Чодир битгандан кейин қора бола «энди менга қила-
диган иш қолмади» дегандек, ровоҷга кетган болалар-
нинг орқасидан кетди. Витъка анчагача фотоаппарати
билан овора бўлиб ўтириди. Чўнтағидан «кундалик даф-
тарчаси»ни олиб, унга нималарнидир ёза бошлади. Аб-
дилас ҳам кўрганларини дафтарига ёзиб борарди. Витъ-
ка бир оз ўйланиб ўтириди-да, дафтарига қўйидаги сўз-
ларни ёзиб қўйди:

— «Бу келишим жуда фойдали бўлди. Яйлов жуда гўзал жой бўларкан. Табиатини айтмайсанми?! Мен бундай ерни умримда ҳеч кўрган эмасман. Чорвачилар ҳаёти жуда қизиқ бўлар экан. Бугунги юришимиз жуда ҳам кўнгилли бўлди. Мен янги дўстларим билан саёхатга чиқдим. Овқат ва юкларимизни ҳўкизга ортиб олдик. Кўлга етиб келдик. Кинода кўрган Болтиқ деңгизидаги қушларни бу кўлда ўз кўзим билан кўрдим. Газетада босилган мақолада тасвир қилинган «Сўнункўл» мана кўз олдимда ястаниб ётибди. Унда айтилган ҳамма гаплар рост экан. Битта айби — кемаси ва кўл бўйида дам олиш уйлари йўқ экан. Дўстларим билан кўлда икки соатча чўмилдик. Мен уларни ҳар хил кўринишда суратга олдим. Улар мени жуда яхши кўришади. Бир қир ошиб Уйбулоқ деган ерга етиб келдик.

Бугун шу ерда тунаймиз. Кечқурун гулхан ёқамиз. Дўстларим ёмғир ёғади, дейишялти. Кечаси ёмғир ёғимаса бўларди. Ўзимиз қурган чодирдан чакка ўтиб кетармикин, деб қўрқяпмиз. Э, ёғса ёғавермайдими! Ёзги ёмғирнинг нимасидан қўрқади. Жуда бўлмаса форга кириб олармиз.— Эртага экскурсияга халақит бермаса бўлгани. 12 июль».

Қош қорайиб қолганда Ақайлар бир бойлам қуруқ ўтин, бир қўлтиқдан ровоҷ кўтариб келишди.

— Нима, экиб қўйган ровочинглаф борми, дейман,— деди Абдилас ҳазиллашиб.

— Бўлмаса-чи!— деди Ақай жилмайиб. Малла боља форнинг оғзига тош териб, гулхан ёқишига жой тайёрлади.

— Сўнгкўлнинг шуниси ёмон-да,— деди қора бола осмонга қараб.— Қаранглар, ҳалитдан томчилай бошлиди. Бир парча булат бўлса ҳам ёғади-да.— У бу гапларни қариялардан эшитган эди.

— Юринглар!— деди қора бола.— Юринглар, юкларимизни форга ташиб олайлик. Бўлмаса, тонг отгунча қалтираб чиқамиз.

Болалар дарров фор ичига кириб жойлашиб олиши. Ақай ҳўкизини яйдоқ арқонлаб қўйди.

Осмон бетини қора булат қоплаб олди, бирдан жана қуийб юборди. Теварак-атрофни қоронфилик босиб, қуёш инига яшириниб олди. Гоҳда момақалдироқ гумбурлаб чақмоқ чақилар, ҳамма ёқ ярқ-ярқ этиб кетарди.

Болалар тагларига шолча ёзиб, уст-бошларини кийиб олишиди. Ақай билан сариқ бола күтариб келишганинг гуруллатиб ёқишиди, тутун фор тепасига қараб ўрмаларди.

— Ана, гулхан ҳам тайёр. Энди гаплашиб ўтирамиз,— деди Витъка ёнбошлаб ётиб кўзи юмилиб бораётган Абдиласнинг тирсагидан туртиб уйғотаркан. Ақай тарелкадаги толқонни эҳтиётлаб сув қайнаб турган чўян чойнакка солди.

Қора бола хуржунидан сут қўйилган флягаларнинг биттасини олиб, қайнагандан кейин қўшамиз дегандай гулханинг ёнига қўйди. Хуржунинг иккинчи кўзини очиб, бўғирсоқ билан бир банка консерва олиб қўйди. Абдилас билан Витя бўлса гулханга ўтин ташлаб гаплашиб ўтиришарди...

Болалар овқатланиб бўлгандан кейин ҳам анча гаплашиб ўтиришиди. Улар гап билан овора бўлиб ёмғир тинганини ҳам, анча вақт бўлиб қолганини ҳам сезмай қолишиди.

* * *

Кечак кўп юриб чарчаганлари, бунинг устига гулхан атрофида анча маҳалгача гурунглашиб ўтириб кеч ётганлари учун эрталаб ўринларидан зўрга туришиди. Улар уйқудан тургандага қуёш анча кўтарилиб қолган эди.

Ҳаммаси аввал ич кийимида гимнастика қилишиди, кейин пастга, сув бўйига тушиб тиниқ, муздек сувга ювинишди. Ақайнинг таклифи билан болалар бугун икки группага бўлиниб саёҳат қиладиган бўлишиди.

Бир группа — Жерқайталгача бориб, отилиб чиқадиган булоқни кўриб келадиган бўлди. Иккинчи группа шу Ўйбулоқ атрофини томоша қиладиган бўлди. Кечқурун яна шу фор ёнида учрашадиган бўлишиди.

Ақай бошлиқ группа Жерқайталдаги қалин қарағайзордан ўтиб бир тошлоққа чиқишиди. Қарағайзордан ўтиб боришаётганларида олдиларидан уч буғу боласи чиқиб қолди. Буларни кўриши билан шартта орқаларига қочиб қолишиди.

— Аттанг, милтиқ олиб келсак бўлар экан,— деди ачиниб Витъка.

— Шу харсанг тошлардан пастга тушишимиз кепрак. Эҳтиёт бўлиб юринглар,— деди Ақай ва ўзи ҳам

бир-бир босиб пастга туша бошлади. Болалар қирралы тошларни ушлаб-ушлаб, эҳтиётлик билан юриб кичкинагина тепачага тушиб олишди.

Ақай болаларга қайрилиб қарамасдан чап тарафдаги қумлика югуриб борди-да:

— Бу ёққа келинглар. Худди ўзини топдим,— деб қичқириди, худди йўқотган нарсасини топиб олгандай севиниб.

Болалар югуриб боришиди. Ер остидан сув худди фонтандай ярим метрча баландликка отилиб чиқиб турарди. Болалар анчагача қараб туришиди. Баъзи бирлари сувдан ҳовучлаб ҳам ичишди.

— Мазаси йўқ-ку! Ўша ўзимизнинг сувимиз-ку!— деди малла бола тамшаниб.

— Кўриб қўйинглар, бу артезиан қудуғи. Кавказ, Крим тоғларидан бундан ҳам катта артезиан қудуқлари жуда кўп бўлади, дейишади. Сизлар ҳам ўқигандирсизлар?— деб сўради Витъка кулимсираб.

— Ҳа. Ўтган йили биз бешинчи синфда география дарсида ўқигандик-ку!— деди Абдилас Ақайга қараб.

— Тўғри, ер остида бир неча сув қатламлари бўлади. Тошлар орасида қисилиб қолган сув баъзида юмшокроқ қатламга дуч келиб қолса тик отилиб чиқади. Ўқитувчимиз бундай қудуқлар артезиан қудуғи дейилади, деб ўқитган эди.

— Ҳа, ҳа. Муаллим доскага расмини ҳам чизиб кўрсатган эди. Айтмоқчи, ўшанда муаллим мана шу қудуқни ҳам мисол қилиб келтирган эди-ку?

Ўқитувчилари галирган артезиан қудуғини ўз кўзлари билан кўришганига болалар жуда хурсанд бўлишиди. Бу ҳақда ўқитувчиларига албатта галириб беришни кўнгилларига туғиб қўйишиди.

— Бугина эмас,— деди Витъка мовий кўзини ўйнатиб.— Тоғ, кўл, атмосфера тўғрисида географияядан ўқиган кўп нарсаларни ҳам тоғларда кўрдим. Ишонмангаңлар, ҳаммасини исбот қилиб бераман.

Унинг оқиши юзига қизиллик югурди. Ўрта мактабни тамомлаб университетнинг геология-география факультетига кириб ўқисам, геолог-инженер бўлсам, кейин шу қирғиз тоғларини текширсам, деган ширин хаёл унинг кўнглидан чуқур жой олганди. Ўртоқлари ҳам унинг географияяга жуда қизиқишини дарров пайқаб қолишиди. Миясига келган фикрларини шу заҳоти

блокнотига ёзиб қўймоқчи бўлди-ю, кетмоқчи бўлиб турган ўртоқларини кўриб, ниятидан қайтди.

Форга яқинлашгандарида Қари уларга пешвоз чиқиб, салом берди, ўртоқларини кўриб қувониб кетди.— Мен бекорга келганим йўқ. Сизларга хат, газета олиб келдим,— деди у ғурур билан.— Мана, олинглар! У сумкасидан Абдиласга, Витъкага хат олиб берди, бошқаларга газеталарни улашиди. Ҳаммалари ўзларида йўқ хурсанд бўлиб, хат ва газеталарни ўқишига тушиди. Кўп янгиликлардан хабардор бўлишиди. Қари бўлса: «Менинг хизматим ҳам осон эмас-а» дегандай уларга фаҳр билан қараб турарди.

Абдилас сабрсизлик билан конвертни очиб хатни ўқиб бошлади:

«Қимматли Абдилас! Боргандан бери қилган ишларингни эшишиб, жуда хурсанд бўлдик. Саёҳат тўғрисида бериб юборган планинг менга жуда маъқул бўлди. Қурман билан маслаҳатлашиб турганинг жуда яхши. У билан маслаҳатлашиб тур. Сизларнинг ишингиз тўғрисида райкомга хат ёзиб юбордим, ҳеч бўш келмай ишлай беринглар. Берилган топшириқларни тўла бажаришга ҳаракат қилинглар. Синфдошларнинг Бубуш деган қизга ўртоқларинг билан Ашим ака ёрдам бериб, кузги имтиҳонга тайёрлашяпти. Пионерларнинг ҳаммаси ўти ўришда ёрдам беришяпти. Үзинглар ҳам яхшилаб дам олинглар. Ўртоқларингга мендан салом айтиб қўй. Опанг Салий».

Абдилас хатни ўқиб бўлгач:

— Раҳмат, дўстим!— деб Қарининг қўлини қаттиқ қисди, пешонасидаги терини артди. Абдилас, Салий опасидан беҳад хурсанд бўлди. Энди унга яхшилаб жавоб ёзиб юбориш керак, деб қўйди ўзича. У Салийнинг хатини болаларга ҳам ўқиб берди.

23. ЕР ЮТСИН УРУШНИ

Ҳар қайси овулдан беш-ўнтадан ёшлар тўп-тўп бўлишиб Бургансув томонга қараб кетишли. Уларнинг қувноқ ашуалари, шўх-шўх кулгилари эшитилиб турарди. Колхоз ёшларининг сайили баҳтли, эркин ҳаётнинг бир лавҳаси бўлиб дала ҳуснига ҳусн қўшиб турарди. Уларга қариялар ҳам, ёш болалар ҳам эргаш-

ган. Байрам кунларида бўладиган тантана ҳукм сурарди. Ойгул билан Роза эрта саҳарлаб тепалик бағрида гул териб юришибди. Ойгулнинг қучогидаги гулдаста қуёш нурида хилма-хил рангда товланарди. Бирдан Ойгулнинг кўзи йўлда кетаётган бир тўп одамларга тушиб қолди. У чопганича Розанинг олдига борди.

— Кўрмаяпсанми, опа, ҳамма одамлар Бургансувга кетишяпти. Томоша бўлса керак.

— Рост, бир нима борга ўхшайди,— деди Роза.— Балки артистлар келишгандир.

— Ҳа, ҳа, артистлар келишади дейишган эди. Юринг, опа, биз ҳам борамиз. Ашула эшитиб келамиз. Яхши-яхшиларини ўзимиз ҳам ўрганиб оламиз. Юринг, уларга етиб олайлик,— деб Ойгул Розани қўлидан торта бошлади. Улар тепадан тушиб келаётганда отлиқ Қарини кўриб қолишид. У қизларда бирор зарур иши бордай шошилиб келаётган эди.

— Тезроқ бўлинглар, югуринглар, бўлмаса ажойиб томошани кўролмай қоласизлар,— деб бақирди Қари узоқдан.

Ойгул бўлса ҳадеб шошилтиради.

— Ўзи нима гап, ростини айта қолсанг-чи?— деди Роза тутақиб. Қари одатича бир оз ҳазиллашиб тургиси келди-ю, лекин овулдагиларнинг, айниқса Батишнинг қизларни тез олиб кел, дегани эсига тушиб, боргапни айтиб қўя қолди:

— Қарibек билан Қурман ака Кўнгдайдаги овулларга одам юборибди. Қизил уйда бугун катта мажлис бўларкан. Райкомдан киши келибди, мажлисни ўзи ўтказар экан. Жуда муҳим масала кўрилармиш. Мажлисадан кейин Фрунзе артистлари концерт қўйиб беришармиш. Ҳаммани ўшанга йиғиб кетишиди. Овулла битта ҳам киши қолмади. Мени, сизларни олиб кел, деб юборишиди. Боядан бери қидириб юрибман.

— Ана, кўрдингизми, сал бўлмаса концерт кўролмай қоларканмиз-да,— деди Ойгул севинчи ичига сиғмай.

Қари Роза билан Ойгулни эгарга ўтқазиб, ўзи орқаларига мингashiб, Бургансувга қараб жўнаб кетишиди.

Қизил уй олдида майсада одамлар давра қуриб ўтиришарди. Катта ўтовнинг эшиги бир очилиб-бир

ёпилиб, яйлов активлари кириб-чиқиб туришибди. Ўтирганларнинг ўзаро гурунглашганлари, ёшларнинг шўх кулгиси қулоққа чалинарди. Баъзи бирорлар қа-чон бошлашаркин, дегандай ўтов эшигидан ичкарига қараб-қараб қўйишади.

Қари ўтовдан анча узоқда қизларни туширди-да, отини бойлади. Ойгул чопиб ўтов олдига борди-да, кўпчилик ицидан кўзи билан кимнидир қидира бошлади. Артистлар яшириниб ўтиришган бўлса керак, деб ўйлади у ўзича. Қизил ўтовдан икки йигит стол кўтариб чиқиб ўртага олиб келиб қўйишди, устига қизил алвон ёпишди.

— Қизиқ, артистлар йўқ-ку! Стол кўтариб чиқишигани нимаси, ахир, бу мажлис эмас-ку,— деди Ойгул ҳайрон бўлиб, кейин худди ёлғончи бўлиб қолгандай Розага ялт этиб қаради.

Бир четда уялинқираб ўтирган қораҷадан келган бир келин:

— Розажон, ҳув ануви қизларнинг олдига ўтиб ўтиранг-чи,— деб ўрнидан туриб йўл берди. Ўрнидан қимир этмай турган Ойгулнинг ҳам ҳалиги гапига жавоб бериб:— Артистлар ҳозир чиқишиади,— деди,— тайёрланишяпти. Ҳув ана ойинг ўтирибди, кўрдингми, сен ҳам ўша ёққа ўта қол.

— Ростми?— деб суради Ойгул ишонқирамай.

— Сенга ёлғон гапиравмидим, бор, бора қол. Бу ердан яхши кўролмайсан,— деди келин кулимсираб.

— И-е, шунаقا денг?— деб қичқириб юборди Ойгул қувонганидан, ўзи ҳам сезмай. Ўтирганлар унга қараб кулиб қўйишди. Баъзи бирорлар гап ташлади. Ойгул уларнинг гапига парво қилмай онасининг ёнига қараб кетди.

Шу пайт ўтовдан бир неча киши чиқиб, стол ёнига ўтирища бошлашди. Ойгул ҳайрон бўлиб:

— Ие, бу нимаси, артистлар ашула айтишиади дейишганди-ку,— деди опасининг қулоғига шивирлаб.

— Жим ўтириб, қулоқ сол, қизим,— деб онаси қизининг елкасига қўлини қўйди. Қарибек доклад учун рајком вакилига сўз берди. Ойгул, ойисидан яна бир нима сўрамоқчи бўлди-ю, лекин ҳамманинг докладчининг гапини берилиб тинглаб ўтирганини кўриб, индамай қўя қолди. Докладчи шошилмай, дона-дона қилиб

гапирап, унинг ҳар бир сўзи тингловчиларнинг юрак-юрагига бориб тегарди.

— Бу баҳтли, қувноқ ҳаётни бизга Совет давлати берди. Ўрушга ташналар бизнинг бу баҳтли турмушимизни кўра олмай, уруш оловини ёқмоқчи бўлишади, бироқ улар мақсадига ҳеч қачон етолмайди, чунки бутун дунёдаги юз миллионлаб соф кўнгилли кишилар бир тан-бир жон бўлиб тинчлик учун курашмоқда. Тинчлик тарафдорларининг ҳаракати кун сайн кенг қулоч ёзмоқда. Тинчлик — миллионлар овози, миллионлар умиди! Тинчлик тарафдорларининг бирлашган кучи — бизнинг ишонган төғимиз. Ўруш оловини ёқувчилар тинчлик кучи олдида ожиз.

Бизга урушниг кераги йўқ! Ҳар биримиз тинчлик тарафдоримиз. Ватанимизнинг тинчлик сиёсати халқимизнинг моддий ва маданий ҳаётини янада ўстиришга, янги, коммунизм биноларини қад кўтаришига қаратилган. Шунинг учун ҳам Бутун дунё тинчлик тарафдорлари Совет комитетининг чақириғига бир тан-бир жон бўлиб имзо чекайлик!

Докладдан кейин бир зум жимлик чўкди, кейин ғовур-ғувур бошланди.

Мункиллаб қолган, сочи қордай оппоқ бир кампир олдинга чиқиб энтикиб-энтикиб гапира бошлади.

— Ўруш дегани — қайfu дегани. Халқнинг бошига fam-fusса солмоқчи бўлган ҳаромиларга, болам айтгандай, дунёдаги ҳамма қариларининг қарғиши тессин. Ўруш мени уч боламдан жудо қилди. Ўруш бўлган ерда қирғин бўлади. Катта уйда мен икки кичкина неварарам билан қолдим. Тинчлик бор ерда хурсандчилик бор. Невараларим уруш кўрмасин дейман. Ўруш чиқараман деган аҳмоқлар, илоҳим, яхшилик кўрмасин. Мендайларнинг кўз ёшига қолсин. Мен умримнинг охирида тинч яшасам дейман. Тинчлик тарафдорларига қўшилиб қўл қўяман,— деб стол ёнида йиғилиб имзо чекаётганларнинг ёнига борди. Яна бир неча киши чиқиб гапирди. Гулдурос қарсаклар, чақириққа, янги ғалabalар билан жавоб берамиш! — деган хитоблар янгради.

Тўққиз-ўн ёшлар чамасидаги бир қиз чиқиб гапирганда Ойгул ундан кўзини узмай қараб турди. Унинг, уруш бўлмаганда мен дадамдан ажралмас эдим, деган сўзларини эшитиб, Ойгулнинг кўнгли бузилиб кетди.

«Мен ҳам дадамдан ажраб қолмас әдим. Йўқолсин уруш!»—деб пичирлади Ойгул. Бурма опа буни пайқамай қолди. Ҳамманинг қалби тинчлик учун кураш туйғуси билан тепар, ўз она-Ватанларининг тинчлик қўрғони эканлигидан кўнгиллари фахрланиш ҳисси билан тўлиб-тошарди.

* * *

Навбат артистларга келди. Улар ўз талантларини намойиш қилдилар. Диљни қитиқловчи, ажойиб рақсга тушдилар, киши кўнглиниң энг нозик торларини чертубчи, ёқимли, жўшқин лирик ашуалар айтишди, киши қалбини сеҳрловчи оҳанграбо кўйлар янгради. Одамлар уларнинг ҳар бир чиқишини зўр гулдурос қарсаклар билан кутуб олишар, яна такрорлашини талаб қилиб қий-чув кўтаришар эди.

Пешинда халқ кўрган-эшитганлари тўғрисида ўзаро гаплашиб аста-секин уй-уйларига тарқала бошлади.

* * *

Тўйнукдан тушиб турган ой шуъласи ўтов ичини ёритиб турарди. Ўтовнинг Бурма ётган томонидаги қизилга бўялган керагалари ой нурида худди устига кумуш хал берилгандай ялт-ялт қиласарди. Унинг тундек қоп-қора, қалин соч ўримлари оппоқ пар ёстиқ устида ёйилиб ётарди. Ойиси билан ёнма-ён гужанак бўлиб Ойгул ётарди. Унинг юпқа лаблари алланима деб пичирлар, ингичка қўлларини қимирлатар, баъзида эса тишларини ғижирлатиб қўярди. Ўқтин-ўқтин уйқусида чўчиб тушарди.

Ойгулнинг алаҳсираб гапиргани онасицинг қулогига кириб, уйғониб кетди. Уйқули кўзи билан қизини бошқа ёнига ётқизиб қўйди, юз-қўлларидан силади.

Лекин Ойгулнинг алаҳсираши босилмади.

— Сенга нима бўлди, қизим?— деб қизининг бошини тиззасига қўйди. Ойгул бўлса энтикиб-энтикиб: «Ер ют... син... Ер ютсин урушни»— деб шивирлади. Бурма опа гап нимадалигини дарҳол тушунди.

Унинг оналик меҳри жўш уриб, қизининг юз-қўлларидан ўпди, бағрига босиб эркалади, шу порасида қизининг кўнглига ҳам ғулгула соглан уруш оловини ёқувчиларга қарши қалби чексиз ғазаб ва нафрат ўти билан ёнди.

Роза Ойгулни эргаштириб олиб, овулдан сал наридаги тепаликларда ранг-баранг гуллар, сийрак учрайдиган ўсимликлар терди, уларни биология ўқитувчилари айтгандай қилиб қурилди. Унга Ойгул ёрдамлашиб турди. Розанинг ишларига қизиқиб, Абдилас атайлаб кўргани унинг уйига келди. Абдилас Розанинг ишлётгани устидан чиқиб қолди.

— Кел, Абдилас, менга қарашиб юборсанг-чи?— деди Роза кулимсираб, ерда сочилиб ётган гулларни тераркан.

— Вой-вой. Қуритиб ҳам олибсан-ку. Ойгулнинг айтгани рост экан-да,— деди Абдилас тўп-тўп қилиб қўйилган гулларни ушлаб кўраркан. У Розанинг қилган ишларига қойил қолиб, апчагача индамай гулларга қараб турди.

— Буларни бир-бирига аралаштириб бўлмайди,— деди Роза ҳар бир ўсимликни ўзи ясаган папкаларга соларкан.— Қўрдингми, бўлак-бўлак қўйилишининг сабаби бор. Бошқа-бошқа тепалардан терилган ўсимликларни бир-икки кунда қуритиб олиш осон эмас. Ўзим ҳам роса қийналдим. Муаллимнинг бултур дарсларда ясад кўрсатгани жуда фойда берди. Энди ўрганиб олдим.

Розанинг юзи севинчдан порлар, кўzlарида табасум ўйнарди, хўш, яхши қилибмайми, дегандек дўстига қараб-қараб қўярди.

Абдилас унга бажони-дил ёрдамлашди. Қуритилганига анча бўлган ўсимликларни аввал папкаларга солиб, кейин чамадонга жойлаштиришиди. Абдилас чамадондаги бир даста папкани кўриб:

— «Ўлкамизда қандай гуллар ўсади» деган гербарий ясаймиз-а?— деди Розага жилмайиб.

— Йўқ,— деди Роза мийиғида кулиб.— Ўлкамиз жуда катта. Бу «Сўнгкўлда қандай гуллар ўсади?» деган темадаги гербарий бўлади, билдингми? Энди узоқроқ ерлардан йиғишимиш керак. Янги ўқиш йилига янги совғалар билан борсак ёмон бўлмас.

— Жуда тўғри топдинг,— деди Абдилас бир оз ўйланиб тургач.— Менимча, фақат гул эмас, гиёҳлар, сийрак учрайдиган ўтлар ҳам йиғишимиш керак. «Сўнгкўлда ўсадиган гиёҳлар, сийрак учрайдиган ўтлар» деб

ган темада яна бир гербариј ясаб олиб кетайлик. Биз ҳам ёрдамлашамиз.

Абдилас бу фикримга қўшиларсан, деган умид билан Розага қаради. Роза «ҳа» дегандай бош қимирлатиб қўйди. Абдилас иккинчи саёҳатга Розанинг ҳам боришини эшитиб, жуда хурсанд бўлди. Қейин кўнгли тўқ бўлиб, тепалик этагида ўтлаб юрган бузоқларининг олдига кетди. Бузоқлари, келдингми, дегандай бошларини кўтариб Абдиласга қараб қолишиди.

— Ўтлай беринглар,— деди Абдилас Гулни елкасидан силаб, кейин сал нарида кичкина чуқурча ёнида ётган Тўлбошининг ёнига борди. Тўлбоши кўзларини катта-катта очиб, ялингандай Абдиласга қаради. Абдилас буни сезмади. У чўккалаб ўтириб бузогининг кичкина шохларини ушлаб кўрди, бошидан силади. Тўлбоши бўлса: «Менга тегма, бир оз ухлаб дам олай» дегандай зўрға бошини чайқаб қўйди.— Ухлай қол. Сенга халақит бермай қўя қолай,— деди Абдилас бузогининг тилига тушунгандай ва ўридан туриб нари кетди. Абдилас тепага чиқаверишда қопқондан суғур олаётган Ақайни кўриб қолди. Ақай, бу ёққа кел, дегандай қўл силтади. Иккаласи суғур терисини шилиб олишиб, қопқонни бошқа инга қўйишди.

— Ие, овчилик ҳам қўлингдан келаркан-ку?— деди Абдилас унга ҳазиллашиб.

— Қопқон қўйиш ҳам ов эканми? Бултур ўттизатача суғур тутиб, Заготживсириёга топшириб, анча мол олдим. Бу йил шу билан зўрға ўн икки суғур тутдим. Дадам йигирматача тутиби,— деди Ақай кулимсираб.

— Қопқоним йўқ-да, бўлса мен ҳам бир қўйиб кўрар эдим,— деди Абдилас.

— Дадамнинг тўртта қопқони бор. Биттасини сўраб олиб берайми? Бўш вақтларингда қўйиб, кетишингда ташлаб кетарсан.

— Қани энди, жуда соз бўларди-я,— деди Абдилас хурсанд бўлиб. У Охун отанинг йўқ демасини яхши биларди.

Абдилас Ақайнин бир оз ергача кузатиб қўйиб, кейин бузоқларининг олдига кетди. Тўлбоши ҳали ҳам ўрнида қимир этмай ётарди. Бошқалари ўйноқилаб ўтлаб юришибди. Абдилас ҳавотирланиб Тўлбошининг ёнига борди. Қараса, Тўлбоши олдинги чап оёғини олдинга чўзиб, бошини қўйи солганча мўлтираб ётарди.

Абдилас унинг оёғидаги шиши кўриб қўрқиб кетди Бармоқлари билан секин силаб кўрди. Оёғи ўт-олов бўлиб ёнарди. Оғриди шекилли, Тўлбоши оёғини тортиб олди.

— Қизиқ, нега шишди экан? Синган ёки чиққан бўлмасин тағин?— деб ташвишланди у. Абдилас Тўлбошининг сонига уриб-уриб қўли билан турғиза бошлади.

Тўлбоши шишган оёғини ерга босолмай, уч оёқлаб турди. Абдилас уни бир оз ерга ҳайдаб борган эди, оқсаб йиқилиб тушаёди. «Бир нарса чақдимикин?» деб атрофини айланиб қаради. Орқа томонидаги чуқурчанинг бир чеккаси сал ўпирилиб тушганини кўрди. «Э, чопиб келаётib чуқурчага йиқилиб тушган экан-да», деб ўйлади ўзича. «Шошма, синган бўлмасин!» деган фикр бошига келмасидан Тўлбоши яна ётиб олди.

— Аттанг!— деди Абдилас Тўлбошига қараб.— Шундай семириб қолгандинг-а!— Абдилас нима қилишини билмай анчагача унинг ёнида туриб қолди.— Охун отам билан Батиш опамга хабар берай,— деб овулга қараб чопди. Боланинг авзойини кўриб Охун ота билан Батиш иккаласи гап нимадалигини дарров тушунишди ва Абдиласни олдиларига солиб, моллар ўтлаб юрган жойга етиб келишди. Абдилас шиши бор дегани учун Батиш бир шишада марганцовка олиб олган эди. Борди-ю, синган бўлса, тахтакачлаб қўярман деб, Охун ота тахта билан кигиз ҳам олиб келган эди. Ҳадемай ойиси ҳам етиб келди.

— Ҳечқиси йўқ, сал лат ебди,— деди Охун ота Тўлбошининг оёғини ушлаб кўриб.— Марганцовка суркаб қўйиш керак.

— Хайрият-э, ўғлим бечоранинг юраги чиқиб кетибди-я,— деди Бурма опа севиниб.

Абдилас бузоқчини алоҳида жойда, бир ҳафтагача ҳеч қаёққа чиқармай, дори-дармон қилиб боқди. Тўлбоши ҳеч ўзгаргани, ҳатто озгани ҳам йўқ.

Абдилас бузогини икки марта мол докторига қаратиб, маслаҳат олди. Вақт толиб қопқонидан ҳам хабар олиб турди. Бузогининг оёғидаги шиши қайтгандан кейин ўтлоққа чиқарди. Абдиласнинг бу ишига Охун ота, Батиш, овулдаги одамлар қойил қолишлиди. Тўлбошини ўтлаб юрган молларга қўшиб юбориб Абдилас билан Ойгулнинг кўнгли ўрнига тушди.

— «Кўп қўзғалса кўл бўлур, кўл қўзғалса сел бўлур» деб, қариялар бекорга айтган эмас.— деди Охун ота.— Халқ қудрати зўр, у билан ўйнашиб бўлмайди. Кимда-ким бирорга чуқур қазиса, унга ўзи йиқилади.

— Рост, қонхўрлар халқни қириш учун ёқаётган оловда ўzlари қоврилади,— деди Батиш ҳам унинг гапини қувватлаб. Бир оз гурунглашиб ўтиришгандан кейин бирин-кетин тарқалиша бошлаши. Абдилас билан Қари ўқиб берган газеталарини йиғишириб қўйишиди. Иккаласи «Қизил Қирғизистон» газетасининг тўртинчи бетидаги халқаро обзорни ўқиб беришганди. Унда уруш оловини ёқувчиларниг босқинчилик планлари ошкора қилинган эди. Эндиги сафар «Тажрибали сигир соғувчи» деган очеркни ўқиб беришмоқчи бўлишиди. Улар энди ўринларидан туришган ҳам эди, Бургансув томондан уч отлиқ тўппа-тўғри булар томонга келаверди.

— Яйлов Советининг одамлари келишяпти. Абиш ака, бориб сигирларингга қара, бизнинг газета ўқиётганилигимизни улар қаёқдан билади, яна бекорга валдирашиб ўтирибди, деб ўйлашмасин,— деди Батиш ва шошиб-пишиб ўтовга кириб кетди. Сигир соғувчилар ҳам ўтовларини супуриб-сидириб қўйгани кетишиди.

Ойгул юрганича ўтлоқдаги бузоқларининг олдига кетди. Батиш отлиқларни қарши олиб, кўришди-да, ўтовга таклиф қилди. Болалар югуриб чиқиб отларининг тизгинидан ушлашиди.

— Ҳалиги айтган йигитларим шулар,— деди Қурман ёнидаги қотма йигитга болаларни кўрсатиб. У йигит бир кулимсираб қўйди.

— Отинг нима?— деб сўради Абдиласдан, паст бўйли,mallа йигит ўтовга кириб бораётган еридан орқасига қайтиб.

— Абдилас,— деди у уялинқираб.

— Сеники-чи?

— Ақай.

— Сеники-чи?

— Қари.

— Айни ўzlари! Ҳа, айтмоқ-чи, Роза, Ойгул деган қизлар ҳам шу овулда туришадими?— деб сўради Қурмандан, чўнтағидаги блокнотини оларкан.

— Бизнинг отимизни қаёқдан билиб олишибди, ни-
ма ишлари бор экан? — деб шивирлади Қари Абди-
ласнинг қулогига.

— Ҳа, қизлар ҳам шу овулда. Бузоқларини ўтла-
тиб юришган бўлса керак,— деди Батиш Қурмандан
бурун.

Меҳмонлар ўтовга кириб ўтириши, Батиш дастур-
хон ёзib, чойга ҳозирлик кўрди. Меҳмон йигитлар бо-
лаларни меҳрибонлик билан олдиларига чақириб, ён-
ларидан жой беришди.

Болалар меҳмонларнинг муомиласидан, уст-бошла-
ридан, ўзларини тутишларидан уларнинг шаҳардан ке-
лишганини дарров билиб олишган эди.

— Булар Фрунзедан келишганга ўхшайди,— деди
Ақай Қарининг қулогига. Ҳалиги қотмадан келган,
чиройли йигит болаларнинг ҳаммасига зимдан назар
солиб ўтирди. Қурман томоғини қириб бир йўталиб ол-
ди-да, болаларга меҳмонларни таништира кетди:

— Бу аканглар Фрунзедан командировкага кели-
шибди. Тўрда ўтирган акангларнинг фамилияси Жама-
нақов — «Қирғизистон пионери» газетасининг масъул
секретари,— деб қотма йигитни кўрсатди.— Бу аканг-
лар бўлса ўша газетада фотокорреспондент бўлиб иш-
лайди. Фамилияси Ийманов. Сизларнинг ишларинг
билан танишмоқчи бўлиб келишибди. Ана, энди ўзла-
ринг бир бошдан гапириб беринглар. Қандай ишлаёт-
ганликларингни ўzlари ҳам бориб кўришади.

Қурманинг кўзлари ўйнаб ёш дўстларига бир-бир
қараб олди. Қурманинг гапларидан болаларнинг боши
осмонга етди. Болаларнинг севинчи ичига сигмай, юз-
ларидан табассум аримасди.

— Ишимизни айтасизми? Унчалик арзийдиган иш
қилганимиз йўқ-ку,— деди Абдилас дудуқланиб. Тўғри
гапирдиммикин ишқилиб, деб ўзидан-ўзи хижолат бў-
лар, уялганидан икки кўзини ердан узмасди.

— Тортинмай, bemalol гапиравер. Биз ҳаммасини
биламиз, Қурман гапириб берди. Халқ сиз сингари ват-
танпарвар ўшлар билан фаҳрланади. Сизнинг ўт-олов
бўладиган вақtingиз. Ўткир, гайратли бўлишингиз ке-
рак,— деди Жаманақов, Абдиласнинг елкасига қоқиб
кўяркан.

— Азamatларимизнинг ишлари билан танишмоқчи
бўлсаларингиз, қани юринглар, уларнинг оталиқقا

олиб боқиб юрган бузоқларини бориб кўрайлик,— деди Батиш.— Қизларни ҳам ўша ердан топамиз. Бу йигит-қизларнинг қуритиб олган гулларини ҳам томоша қилинглар. Чорвачиларнинг болалари билан биргалашиб саёҳатга бормаган жойлари ҳам қолмади. Уни ўзлари гапириб беришади. Қолганини мана биз — Қурман иккаламиз айтиб берамиз.

Батиш қаерда бўлмасин, ҳеч нарсадан тап тортмай шартта-шартта гапириб қўя қоларди. Батишнинг гапи билан ўтлоққа қараб кетишиди. Ўтлоққа яқинлашганларида ҳаммалари отдан тушишиб пиёда кетишиди.

Гул териб юрган Роза билан Ойгул келган одамлардан тортиниб ҳам ўтиришмади.

— Хўш, катта қиз бўлиб юрибсизларми?— деди Жаманақов қизларнинг олдига бориб.

— Раҳмат,— деди Ойгул.

Меҳмонлар шаталоқ отиб ўйнаб юрган семиз, зотли бузоқларни кўздан кечиришди. Кўм-кўк майсага ёнбошлишиб, болалар билан узоқ сухбат қилишиди.

Болалар улар билан бирпасда апоқ-чапоқ бўлиб кетишиди, тортинмай, bemalol гаплашишиди. Витъканинг бугун кетиб қолганига ўкинишиди. Ҳа, майли, борганимизда ҳаммасини бирма-бир айтиб берамиз, деб Қурман ўртоқларини тинчтибиб қўйди. Ийманов болаларга, ҳозир сизларни бузоқларинг билан бирга суратга оламан, деди. Болалар хурсанд бўлиб, ўз бузоқларининг отини атаб чақира бошлишиди. Ойгулнинг бузоқлари унинг овозини эшитишлари билан дарров чопиб келишиди. Меҳмонлар кичкина қизчанинг бузоқларни ўзига шунчалик ўргатиб олганини кўриб ҳайрон қолишиди. Болалар ҳар хил кўрининида бир неча марта суратга тушишиди.

Роза ўзи қуритган ҳар хил тоғ гулларининг ўртасида туриб суратга тушди. Қарини эса Ақиши холанинг ўрлидан келган хатни унга ўқиб бераётганини суратга олишиди. Болалар бениҳоя хурсанд, суратларнинг қандай чиқишилиги тўғрисида ўзаро қизғин баҳслашарди. Жаманақов бўлса ён дафтарига алланималар ёзиш билан овора эди.

Ийманов Фрунзега борганидан кейин суратларни почта орқали ҳар бирига биттадан юборишга ваъда берди. Саёҳат маҳалида тушган суратларини Витъкадан олиб кетмоқчи бўлишиди.

олиб боқиб юрган бузоқларини бориб кўрайлиқ,— деди Батиш.— Қизларни ҳам ўша ердан тоғамиз. Бу йигит-қизларнинг қуритиб олган гулларини ҳам томоша қилинглар. Чорвачиларнинг болалари билан биргалашиб саёҳатга бормаган жойлари ҳам қолмади. Уни ўзлари гапириб беришади. Қолганини мана биз — Қурман иккаламиз айтиб берамиз.

Батиш қаерда бўлмасин, ҳеч нарсадан тап тортмай шартта-шартта гапириб қўя қоларди. Батишнинг гапи билан ўтлоққа қараб кетишиди. Ўтлоққа яқинлашганларида ҳаммалари отдан тушишиб пиёда кетишиди.

Гул териб юрган Роза билан Ойгул келган одамлардан тортиниб ҳам ўтиришмади.

— Хўш, катта қиз бўлиб юрибсизларми?— деди Жаманақов қизларнинг олдига бориб.

— Раҳмат,— деди Ойгул.

Меҳмонлар шаталоқ отиб ўйнаб юрган семиз, зотли бузоқларни кўздан кечиришди. Кўм-кўк майсага ёнбошлишиб, болалар билан узоқ сұхбат қилишиди.

Болалар улар билан бирпасда апоқ-чапоқ бўлиб кетишиди, тортинмай, bemalol гаплашишиди. Витъканинг бугун кетиб қолганига ўқинишиди. Ҳа, майли, борганимизда ҳаммасини бирма-бир айтиб берамиз, деб Қурман ўртоқларини тинчтиб қўйди. Ийманов болаларга, ҳозир сизларни бузоқларинг билан бирга суратга оламан, деди. Болалар хурсанд бўлиб, ўз бузоқларининг отини атаб чақира бошлишиди. Ойгулнинг бузоқлари унинг овозини эшитишлари билан дарров чопиб келишиди. Меҳмонлар кичкина қизчанинг бузоқларни ўзига шунчалик ўргатиб олганини кўриб ҳайрон қолишиди. Болалар ҳар хил кўринишда бир неча марта суратга тушишиди.

Роза ўзи қуритган ҳар хил тоғ гулларининг ўртасида туриб суратга тушди. Қарини эса Ақиши холанинг ўрлидан келган хатни унга ўқиб бераётганини суратга олишиди. Болалар бениҳоя хурсанд, суратларнинг қандай чиқишилиги тўғрисида ўзаро қизғин баҳслашарди. Жаманақов бўлса ён дафтарига алланималар ёзиш билан овора эди.

Ийманов Фрунзега борганидан кейин суратларни почта орқали ҳар бирига биттадан юборишга ваъда берди. Саёҳат маҳалида тушган суратларини Витъкадан олиб кетмоқчи бўлишди,

Болалар чин юракларидан миннатдорчиллик билдиришиб, газетачи акаларини узатиб қўйиши. Улар ҳам болаларга бундан кейинги ишларида янгидан-янги муваффақиятлар тиладилар. «Қирғизистон пионери» газетасига хабар ёзиб туринглар, деб тайинлаши.

Бу кўнгилли учрашув болаларни яна ҳам рағбатлантириди, уларнинг ёш қалбида ўчмас из қолдириб, ширин ҳис-туйғулар ўйғотди.

26. ҚУРА АИЛАНАСИДА

Қоронғи кечада, кўкдаги юлдузлар узоқ-узоқларда милтиллаб кўринган шаҳар чироқларидай жимир-жимир қиласарди.

Гўзал табиат қўйнида ўйнаб юришган қиз болалар табиат кўркига зеб бериб турарди. Уларнинг: «Кетди!.. Ушла!.. Кўлдан чиқарма!.. Қани, тез югур!..»— деб қичқиришган овозлари, қўнғироқдай шўх кулгилари салқин ёз кечасидаги булбулнинг чарх уриб сайрашини эслатарди.

Пойлоқчи итларнинг чўзиб-чўзиб ҳуриши, қўйчи-вонларнинг «айт-айт!» деб қичқиришлари қулоққа чалиниб турарди. Ўқтин-ўқтин милтиқ овози эшитилади.

Кечада тунда икки молхонага қашқир келибди, деган хабар бир зумда бутун огулга тарқалди. Чўтири, малла боланинг отаси саройни ремонт қилгани паст огулга кетганига анча бўлган. Онаси иккаласи кечаси билан мижжа қоқмай қўрани қўриқлаб чиқиши. Кечанинг тинч ўтганидан жуда хурсанд бўлиши. Қашқир келибди, мерганлар излаб кетишибди деган шум хабарни эшитиб онаси иккаласи ҳам қўрқиб кетишибди.

У кичкиналигидан ёзи билан далада ишлаб, юзини шўфа босиб кетганидан ота-онаси уни «Шўрам» деб чақиришарди.

— Кундузлари қўйни мен ўтлатай. Сен ўртоқла-рингдан кечалари хавфли бўлиб қолди, дадам келгунча бир-икки кун кечаси қўрани қўриқлашинглар, деб илтимос қилиб кўр. Хўп дейишса, әргаштириб кел,— деб ойиси Шўрани Абдиласларнинг ёнига юборди. Ойиси Ойим опа юраги кенг, хушмуомала, ўй-рўзгорга пишиқ аёл эди. Эри бирон жойга кетса, у йўқлигига

— Шундай қилинг. Бугун кечаси ҳам ухлаганингиз йўқ. Ўйин қизигунча мен ўзим қўриқлаб турман, ҳўпми, ойи, сиз ётиб дам олинг,— деди Шўра ойисига.

— Майли, яхшилаб қўриқлангар, яна ўйинга берилиб кетиб... Тун ҳам жуда ўйнайдиган бўлиб турибди. Ҳа, ҳа, мен қанча-қанча бундай ойдин кечаларни мижжа қоқмай ўтказганман. Боринглар, ҳув қўранинг ташқарисидаги дўнг тепага чиқиб ўйнанглар. Сизларнинг қий-чувинглардан қўрқиб бўри ҳам йўламас. Бора қолинглар, деб болаларни узатиб қўйди. Ақай, биринчи мен навбатчилик қиласман, деб Ойим опанинг ёнида қолди.

Ойим опа бир-бирларини қувлашиб чоциб кетишган болаларнинг орқасидан узоқ вақт қараб турди, кейин қўйларини оралаб, секин кетди.

Болалар иккига бўлинишиб «Оқ чўлмак» ўйнаши. Бир томонга Абдилас, иккинчи томонга Витъка бош бўлди. «Оқ чўлмак» түяning сутдай оппоқ, ялтироқ жағтиши эди. У қўлга яхши илиниши учун силлиқлаб текисланди. Чўлмакни олиб келган бола уни хоҳлаган томонига улоқтиради. Қолган ҳамма болалар оқ чўлмак ирғитилган томонга югуриб бориб, уни қидириб топишлари керак. Зарб билан улоқтирилган оқ чўлмак «энди мени топиб бўпсан» дегандай ўт орасида «яшириниб ётади».

Оқ чўлмакнинг орқасидан ўқдай қувиб келган икки тараф болалар зўр бериб уни қидира бошлашди. Чўлмак тушган жойни тўғри топган бола уни ола солиб маррага қараб чопди. У билан ёнма-ён югуриб кетаётган шериклари уни қўлма-қўл ўтказишиб маррага тезроқ олиб бориб ташлашга ҳаракат қилишди. Иккинчи тараф «чопқирлари» чўлмак ушлаган боланинг орқасидан қувлашиб, унинг қўлидан тортиб олиш пайдан бўлишади.

— Бу охирги ўйинимиз. Бор кучимизни ишга солишимиз керак. Бу сафар ҳам чўлмакни қўлимиздан бериб қўйсақ, ютқизиб қўямиз,— деди Абдилас шерикларига энтикиб, кейин оқ чўлмакни улоқтиromoқчи бўлиб турган Қарига қаради. Қари Витъка томонда эди.

— Сизлар ҳам бор кучларингни йиғинглар,— деди Витъка шошиб-пишиб ўз шерикларига.

— Есть, товарищ командир!— дейишиди болалар ҳазиллашиб. Қари олдинга икки-уч қадам ҳатлаб, ўнг

қўлини кучининг борича силкиди. Болалар уни оқ чўлмакни улоқтириди деб ўйлашиб ўша қўл силтаган томонга чопиб кетишди. Шу пайт Қари ўнг томонга шартта бурилиб чўлмакни улоқтириди. Қарининг ҳийласини фаҳмлаган болалар бекорга овора бўлганликларидан жаҳзилари чиқди, баъзилари ичидан Қаридан хифа бўлишди. Бошқалари яна чопиб кетишди.

Витъка унча чопогон бўлмаса ҳам жуда чаққон эди. Улар Абдилас иккаласи баравар етиб боришли. Болалар бошларини ердан кўтармай чўлмакни ахтаришга киришли. Кумушдай ялтираб ётган оқ чўлмакни Абдилас билан Витъка баравар кўриб қолишиди.

Абдилас эгилгунча бўлмай Витъка лип этиб чўлмакни ола қочди. Абдилас, ана кетди, Витъкани ушл...а, деб қичқирганча орқасидан чопди. «Тез ушла! Ақай, олдини тўс! Маррага тезроқ етиб ол! Қари, жонинг борми, олсанг-чи! Бўл, етиб қолди-ку!» деган қичқириқлар эшитилиб туарди. Абдилас Витъканинг енгидан ушламоқчи бўлиб энди қўл чўзганда, Қари олдидан кесиб чиқиб чўлмакни унинг қўлидан тортиб олди-ю, қушдай учиб кетди. Буни сезмай қолган Абдилас Витъка билан олиша кетди. Кейин қараса Қари аллақачон олиб кетибди. Абдиласнинг жуда жаҳзил чиқди. «Ҳой, мунча шалвирайсанлар, тезроқ югурсанглар-чи!» деб ўшқирди у. Қари маррага яқинлагандан чўлмакни секин билдирамай ёнма-ён югуриб келаётган шеригига тутқизди, у ҳамманинг Қарига ёпишишини пойлаб туриб, чўлмакни маррага олиб бориб ташлади. 20:18 ҳисоби билан Витъкалар ютиб чиқишиди.

Югуравериб роса чарчаган болалар момиқдай майса устига ўзларини таппа-таппа ташлашиб, яrim соатча дам олишиди. Улар яловнинг соф, мусаффо ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олишиди. Ўйқулари қочиб кетди. Ҳа, айтмоқчи, улар бугун ухламаймиз деб келишиб олишган эди. Ҳаммаси ўринларидан туриб тўппатўғри Ойим опанинг ёнига боришиди. У болаларга вақт яrim кечадан ошиб кетганлигини айтди.

Болалар қўрадан ташқарига чиқиб, яна «Думпулдоқ», «Тоқту сўрамай», «Элдек, элдек эл чопар»¹ деган жуда қизиқ ўйинлар ўйнашиди.

¹ «Дўмпулдоқ», «Тоқту сўрамай», «Элдек, элдек эл чопар»— қирғиз халқ ўйинлари.

Витъка тоғ болаларининг бу ажойиб ўйинларини кўриб жуда ҳайрон қолди. Витъка, ҳар бир жойнинг ўзига хос ўйинлари бўлар экан-да, деб ўйлади ичидаги. Шаҳарнинг асфальт-тош кўчаларида бу хил ўйинларни ўйнаб бўладими, ахир. Бу ўйинларни фақат кенг майсазордагина ўйнаш мумкин. Спорт майдонида болалар «Оқ чўлмак»ни ўйнаса бўлади. Лекин ойдин кечада футбол ёки волейбол ўйнаб бўлардими! Витъканинг хаёлини шу хил ўй-фикрлар чулғаб олганди.

Тонг отганда болалар ўйинни тўхтатиб, Ақайнинг таклифи билан бошқа қўралардаги чўпонларнинг олдинга ҳам бориб хабар олмоқчи бўлишди. Итдан қўрқамиз, бормаймиз, деганлар ҳам бўлди. Ойим опа болаларнинг бу таклифини маъқуллади.

— Бу ҳам бир саёҳат-да,— деб кулди Витъка.— Нима, борсак бораверамиз. Бир вақтлар, тунда ҳам саёҳат қилгандик, деб эслаб юрамиз.

Шўра болаларни Бектен отанинг қўрасига бошлаб кетди.

Тепаликка кўтарилишганларида қир бағрида ёилиб юрган қўйларнинг олдидан чиқиб қолишиди.

Болаларнинг қорасини кўриб қўйлар аввалига гур этиб бошқа томонга отилишди. Катта бир ит қўйлар атрофида айланиб «яқин йўламанглар» дегандай во-виллаб болаларнинг олдини тўсади. Шўра итнинг отини айтиб чақирди-да, ўзи болалардан нари кетди. Ит унга әргашганда болалар қўйларнинг ёнидан ўтиб, Бектен отанинг уйига кетишиди.

— Бу қўйлар қўйчивонсиз қандай ўтлаб юришибди?— деб сўради Қари ҳайрон бўлиб.

— Бектен ота тонг ёришди, деб ухлаб қолган бўлса керак. Юр, иккаламиз бориб уйготиб қўямиз. Бошқалар шу ерда қўй пойлаб туришсин. Ит вовиллагани билан кишига тегмайди,— деди Шўра, кейин қўйларнинг нима сабабдан қўйчивонсиз ўтлаб юрганини ту-шунтириб берди. Унинг қўй боқишини бошқалардан тузукроқ билиши кўриниб турарди. Унинг қўйлар, қўйчивонлик ҳақида завқ-шавқ билан гапириши, унинг бу ишни қанчалик яхши кўришлигидан далолат бериб турарди.

— Бўпти, лекин бизни узоқ кутдириб қўймаларинг. Нима бўлса ҳам тезроқ бориб хабар қилинглар,— деди Ақай.

— Агар ярим соатда келмасаларинг, қўйларни узоқ жойга ҳайдаб кетамиз,—деди Қари қўли билан узоқдаги бир бекани кўрсатиб.

Абдилас билан Шўра Бектен отанинг ўтовига қараб тез-тез юриб кетишиди. Ит бўлса Витъкаларга дарров ўрганиб қолди. У болаларнинг «ўғри» эмаслигини билди шекиллли, думини ликиллатиб уларнинг ёнидан кетмади.

Бектен ота қўранинг бир четида мильтигини қўлтиғига қисиб олганча данг қотиб ухлаб ётган экан. Болалар унинг тенасида бир оз индамай туришиди. Кейин Шўра чўккалас олиб: «Бектен ота, кўзингизни очинг! Қўйлар қани?» деб елкасидан туртиб уйгота бошлади. Бектен ота «аҳ» деб чўчиб тушди.

— Сизлар кимсизлар? Қўйлар қаерда дедингми?— деди Бектен ота энтикиб-энтикиб. У кўзини уқалай-уқалай ўрнидан иргиб турди. Олдида тизилиб туришган болаларни кўриб хижолат бўлди.

Бектен ота ҳувиллаб бўшаб қолган қўрасига бир оз қараб турди. Миясига, ишқилиб бир гап бўлмасайди, деган ваҳимали фикр келиб, кўнгли ғаш бўлди. Болалардан очигини сўрашга ботина олмади.

— Саҳарлаб қаёқдан келяпсизлар, болаларим,— деди у секин,— мени уйғотиб қўйганинглар жуда савоб иш бўлди-да...— Унинг изза бўлгани юзидан билиниб турарди.

— Қўйларингиз ёйилиб кетган экан, биз мана бу жарликка ҳайдаб келдик. Бир тўда болалар қўриқлаб туришибди,— деди Абдилас виқор билан.

— Умринглар узоқ бўлсин, айланайлар. Тонгга яқин кўзим илиниб кетибди. Худо ёрлақасин сизларни, айланайлар,— деб Бектен ота болаларнинг манглайидан ўпди.

Абдиласлар Бектен ота билан қўйиқ хайрлашиб, ўртоқларининг олдига кетишиди.

27. КУТИЛМАГАН СУЮНЧИ

— Ҳар нарсанинг ўз ҳусни бор.—деди Оҳун ота соқолини силаб.— Ҳаётимиз кундан-кунга яхшиланиб боряпти. Шукур, ҳамма нарса етарли. Қўл билан қилинадиган ишлар ҳаммаси энди машинада бажариляпти.

Яйлов ҳеч қачон ҳозиргидай сўлим бўлган эмас. Яйлов ҳозир баҳтиёр, эркин чорвачиларнинг бой макони бўлиб қолди. Болаларим, сизлар жуда ажойиб замонда яшапсизлар, егаңларинг олдингда, емаганларинг кетингда, ўқийман дессангиз, ана мактаб, истаган ҳунарни эгаллашингиз мумкин. Партия ва Ҳукуматимиз доимо ғамиргизни ейди. Сизлар ҳам шунга яраша яхши ўқицларинг керак, болаларим.

Унинг кулими сираған юзида баҳт нури порлаб турарди. Набиралари унинг кўзига энди қулф урган ниҳолларга ўҳшаб кўринарди.

Охун ота қаршисида унинг сўзларига диққат билан қулоқ солиб ўтирган болаларга меҳр тўла кўзлари билан қаради. Охун ота турмушининг баланд-пастини яхши биладиган, ишга астойдил киришадиган миришкор одам. Гапни ҳам, ўзи айтмоқчи, «ўрнига қўйиб, қотириб» гапиради. Бўш вақтларида катта-кичик демай ҳаммага бошидан кечиргандарини бажони-дил гапириб беради.

Бир-бирига гал бермай важир-вужур қилиб гаплашаётган хотинлар ҳам, Охун ота оғиз очиши билан жим бўлишиб, унинг гапига қулоқ солишарди.

— Охун отанинг бугун болалар билан суҳбатлашадиган куни экан,— деб Батиш Бурманинг қулогига секин шивирлади. Батиш йилки фермасидан икки санаҷ қимиз олдириб, бир қўзи сўйиб овулдагиларни меҳмон қиласётган эди.

Ҳаво очиқ бўлганидан эшикка, майса устига шолча солиб жой қилишди. Дастурхон ёзилиб, унга ноз-несьматлар тўкилди. Ҳамманинг олдига бир косадан қимиз қўйиб чиқилди. Охун ота қимиз қўйилган гулдор косани қўлига олиб:

— Қани, болалар, кўтаринглар!— деди ва ўзи бир шимиришда ичиб тамомлади-да, негадир, узоқ-узоқларга кўз тикиб, хаёлга чўмди.

— Бу чоли тушмагур биздай чоғида қандай бўлганин, деб ҳайрон бўлиб тургандирсан-а, ўғлим!— деди Охун ота бир оз жимликдан кейин. У ўзидан кўзини узмай турган Абдиласнинг шапкасини бошидан олиб, қўлида ушлаб турди-да, сўзида давом этди.— Сизлардай вақтимда Қожой деган бойнинг қўйларини боқардид. На кийимга ёлчирдим, на қорним тўйиб овқат ердим. Бошим калтакдан чиқмасди.— Охун ота оғир

бир хўрсиниб қўйди. У ўтмишни эслаб болаларнинг кўнглини бузиб нима қиласман, деб ўйлади шекилли, гапни шу билан тамом қилиб қўя қолди. Абдиласнинг шапкасини қўлида ўйнатиб жим ўтираверди. Унинг чап юзидағи бой қамчисининг зарбидан қолган чандиқ ҳам отанинг ўтмишда қандай мусибатли ҳаёт кечирганлигидан далолат бериб турарди.

Онда-сонда қимииздан хўплаб, Охун ота билан болаларнинг гапига қулоқ солиб ўтирган Абиш ота ҳам гапга аралашди. Абиш ота электр қуввати билан сигир соғиш, қўйнинг жунини қирқишидан гап очиб қолди.

Батиш ўз кўзи билан кўрганларини гапириб берди. Ундан кейин экскаватор, ўзи юрар комбайн, ер ҳайдайдиган, ўт ўрадиган машина тўғрисида ҳам гаплашишиди. Ўрни келганда — болалар ҳам пойтахтдаги янгиликлар, эшитган, кўрган, ўқиган нарсалари тўғрисида гапириб беришди.

Дастурхонни энди йиғишириб бўлишган ҳам эди, Қари от чоптириб келиб қолди.

— Хой бола, мунча чоптирмасанг, тинчликми ўзи? — деб сўради Абиш ташвишланиб, кейин унинг олдига югуриб борди. Ўтирганлар жойларидан туришиб, «нима хабар олиб келдийкин!» дегандай Қарини ўраб олишди.

— Тинчлик, тинчлик. Яхши хабар, ҳамманг суюнчи ни чўзаверинглар,— деди Қари отидан тушмай, юзидағи терини артаркан.

— Хайрият-эй! Яна бир гап бўлиб қолдимикин деб ҳаммамиз қўрқиб кетдик,— деди Абиш оғир хўрсиниб.

— Қани, кўп чўзмай, айта қолсанг-чи энди,— дейишди Ақай билан Абдилас отининг тизгинидан ушлаб.

— Аввал Роза учаланг мени отдан кўтариб тушириб қўясанлар. Ўйдатиларинг билан маслаҳатлашиб суюнчини ҳам тайёрлаб қўясанлар. Ана шундан кейин айтаман,— деди Қари гердайиб. Одамлар қандай хабар экан, деб ҳайрон бўлишарди.

— Майли розимиз. Суюнчинга бир коса сармой берайлик, отдан тушириб қўишига болаларнинг бўйи етмас, улар учун мана мен тушириб қўя қолай,— деди Охун ота ва Қарини шартта кўтариб олди. Болалар хохолаб кулиб юборишиди.

— Вой отахон-э, сал жим турсангиз бўларди, уларнинг кучини бир синаб кўрардик,— деди Қари ҳали

ҳам бўш келмай, қейин елкасидаги сумкасини тита бошлиди.

— Ҳой, сен бизни ким деб ўйлаяпсан, Ақай иккаламиз сени қушдай кўтариб олиб кўярдиг-у... Кел, кўп ноз қиласвермай, айта қолсанг-чи! — деди Абдилас хуноб бўлиб.

— Армиядаги йигитлардан хат келгандир-да! — дейиши Бурма билан Батиш.

— Бизларни қийнамай айта қолсанг-чи энди, айланай, — деди Батиш ҳам тоқати-тоқ бўлиб.

— Ҳозир айтаман, ҳамманга тегишли нарса. Курриб жуда хурсанд бўласизлар, — деди Қари ва сумкасидан бир даста газетани олиб биттадан улаштира бошлиди. — Газетани ўқиб бўлиб, суюнчини тайёрлай-веринглар, — деб қўшиб қўйди у. Газетада нима бор экан, дейишиб ҳар бири газетани кўздан кечира бошлишди.

— Ие, булар анув куни тушган суратларимиз-ку, — деди Ойгул ўзида йўқ хурсанд бўлиб. — Ҳаммадан ҳам менинг Кенжам билан Гулимга бир қаранглар, жуда яхши тушишибди-я! Роза опамни қаранг. Роза опамнинг, худди ўzlари-я! Акам бўлса худди подачининг ўзи-я. Ойгул газетадаги суратларни бирма-бир ойисига кўрсатарди.

Болалар бир-бирларига суратларини кўрсатишар, қизғин баҳслашар, кулишар эди. Уларнинг назарида ҳозир бу газетани Қирғизистоннинг ҳамма пионерлари ўқиётгандай бўларди. Ота-оналари ҳам беҳад хурсанд бўлиб, шундай ўғиллари борлигидан фахрландилар. Ўлар ҳам кўзларига ишонмагандай болаларга қараб-қараб қўйишарди. Ям-яшил майсазор ҳам, барқ уриб очилган чечаклар ҳам ҳозир уларнинг кўнглига севинч бағишлар, гўё бутун гўзал табиат уларни олқишилаётгандай бўларди.

«Қирғизистон пионери» газетасининг учинчи бети бошдан-оёқ шу болаларнинг яйловдаги ишига бағишлиган эди. Газетанинг шу бетидаги йирик-йирик ҳарфлар билан «Қаникул вақтидаги совғаларимиз» деб ёзилган сарлавҳа кўзга яққол ташланиб турарди. Унинг тагида суратлар, кичик-кичик мақолалар босилган. Кўпчилик хабар ва мақолалар тагига болаларнинг фамилиялари кўйилган. «Ёш ватанпарвар» деган мақолани ўқиб чиқишиб, Жаманақовнинг ёқимли сий-

мосини кўз олдиларига келтиришди, унга қайта-қайта раҳмат айтгилари келди. Ҳар бир сурат ёнидаги «Ийманов фотоси» деган сўзни ўқишиб фотограф акаларининг номини ҳурмат билан тилга олишди.

Болалар газетани бир неча бор ўқиб чиқиши, суратларға узоқ-узоқ тикилиб туришди.

— Кип-кичкина бўлиб Ойгулнинг яхши тушганини айтмайсизми, бузоқларининг чиройлилигини-чи. Ўғлинг бузоқларини ўтлатиб юрибди. Худди чўпоннинг ўзи-я, тавба! Энди, кеннойи, бир зиёфат қилиб бермасанг бўлмайди,— деди Батиш Бурмага ҳазиллашиб.

— Бўлмаса-чи. Ўғли бутун Қирғизистонга танилади-ю, зиёфат қилмайдими,— деди Батишнинг ёнида турган сигир соғувчилардан бири, унинг сўзини қувватлаб.

— Жуда баҳтли болаларсиз-да! Сизларнинг меҳнатингизни кўриб фақат биз хурсанд бўлдик десак, бутун Қирғиз элига маълум бўлбисизлар-ку!— деди Охун ота ва яна газетага тикилди.— Ие, Ақай, сени, суғур инига қопқон қўйётганингда олишганни дейман?

— Ҳа. Қопқон қўйяпганимда суратга олган эди,— деди Ақай кулимсираб.

— Қари, мана бу аёлнинг қаршисида қофоз ушлаб турган сенмисан? Худди почтачининг ўзисан-а? Мана бу аёл ким?— деб сўради Охун ота газетани қўзига яқин олиб бораркан.

— У Ақиши опам. Самақ акамдан келган хатни ўқиб бераётган эдим,— деди Қари фуурур билан.

— Бурма, болам, эртага йилқичилардан қимиз олдириб, Батиш айтгандай зиёфат қилиб бермасак булардан осонликча қутуолмайдиганга ўхшаймиз,— деди Охун ота кулиб.— Болалар сизлар ҳам ўртоқла ringingга хабар қилиб қўйинглар. Мана, қўзиси мендан.

— Хўп. Мен қўлимдан келганча тайёргарлик кўриб қўйман,— деди Бурма опа севиниб.

— Мен ҳам тўйга бир нарса қўшарман,— деди Абиш ота қўлига носвой шишиасини оларкан.

— Биз ҳам қуруқ қолмасмиз. Бундай пайтда четда туриб бўладими? Ҳаммамизнинг ҳам болаларимиз-ку,— деди сигир соғувчилардан яна биттаси. Қа-

ри сумкасидан битта катта конверт, учта кичикроқ конверт олиб, Абдиласга узатаркан:

— Мана бу каттаси Фрунзедан, Ийманов акадан келибди. Газетадаги суратлардан биттадан юборган бўлса керак... Жуда қалин. Ваъдасида турадиган одам. Мана бу учтаси табрик хатлари,— деди.— Энди бориб Витькани суюнтирай.

Қари айтгандай, катта конвертдагининг ҳаммаси сурат экан. Абдилас суратларни биттадан улашиб чиқди, ҳаммалари яна бир мартадан кўриб чиқишиди. Газетадагига қараганда аниқ, равшан олинган суратларни кўриб, кўнгиллари яна ҳам кўтарилиб кетди.

Хатлар Керимқул, Жума, Салийдан келган экан. Аввал Керимқулнинг хатини очиб ўқишиди. Хат қисқа ва маъноли қилиб ёзилган эди:

«Қимматли ёш ленинчилар: Абдилас, Роза, Ақай, Ойгул, Қари! Сизларнинг республикамиздаги ҳамма пионерларга ўриэк бўла оладиган самақрали меҳнатларинг мени, сизларни тарбиялаган педагогларни жуда хурсанд қилди. Сиз ўз ишингиз билан пионер номини яна ҳам юқори кўтардингиз. Сизларнинг бу ватанпарварлик ишингиз катта янгилик бўлди. Бундан кейин ҳам шундай қилингиз. Янги ўқув йилига ажойиб совғалар билан, яхши дам олиб келишингизни тилайман.

Акаларинг Керимқул».

Хатни улар зўр ҳаяжон билан ўқиб чиқишиди. Улар ўзларини ҳудди Керимқул акалари билан ёнма-ён туриб гаплашгандай ҳис этишиди.

— Директор мени ҳам ёзибди-ку. Эшитдингми, ойи,— деб Ойгул акасининг ёнига югуриб борди.

Салийнинг хати ҳам шу мазмунда эди.

— Қани, менга бер-чи,— деб Ақай Жуманинг хатини Абдиласнинг қўлидан олди. У сал шошди-ю, лекин дона-дона қилиб ўқиди:

— «Қимматли болаларим: Абдилас, Ақай, Қари, Роза, Ойгул! Сизларнинг колхозга, мактабга яқиндан ёрдам бериб катта ишлар қилаётганликларингизни эшитиб жуда хурсанд бўлдим. Бундан кейин ҳам ана шундай ёрдам бериб туришларинг-

га қаттиқ ишонаман. Оталарингни сизлардан тала-
би шу. Кўришгунимизча хайр, болаларим.

Жума».

Абдилас Қеримқулнинг хатига яна бир бор кўз юргуртиб чиқиб: «Сизларнинг бу ватанпарварлик иши-
нгиз катта янгилик бўлди. Бундан кейин ҳам шундай қилинглар»,— деб ўзича тақрорлади. Демак, яна ан-
ча иш қилишимиз керак экан. Бу, акамиз айтгандай,
ишнинг фақат бошланиши. Бу зўр қувонч уларнинг ёш қалбига қанот бераб, кўкларга парвоз қилдирди.

28. ХАЙРЛАШУВ

Яйловдаги ўтлар сарғайиб, бурунги яшил тусини йўқота бошлади. Ҳаво ҳам кундан-кунга айний бошла-
ди. Эрталаб ва кечқурун изғирин шамол эсиб, одам-
нинг бадани жунжикадиган бўлиб қолди. Кечалари чор-
вачилар қалин кийиниб оладиган бўлишди. Ўроққа ҳам
тўрт-беш кун қолган эди.

Август ойининг бошида ҳавонинг бундай бирдан ўзгариб қолиши чорвачиларни шошириб қўйгани йўқ.

Чорвачилар, бу йил куз яхши келса керак, деб юришарди. Подаларни яйловдан бу йил кечроқ олиб кетамиз, деб сира шошилмасдан молларини бемалол ўтлатиб юришаверди. Болалар яйловда яхши дам олиб, каникулни кўнгилдагидай ўтказган бўлса ҳам ўй-фирқлари қишлоқда бўлиб қолди, чунки йигим-терим вақти яқинлашиб қолган эди.

Данғиллама мактаб биноси, қуёш нурида олтиндай товланиб, денгиздай тўлқинланган бепоён буғдој дасаси, завқ-шавқ билан ишлаётган колхозчилар, гўзал колхоз манзаралари уларнинг сира кўз олдидан кетмасди.

Баъзи бирлари қишлоқка ўқиши бошланишидан беш-ён кун бурунроқ бориб, керакли китобларни тахт қилиб қўйиш ҳақида ўйларди.

Юқори синф ўқувчилари кундалик дафтарларига қиласидиган энг зарур ишларини ёзиб қўйиши. Улар «Езги каникулни қандай ўтказдим» деган мавзуда ўқитувчилар топширган баённи ёзишга тайёрланиб юришган эди.

Витъка уйидан хат олиб, кетаманга тушиб қолди. Хатда тезда қайт, ҳадемай мактабга борасан, уйда ҳам анча-мунча қиласиган ишларинг бор, деб ёзишган эди. Хатнинг қўлига кеч текканидан бир оз хафа бўлди.

— Э, бунақа бўлишини билганимда илгарироқ ҳаракат қиласр эдим. Икки-уч кунда жўнаб кетишим кепрак. Бу нарса Веранинг хаёлига ҳам келмаган эди. Дўстларим бўлса бутунлай бехабар. Улар, яна ўн беш-йигирма кунлардан кейин кетарсан, деб юришган эди. Уйдагилар бўлса жуда тез қайт деб ёзишибди,— деди Витъка ўзига ўзи кўнгли ғаш бўлиб.— Барибир индинга жўнаб кетаман, фақат Верадан сўрашим кепрак, аҳволни тушунтирам, дўстларим ҳам хафа бўлишмас. Тушунадиган, яхши болалар-ку. Барибир, хат ёзишиб турамиз. Шаҳарлик дўстларим ҳам мени соғинишиб қолгандир? Уларга кўрганларимнинг ҳаммаси ни айтиб бераман.

Шу хил ширин хаёллар билан Витъка эшикка қандай чиққанини билмай қолди. У бу хабарни бориб ўртоқларига айтмоқчи бўлди. Бироқ, кун кеч бўлиб қолганди. Агар борса қўниб қолиши турган гап. Бунинг устига Вера ҳам уйда эмас. Шунинг учун эрталаб бормоқчи бўлди.

Овулдан кеч қайтган Вера укасидан ҳалиги хабарни эшишиб ҳайрон қолди. Анчагача хатга тикилиб, индамасдан ўтириди.

— Бўпти,— деди у бир оз жимлиқдан кейин рўпарасида ўтирган укасига тикилиб.— Чоли-кампирни ҳам эсдан чиқармайлик. Уларнинг гапига қулоқ соилиш керак. Мен бу йил октябрь-ноябрь ойларида отпуска олиб бормоқчиман. Қачон жўнамоқчисан?

Витъка ота-онасини жуда соғинган эди.

— Хўп десанг, индинга кетаман,— деди Витъка ва опам нима деркин, дегандай унинг юзига тикилди. Вера, мен сенга йўқ дермидим дегандай, бир кулимсираб, укасини бағрига босиб, юзидан ўпди. Витъка шу қадар хурсанд эдики, ўзини худди ҳозир учиб кетмоқчи бўлган қушдек енгил ҳис этарди.

— Майли, мен розиман,— деди Вера.— Ҳамма нарсани тайёрлаб, индинга жўнасанг бўлади. Машинагача ўзим кузатиб қўяман. Эртага ўртоқларинг билан хайрлаши. Курман ака билан ҳам хайрлашиб кел. Мергенов

иккаласи чорвачилар ёнида қўёниб қолишиди. Эртага ке-
лишади. Менга ҳам ётиб қол дейишган эди, кўнмаган-
дим. Худди билиб келган эканман.

Витъка тез кунда жонажон шаҳрини, меҳрибон ота-
онасини, дўстларини кўриш ҳақидаги ширин хаёллар-
га берилиб кечаси алламаҳалгача ухлаёлмади. У эр-
талаб, Веранинг отига миниб ўртоқларининг ёнига
кетди. Яйлов манзаралари унинг кўзига яна ҳам гў-
зал, молларини ўтлатиб юрган оқ қалпоқли чўпон-
лар кўпдан бери таниш, энг қадрдан кишиларидан бў-
либ кўринди. У теварак-атрофга сўнгги марта назар
ташларкан, яйловда кўрган ҳар бир нарсани хотира-
сида абадий сақлаб қолишни истарди.

— Мен бу ерларни, бу ажойиб, меҳмондўст киши-
ларни сира ҳам унутмайман,— дерди Витъка ичидা. У
тўғри Абдиласнинг олдига борди. Ўридан энди тур-
ган Абдилас Витъканинг бир иш билан келганлигини
дарров сезди. Дўстининг кулиб боққан юзини кўриб,
севинчли хабар бўлса керак, деб ўйлади.

— Витъка, нега мунча эрта келдинг, нима гап?—
деб сўради Абдилас ўртоғининг қўлини қисиб кўри-
шаркан. Витъка кетишимни шартта айтсам бўлмас,
деб бир оз ўйланиб қолди.

— Ўзим, шундай... Ақай, Қари, Роза, Ойгулларни
йиғ, бир гап айтаман,— деди у зўрга.— Ўзимиз бора
қолайлик.

Абдилас, ҳаммамизни йиғиб айтмоқчидир-да, деб
бошқа қистамади.

Ҳаммаси тўпланишди. Нима хабар олиб келди
экан, деб дўстлари Витъкадан кўзини узишмасди.

— Қани, галир энди. Қулогимиз сенда,— деди Қа-
ри. Витъка гапни нимадан бошлишини билмай, анча-
гача миқ этмай турди.

— Нима дейишимни ҳам билмай турибман,— деди
у ниҳоят.— Бир иш чиқиб қолди, шунга маслаҳатга
келгандим, сизларни ҳам овора қилдим, кечирасизлар.

— Ҳечқиси йўқ, ўртоқлик шундай вақтда билина-
ди-да,— деди Ақай ўртоғини хижолатдан қутқазиш
учун.— Сира торгинма, юрагингдагини очиқ гапира-
вер.

— Озми-кўпми бирга ишладик, бирга ўйнаб-кулдик,
бир-биrimизга жуда ўрганиб қолувдик. Сизларга кат-
та раҳмат. Мен сизларнинг бу дўстлигингизни ҳеч

унутмайман. Сүнгүлда яна бир неча кун бўламан, деб юрган эдим, уйдан хат келиб қолди. Тез кел дейишибди, эртага жўнасам керак. Сизлар билан хайрлашай деб келган эдим...

Охирги гапини айтганда томоғига бир нарса тиқилгандай бўлди, мовий кўзларини катта очиб ўртоқларига термилиб қаради.

— Ростданми? Илгари ҳеч нима демагандинг-ку? — деди Абдилас ҳайрон бўлиб.

Ўртоқлари, нега мунча шошяпсан деб суруштириб кетишиди. Витъка ҳамма гапни тушунтириб берди. Ўртоқлари ноилож рози бўлишиб, ўринларидан туришди.

— Ҳа, майли, нима ҳам деймиз,— деди Ойгул ачишиб.— Ие, қуппа-қуруқ кузатиб бўладими? Ҳозир опамга бориб, Витъка акамга совға тайёрлатдираман.

Ойгул физиллаганича уйига кетди.

— Кичкина бўлса ҳам шунга ақли етганига қаранг,— деди Қари кулиб.— Бу ҳаммамизнинг ҳам ўйимизда бор. Қуруқ жўнатмаймиз.

— Бўлмаса-чи! — деди Абдилас, унинг гапини маъқуллаб.

Лекин ҳаммаси ҳам Витъканинг барвақт кетаётганига ич-ичидан ўкинишиди.

Витъка бўлса бу гаплардан хижолат бўлиб:

— Раҳмат. Менга ҳеч нарса керакмас,— деди сенин.— Хайрлашиб кетай деб келгандим. Бекорга овона бўлманглар. Сизларни ҳеч қачон унутмайман. Яхшиси адресимни ташлаб кетай. Хат ёзишиб турайлик.

Витъка бир варақ қоғозга адресини ёза бошлади.

Шу ўртада Бурма опа қўзи қорнига солинган учтўрт килограмм сариёф кўтариб келди.

— Акам иккаламизнинг совғамиз, Витъка ака,— деди Ойгул ойисининг қўлидаги сариёfn кўрсатиб.

— Витъкажон, Абдилас билан дўст бўлдинг. Биздан ота-онангга совға, ола қол, болам,— деди Бурма опа қўлидаги сариёfn Витъкага узатаркан.

— Раҳмат опа, лекин ҳеч нарса олмайман. Шундаям дўстмиз,— деди Витъка қўлинин кўксига қўйиб.

Қирғизларнинг урф-одатини сал-пал билса ҳам, совға олишга ҳеч қўли бормади. Бу орада бошқа ўртоқлари ҳам совға-салом олиб келгани уйларига кетишиди. Витъка Бурма опа, Абдилас ва Ойгулларнинг,

олмасанг хафа бўламиз, дегандек илтижо бўлиб боқ-
кан қўзларига қараб шаштидан қайтди:

— Хўп, майли, олсам ола қолай. Энди мен кетай,
майда-чўйда ишларим кўп. Совғантизни Абдиласлар
олиб боришар,— деб Бурма опани ишонтириди. Улар-
нинг совғасини олмай кетса, жуда хафа қилиб қўйиши-
га кўзи етди. Ўртоқлари биргаликда уни кузатиб қўйиш-
моқчи бўлишди. Витъка Бурма опанинг уйида ўртоқлари
 билан бирга овқатланиб, кейин йўлга отланди.

— Яхши бор, айланай. Ота-онангта биздан кўпдан-
кўп салом айт, ўзинг хат ёзиб тур,— деди Бурма опа
Витъканинг пешонасидан ўпиб.

— Сен энди жўнайвер. Эртага эрта билан бориб
кузатиб қўямиз,— дейиши ўртоқлари хайрлашишар
экан.

* * *

Бурма опа ўрнидан турганда тонг гира-шира ёри-
шиб келаётган эди. Ширин уйқу қучогида ётган ўғли-
ни секин туртиб уйғотди. Абдилас кеча ойисига эрта-
роқ уйғотиб қўй, дегани эсига тушиб, ўрнидан иргиб
турди. Шошиб-пишиб кийиниб эшикка югуриб чиқди,
мусафро тонг ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олди. Ат-
рофдан сигир соғаётган хотинларнинг ўзаро гаплаш-
ганлари, сутнинг челакка шиг-шиғ қуйилаётгани қу-
лоққа чалиниб турарди.

— Ҳаммамиз ҳам эрта турибмиз. Қани, жўнаймиз-
ми?— деди отига тўқум ураётган Қари Абдиласга.

Ҳозир жўнаймиз. Роза билан Ақай туришдимикин?

— Улар боя туришган.

— Ойгулни уйғатганимисан? У бормаса балога қо-
ламиза!

— Ҳозир кириб уйғотаман,— деб Абдилас энди уй
томонга юрган эди, Ойгулнинг ингичка овози эшитилди:

— Аллақачон турганман, кийиняпман,— деди-да,
ҳадемай уйқули қўзларини уқалай-уқалай югуриб чиқ-
ди.

Синглисининг зийраклигидан Абдилас жуда хурсанд
бўлди, кеча ойиси тайинлаган мойни олиб чиқиб, Ро-
занинг хуржунига солди-да, хуржуни Қарининг оти-
га юклиди. Отга Роза билан Ойгулни миндиришиб, ўз-
лари яёв кетишиди. Розанинг онаси, шаҳарликларга
тансиқ нарса-ку, деб бир челакка курт солиб берди.
Қари ҳам бир қўзи қорнига мой солиб олди.

— Совға-саломнинг ҳаммаси егуликка чиқиб кетмасин. Ота-онасига, ўртоқларига қирғиз дўстларимнинг совғаси деб кўрсатишга арзирли бирор нарса қилишимиз керак, ўғлим, белбогингни бойлатиб юбор,— деди Бурма опа Абдиласга.

* * *

Шарқдаги тоғларнинг чўққилари қуёш нуридан чўғдай қизарип, қуёшнинг ўзи эндигина чиқиб келаётганда болалар Витъка турган овулга етиб келишди.

Витъка ўртоқларининг қорасини узоқдан таниб, уларга пешвоз чиқди.

Хайрлашишинг қанчалик оғирлигини ҳар бир бола чуқур ҳис этар, бирга ўтказган қувноқ, ажойиб кунларини эслар, ўз дўстларини хурсанд қилиб жўнатишини истар эди.

Вера улар ўртасидаги самимий дўстликни кўриб жуда хурсанд бўлди. Бунга қувонмай бўладими?! Худди бир ота-онанинг боласидай бир-бирига шундай меҳрибон ва ғамхўр-а!

Вера укасининг ўртоқларини уйига олиб кириб меҳмон қилди.

— Сизларнинг тутув дўстлигингиз, баҳтли келажағингиз учун!— деди Вера қўлига қимиз қўйилган пиёллани кўтариб. Кичкина дўстлар бир-бирларининг пиёллаларини уриштириб қимизни ичиб юборишиди. Шу орада Қарибек билан Қурман ҳам етиб келишди. Витъканинг жўнаб кетмоқчи бўлганини билиб Қурман унга, менинг отимни миниб кета қол, деди. Вера Витъкани отда Жумғал совхозига кузатиб, у ердан машинага тушириб юбормоқчи бўлди. Отлиқ кишига учтўрт соатлик йўл.

— Агар йўқ демасаларинг, совхозгача мен ҳам бирга борарадим. Почтани индинга олиб келаман,— деди. Қари Қарибек билан Қурманга ялингансимон қараб.

— Майли, Вера опамга қайтишда салт отни етаклаб келиш оғирлик қиласди,— деди Ақай Қарининг ёнини олиб.

— Бўйти. Лекин шу бугундан қолмға келгилар — деди Қарибек.

— Бўймасам-чи, нима, қўниб қолармидик. Жумғалдан Рибачига қатнайдиган пассажир машина совхоздан худди соат бирларда ўтади. Унга албатта ул-



гурамиз. Витъкани машинага туширсак бўлди, орқамизга қайтаверамиз,— деди Вера уларни ишонтириб.

Болалар Витъкага совға-саломларини топширишиди. Витъка кеча бориб дўстлари билан хайрлашиб келганини опасига айтди, ўртоқларининг совға-саломидан ҳам гап очган эди, опаси ўзинг биласан, мен нима дердим, деди. Ўн икки литрлик банкага Вера тўрт литр ёғ қуйиб қўйган экан. Абдилас билан Қари олиб келган ёғни ҳам унинг устига қуишишган эди, банка тўлди.

— Лекин қурт чиндан ҳам биз шаҳарликларга жуда тансиқ, уни қандай қилинишини ҳам билишмайди. айтиб берсам ҳайрон қолишади-ку. Мен уни чамадонимга солиб ола қолай,— деди Витъка чамадонини очаркан.

— Юкинг оғирлик қилмасмикин?— деди Вера уласига ачингандай.

— Йўқ, нимаси оғир. Бошқа нарсаларни қолдирсан ҳам, ўртоқларимнинг совғаларини қолдирман,— деди Витъка.

Ҳамма нарсани жойлаб бўлишганларидан кейин Ақай белбоғини ечиб Витъканинг белига боғлади:

— Сенга қилган совғам шу. Боғлассанг боғларсан, боғламассанг бирор жойга илиб қўярсан.

Болалар, зап иш бўлдими дегандай хурсанд бўлишиб кўзларини улардан узмасди. Вера бўлса, шунча совға етади-ку, буни олмаса ҳам бўларди, деб ўйлаб укасига кўз қирини ташлади.

— Раҳмат, дўстим. Бу белбоғинг ўзингда қолсин. Бундай чиройли, қиммат баҳо белбоғларни отоқли қирғиз артистларининг боғлаб юрганини Фрунзеда кўрганман. Йўқ, буни сира ҳам олмайман,— деди Витъка белбоғни Ақайнинг елкасига соларкан.

— Витъка тўғри айтятпи, шундаям кўп совға қилингиз, раҳмат,— деди Вера миннатдорчилик билдириб.

— Дўстингнинг белига боғлаб юбор. Ҳар кўрганда бизни эслаб юради, деб дадам берганди,— деди Ақай.

— Охун отам сенга атаб қўйган экан, бизга ҳам тайинлаб юборди,— дейишиб ёнидаги ўртоқлари ҳам Ақайнинг сўзини тасдиқлашиб.

— Қария эмасми, Охун отам тоғликлардан бир эсдалик бўлсин деган-да. Олмаса хафа бўлади, Вера, ахир ўзинг бир ўйлаб кўр,— деди Қаривек,

— Бу бизда бир одат, олмаса хафа бўламиз,— деди Қурман ҳам. Вера нима дейишини билмай ўйланиб қолди.

— Охун отанинг ҳимматига раҳмат,— деди Вера бир оздан кейин.— Витъка шундай ҳам ўртоқларини сира эсидан чиқармайди.

— Сизлар билан бир умрга дўстман. Белбоғинг ўзингда қолсин,— деди Витъка Ақайнинг қўлини маҳкам қисиб. Ҳар қанча қисташса ҳам Витъка белбоғни олмади. Ўртоқлари илоҳи кўнишга мажбур бўлишидил. Вера чамадонини очиб, Витъканинг кечқурун тайёрлаб қўйган нарсаларини олиб берди.

— Менинг ҳам арзимаган совғаларим бор,— деди Витъка ва ўз қўли билан ўртоқларига совғасини улаштира бошлади. Олмасликнинг иложи бўлмади, чунки бу ишни бошлаган ўзлари эди. Витъка Розага ипак косинка берди. Вера ўзининг янги косинласини унга атаб олиб қўйган экан. Ойгулга янги пионер галстуғи, бир қути ҳар турли қалам берди. Абдиласга «Чин инсон қиссаси», Қарига «Полк ўғли», Ақайга «Оқ қайин» китобларини эсадалик қилиб ёзиб берди.

— Оз кўрмандлар. Ҳозир биз тарафларда ўрик-олмалар ғарқ пишган. Боришим билан посилка юбораман. Мана, хайрлашадиган вақт ҳам келди. Улар бир зум жим бўлиб қолишидил. Витъка уларнинг ҳар бири билан самимий хайрлашди, бир-бирларига сиҳат-саломатлик тилашди. Дўстлари отни йўртдириб кетган Витъканинг орқасидан анчагача қараб туришди.

29. КОМСОМОЛ УСТАВИ

Бекорчилик Қурманинг тез жонига тегарди. Бўш вақтларида қўлидан китоб тушмасди. У ҳеч бекор ўтиrolмайди. У майда-чуйда ишлар билан овора бўлиб вақтнинг қандай ўтганини сезмай қолди. Бугун ёлғиз эди. Қизил уйнинг тўридаги гиламга кўрлача ёзиб, ёнбошлиди-да, хотираларини ёзиб юрган блокнотини варақлади. Кўп нарсалар кўз ўнгидан бирма-бир ўтди.

— Кўрган-билганин ёзиб бориш яхши экан. Ёзмасанг улардан баъзиларигина эсингда қолмаса, кўпчилигини унитиб юборасан. Бир йил давомида ёзганингни ўқисанг шу бир йил ичидан қўлган ишларини кўз ўнгингда намоён бўлади,— деди у ўзига ўзи.

Кейин у блокнотининг иккинчи бўлимини очди. Унда ёшларга, айниқса комсомолларга бағишлаб ёзилган шеърлардан парчалар кўчирилган эди. Уйда ўзидан бошқа ҳеч ким йўқ, кимдан ҳам уялсин.., Ҳалиги шеърларни овозини чиқариб ўқий бошлади:

Кумуш каби ёшлик кез,
Мақтвига сўз етмас,
Комсомоллик пайтдир бу,
Тигдай ўткир, ўқдай тез.

* * *

Бахт бўлмас, бойлик бўлмас бундан зўр,
Менинг номим — тўрт орденли комсомол.
Учмайди ҳеч олтин ҳарфлар абадий,
Ленин бобо ўзи қўйган номдир шул.

Шуҳрат бўлмас, шараф бўлмас бундан зўр,
Менинг исмим — тўрт орденли комсомол.
Тинч кунларда, курашларда чиникиб,
Келажакка ўрнак бўлур бизнинг ўйл.

— Яхши ёзган,— леди Қурман шеър ўқишидан тўхтаб.— Шоир Ленин комсомолининг шонли ҳаёт йўлини тўғри тасвиirlаб берган. Номини ҳам «Тўрт орденли» деб жуда топиб қўйибди.

Қурман бир нарса эсига тушиб, стол устида ёйилиб ётган китоблар ёнидаги сумкасини қўлига олиб, ниманидир қидира бошлади. Районга борганида ВЛКСМ Уставидан бир нусха олиб сумкасига солиб қўйган эди, шуни ахтараётган эди. Комсомол тўғрисидаги шеърларни ўқиши билан Устав эсига тушди. Сингир фермасидаги болаларни Устав билан таништироқчи эди. Айрим жойларини тушунтиргандан кейин ўзлик-ўзларига бериб қўйсан ҳам бўлади, леган фикрга келди. Еттинчи синф ўқувчиларининг шу янги ўқув йилида комсомолга ўтамиз деганини ўз қулоғи билан эшитган эди. Улар жуда серғайрат, кўп ишларга актив қатнашган болалар. Ўқишилар ҳам яхши. Одобли, ўзларидан каттани ҳурмат қилишади. Ленин комсомолининг юксак номини, темирдай интизомини кўз қорашибидай сақлаш қўлларидан келади. Қурман болаларнинг ҳаммасини бир-бир кўз олдидан ўтказди. Керак бўлса тавсия қилишини ҳам ўйлаб қўйди. Мактаб комсомол комитетининг секретарига тайинлаб қўйиши, раёном бюросида ёқлаб чиқиши ҳам шубҳасиз.

Сўнгкўл бўйидаги ўт-ўланлар сарғайиб, кунлар ҳам анча совиб қолди. Ўтлоқдаги сигирларнинг сути ҳам анча камайиб қолди. Ҳар йили бу маҳалда сигирлар яйловдан ҳайдаб кетиларди... Батиш, яйлов парторгидан рухсат олмай ўзбошимчалик қилиб кетсан яхши бўлмас, деб яйловда бундан буён қолишининг иложи йўқлигини билса ҳам, индамай юраверди. Қачон кўчамиз, деб келган сигир соғувчи аёлларга, бир-икки кун сабр қилинглар, хабар келиб қолар, деб жавоб қилди. Иккинчи куни Батишнинг ўтовига Охун ота кириб келди. Охун ота бир нарсадан аччиғлангандай:

— Батиш, болам, бу ишларинг чакки,— деди бўғиқ овозда.— Бултургидан бугун роса тўрт кун ўтиб кетди. Сигирлар энди пастликнинг илиқ кунлари, ширали ўтларини соғиниб қолди. Ҳозир уларнинг энг кўп сут берадиган вақти. Бир жиҳатдан, сигир соғувчиларга ҳам жавор бўлди. Бўлмаса, парторгларинг ўзи келармиди? Бориб гаплашиб кел, болам. Мен унгача пастга тушиб хабар олиб келай.

Батиш Охун ота билан ади-бади айтишиб ўтиришни ўзига эп кўрмади. Нега десангиз, бир жиҳатдан кексалигини сийласа, иккинчидан, фермадаги ҳамма одамлар ҳам шу фикрда эди. Агар Батиш «хабар келиб қоллар» деб жавоб қилса, Охун отанинг парторгга ўзи учраши турган гап эди.

— Хўп, отахон. Мен ҳозир бориб келаман. Сиз пастдан хабар олиб, жой-пойларни тўгрилаб туринг,— деди Батиш Охун отани тинчитиб.

— Шундай қилгин, болам. Молга ҳам увол бўлмасин. Сўнгкўлингни сигир бундан нари ёқтирмайди. Ўтлоқдаги сигир совуқда яхши сут бермай қўяди. Бир неча кундан кейин қўйлар ҳам пастга тушади. Йилқилар бўлса қишини ҳам шу ерда ўтказишиади. Йилқи жониворга сарғайган ўт арпадай ёқади. Парторгга яхшилаб тушунтир, бекорга сигирларни соғиндан қолдириб ўтирмасин. Эрта-индиндан қолмай кўчайлик.

Охун ота ҳамма айбни Батиш билан парторгга қўйди. Батиш жўнаб кетгандан кейин, Охун ота сигир соғувчиларнинг олдига бориб, тайёрланиб туринглар, ёрта-индин кўчамиз, деди.

Кун нақ тепага келганда Батиш қайтиб келди.

Овулдагилар, нима хабар олиб келдийкин, деб унинг уйига тўпланишди.

— Кўчадиган бўлдик. Илгарироқ хабар олсак бўларкан. Айб менда, Охун ота келса гаплашиб, эртага ёқ қишлоққа тушиб кетамиз,— деди Батиш ва сигир соғувчиларниг талабини бажо келтирганидан ўзини енгил ҳис этди. Яйловдагилар эртага кўчадиган бўлишиб, кўчларини тайёрлашга киришди.

Охун ота қишлоққа қош қорайганда кириб келди, Батишдан кўчиш хабарини эшишиб кўнгли анча ўрнига тушди. Бундай пайтда Охун отанинг йўқотган нарсасини топгандай ўзида йўқ севиниб, очилиб-ёзилиб кетишини ҳамқишлоқлари яхши билишарди.

— Мен бугун жой қидириб, кўп ерларни айланиб келдим,— деди Охун ота кулиб.— Қашқа кўк отим ҳам йўрғалади-турди.— У отини мақтаб кетди.— Тулғатошдаги қўнишни кўриб келдим. Сигирларимиз маза қилиб ўтгайдиган ер. Икки ҳафтага бемалол етади. Сойдан икки қулоқ сув оқиб турибди. Болаларнинг ҳам жони киради. Қари мен билан бирга эди, кейин ўз иши билан кетди. Эртага почтани олиб келишимда кўчни шу қўнишда кутиб оламан, деди. Қорағайлибулоқ атрофидаги қарагатнинг меваси эзилиб пишиб ётибди. Ҳосилининг кўплигидан шохлари эгилиб ерга тегай-тегай дейди.— Охун ота ёнида ўтирган ўғлига бир жилмайиб қўйди. Батиш Охун отанинг танлаб келган янги қўнишини маъқул кўрди.

* * *

Сигир соғувчилар ҳар кунгидан барвақт туриб, сигирларини соғиб олишди, чунки бузоқларини ҳам ҳайдаб кетмоқчи бўлишди. Овулдагилар ўтов боғларини еча бошлишди, Абиш ота билан Абдилас, Ақайлар сигирларни эрталаб ҳовлидан янги ўтлоққа ҳайдаб чиқаришди. Охун ота кўчни саранжом-саришта қилишни ўз зиммасига олди. Бузоқлар оналари билан бирга кетаётганларига суюнишгандай думларини ликонглатиб ўйнашар эди. Улар гўё:

— Хайр, Сўнгкўл!— деб хайрлашаётгандай бирин-кетин маърашарди. Ақай билан Абдилас ҳар тарафга ёйилиб бетартиб бораётган сигирларни ҳайдаб боришди. Абиш ота уларга кўз-қулоқ бўлиб борди,

Эркин ўтлаб юришга ўрганган сигирлар ҳадеганда уларга бош бермади. Тоштепадан ўтишлари билан сигирлар сўна теккандай думларини хода қилиб, бир-бирларини қувиб кетишиди.

— Тўсинглар, айланайлар! Бошқа ёққа бурилиб кетишмасин,— деб қичқирди Абиш ота болаларга.

Ақай билан Абдилас югурга-югурга сигирларни бир жойга йифишиди. Бир ўтлаб юрса, бошқаси чарчагандай ётиб олганди.

Пешинда Тулғатошга етишиб, сигирларни ёйиб юборишиди.

— Сигирларга мен қараб тураман. Сизлар бориб қарагат териб енглар,— деди Абиш ота болаларга.

Ақай Абдиласни ёнига олиб Қарағайлибулоққа олиб борадиган пастликка тушиб кетди. Абдилас қарагат еб юргани билан, унинг қаерда ўсишини кўзи билан кўрмаган эди. Юзини йўсин босган харсанг тошлар орасида чирмовиқдай ўсиб, шохлаб кетган қарагатлар жарликка зеб бериб турарди. Жарликдаги қоя тошларнинг катталиги худди сандиқдай келарди. Болалар жарликнинг ичкарисига кириб боришиди. Қизлар тақадиган мунҷоқдай думдумалоқ бўлиб ялтираб пишиб ётган рябина, ёввойи қарагат, итбурунларни кўриб, Абдилас ҳайрон бўлиб улардан кўзини узолмай қолди.

— Мана етдик!— деди Ақай суюниб. Улар қарагатзорни оралаб кетишиди. Абдилас, секин билдирамасдан қарагатни новдаси билан синдириб олиб, уч-тўртасини оғзига солди. Эзилиб пишган қарагат оғзизда эриб кетди. Улар кўч келиб тушганда ҳаммани шу мева билан меҳмон қилмоқчи бўлишиди.

— Ҳаммадан ҳам Ойгул жуда суюнади-да,— деди Абдилас Ақайга қараб.

— Жуда яхши кўради. Қани тез-тез тер,— деди Ақай Абдиласга.

Шу пайт бирдан тепа орқасидан ҳуштак овози эшитилди. Абдилас билан Ақай ҳайрон бўлишиб ён-атрофларига аланглашди.

— Бу тўтига ўхшаган қуш бўлса керак. Одамга ўхшаб ҳуштак чалади, қулунга ўхшаб кишинайди, деб эшитганман. Бўл тезроқ, чўнтакларингни тўлдир. Қайтиб бориб кўч келишини кутиб турайлик,— деди Ақай ва ҳеч нарсадан ҳайиқмай қарагат тераверди.

Абдилас бўлса бир сесканиб тушди-ю, лекин яна ўзини тутиб олди.

Кари ваъдасининг устидан чиқиб янги жойга етиб келди. Отасига учраб, бўлган ҳамма гапни эшитди. Ичидаги болаларни бир қўрқитар эканман, деди-да, олиб келган почтасини шу ерда қолдириб, ўзи чакалакзор оралаб кетиб, болалардан яшириниб турди. Икки марта ҳуштак чалди, болалар индамагач, ёнидаги катта тошни пастга ағдариб юборди. Тош Абдилас билан Ақайнинг ёнидан гулдираб пастга тушиб кетди.

— Қоч! Бу нимаси? Э кийик ағдариб юбордимикин? — деди Абдилас қўрқиб ҳам ҳайрон бўлиб, у салнарига қочиб бориб турди.

— Ҳечқиси йўқ, тоғ-тошлик ерда тош қулаб тушаверди, — деб Ақай ўрнидан қўзгалгани ҳам йўқ. Абдилас, у мени қўрқоқ экан деб ўйламасин, дегандай қайтиб ҳалиги қарагат териб турган жойига борди. Қари бекиниб ётган жойидан яна худди Ақайга қараб тош иргитди. Тош Ақайнинг худди оёғи остига тушди.

— Вой... Ҳой!.. Ростдан ҳам бизни бирор пойлаб юрибди шекилли! Юр, очиқ жойига чиқайлик. Қўлинингга тош олиб ол, — деди Ақай шошиб-пишиб, қўлига тош оларкан. Абдилас ҳам икки қўлига тош олиб, ён-атрофига аланглади.

— Уришмоқчи бўлсанглар, қани яқин келинглар! — Юқоридаги бир тепачадан Қарининг гавдаси кўринди. У қотиб-қотиб куларди. Абдилас билан Ақай қўрқанликларини билдирамаслик учун қўлларидағи тошларни секин ерга ташлашиб, ҳеч нарса бўлмагандай бемалол чиқиб боришиди.

— Вой, сенмисан, жин урдими сени, нега мунча куласан? Нима, бизни қўрқитмоқчимидинг?! Сендан ким қўрқарди, биз сен ўйлаган қўрқоқлардан эмасмиз!

Абдилас билан Ақай Қарининг ёнига бориб ўтиришиди. Сир бой бермаслика ҳар қанча уринишса ҳам, қўрқанлари юзларидан кўриниб турарди. Қари ҳаммасини кўриб турган бўлса ҳам ўртоқларини уялтирумай деб, «Ҳа, довюрак экансизлар» деб қўяқолди.

Қари одати бўйича ўртоқлари билан яна бир оз ҳазиллашиб ўтиргиси келди-ю, лекин вақт зиқ эди,

ҳазилнинг хонаси эмасди. У бугунги почтани Сўнг-
кўлдаги чорвачиларга етказиб бериши керак. Яйлов
Советига топшириладиган пакет ҳам бор эди.

— Мен ҳамиша сизларни хурсанд қилиб юраман,
менинг яхшиликларимни билмасаларинг кўр бўласиз-
лар. Қани юринглар, тезроқ етиб олайлик. Сизларга
тағин бир ажойиб нарса кўрсатаман. Суюнчи ҳам сў-
рамайман. Чунки, барибир бериб ёлчитмайсизлар,—
деди Қари илжайиб. Ўртоқлари Қарини шу ўхлиги,
ҳазилкашлиги учун жуда яхши кўришарди.

— Айтган гапларинг ҳаммаси рост. Қани бошқа
гапни қўй, ҳалиги ажойиб нарсангни тезроқ кўрсат,—
деди Абдилас.

Ўртоқлари Қари яна нима гап топиб келдийкин,
деб ундан кўзларини узишмасди.

— Витъка дўстимиздан посылка келибди. Ўн иккى
килограмм, мева бўлса керак.

— Дўст деган шунаقا бўлади-да! Асл йигит экан,—
деди камгап Ақай ўзида йўқ севиниб.

— Ўйига етиши билан жўнатибди-да. Очиб кўрдинг-
ми?— деб сўради Абдилас қизиқиб.

— Мен эмас, сизларнинг ҳам очишга ҳақинглар йўқ.
Кимнинг номига юборган бўлса, фақат ўша киши очи-
ши керак,— деди Қари кўзларини ўйнатиб.

— Нима деяпсан? Кимга юборибди?— дейишди бо-
лалар ҳайрон бўлишиб.

— Биттасининг номига юборсан бошқалари хафа
бўлишар деб ўйлаган бўлса керак. Ақлли бола-да.
Розага ёки Ойгулга тегсин деб ёзиби.

Қари ўртоқларига мактабдаги ўқув йилига тайёр-
гарлик ишлари, икки-уч кунда Жума билан Керимқул-
нинг тоғдаги чорвачилар олдига келмоқчи бўлишаёт-
ганликларини гапириб берди.

— Янги ўтлоқ бизни янгиликлар билан кутиб олди.
Нима дедиларинг,— деди Ақай ўртоқларига.

— Тўғри айтасан,— деб Абдилас унинг гапини маъ-
қуллади.

Улар пастга қараб юришганда янги қўнишга энди
кўч тушаётган эди. Болалар кўчиб келганларни Фрунзе
ва Қорағайлибулоқ мевалари билан меҳмон қилишди.

Ҳаммадан ҳам Ойгул хурсанд бўлди. У ҳадеб:

— Янги юрт! Яхши юрт!— деб чапак чалиб дик-дик
сакрарди.

31. ҮҚИШГА ТАИЕРГАРЛИК

Фируза осмонда енгил булут парчалари сузиб юради. Болалар, осмоннинг тиниқлигини кўриб хурсанд бўлишган бўлса, Тулғатошнинг гўзал манзарааларини кўриб яна ҳам баҳралари очилиб кетди. Бугун болалар овулдан пастроқдаги бир тепачага йиғилишган, улар янги ўқув йилига қандай тайёрланганликларини ўзаро текшириб кўришмоқчи эди.

Ҳаммалари биринчи дарсда талаб қилинадиган баёнларини олиб келишган. Олдин ўzlари бир-бир ўқиб кўришмоқчи. Ақай билан Абдиласники ҳаммага ёқди. Ақай мақтовни яхши кўрадиган бола эди. У ёзган нарсасини ўқиб бўлиши билан Роза, табриклайман, жуда қотириб ёзиссан,— деб Ақайнинг қўлини қисиб қўйди.
— «Беш» чўнтакда деявер! Ақай аканг озмунча бош қотирдими,— деди Ақай керилиб, ёзганларини қайта-қайта варақлаб кўраркан.

Ҳамма вақт хўмрайиб, дами чиқмай юрадиган Ақайнинг бундай пайтларда жуда гапдон бўлиб кетишини ўртоқлари илгаритдан билишарди. Абдилас бутунлай бошқача. У кўнгли очиқ бола. Абдилас мақтанишни ёмон кўради. Кўп нарсага ақли етса ҳам, ўзини жуда камтар тутади. Унинг бу камтарилигини баъзи ўртоқлари ёқтиришмас эди.

— Мен «беш» оламан деб ўйламайман ҳам. Бу ердан кетгунимизгача яна бир кўчириб чиқсан бўлгани,— деди Абдилас вазмин, кейин, хўш, сенинг ишларинг қалай дегандай Розага қаради.

— Ие, бу нима деганинг! Сенинг баҳонгни биз тортиб олармидик! Бизга ёққанидан, жуда яхши, деяпмиз-да,— деди Роза сал аччиғланган бўлиб.

— Шу одатингни қўймадинг-да. Билганингни ҳатто ўртоқларингдан ҳам қизғанасан. Бу одатимни ташладим, дегандинг-ку,— деди Ақай Розанинг гапини қувватлаб. Гап нимадалигини тушуммаган Ойгул акасининг юзига ҳайрон бўлиб қараб турарди. Ўртоқларининг гапидан Абдиласнинг икки бети қип-қизариб кетди, у ерга тикилганча индамай қолди.

— Ҳазил, ҳазил. Ҳазилни кўтармас экансан, кечир,— деди Роза жиддий, Абдиласни уялтирганидан негадир ўзининг ҳам кўнгли ғаш бўлди.

— Ҳечқиси йўқ. Камчиликни юзга айтган яхши. Қани

энди ўзингникини ўқиб бер,— деди Абдилас енгил тортиб.

Роза шошилмай дона-дона қилиб ўқиди. Ақайникидан бир бет оз ёзилгани билан, воқиа пишиқ жумлаларда жуда яхши баён қилинган эди. Буни Абдилас дарҳол сезди. Қолаверса, ҳатто ўзиникидан ҳам яхши ёзилганини бўйнига олгиси келди. Роза ўқиб тамомлаши билан Абдилас, унинг қўлини қисиб:

— Яхши ёзилибди!— деб самимий табриклади.

— Еттинчини биткизганда мен ҳам сиздай ёзадиган бўлламан-а, опа?— деди Ойгул Розанинг бўйнидан қулоқлаб.

Қари ўтирган жойида шошиб-пишиб ўқий бошлади.

«...Мақсадим уларни чўчитиш эди. Бош кўтармай қарағат териб юришган экан, билдирамай деб узоқдан ўрмалаб ўтдим. Пайқашмади. Ўйлаганимдай бўлди. Юраклари қинидан қиқиб кетаёзди. Мана бундай бўлди...» деган жумлаларни ўқиганда, Абдилас билан Ақай додвирашиб, нима қилишларини билмай, турган жойларида серрайиб қолишиди. Роза билан Ойгул роса кулишиди. Ақай, йўқ нарсаларни ёзиб нима қиласан, ўчириб ташла,— деб тўнғиллади. Унинг хафа бўлгани авзойидан кўриниб туради. Қари бўлса, э, бу ҳаммаси эмас, энг қизизини кейин эшитасан, деб бадтар унинг жигига тегарди. Агар Абдилас бир шама қиласа, Ақай Қарини даст кўтариб ерга уриб, қўлидаги қофозни йиртиб ташлашдан ҳам тоймасди. Охирида бўлган воқиани бўйинларига олишиб, ўша ерини қайтадан ёзишини илтимос қилишиди. Қари ҳадеганда унамай, анчагача ялинтириди, кейин: «Ҳа, майли, қайтадан ёзаман», деб уларни тинчитиб қўйди. Лекин синфдаги ҳамма болаларга ўқиб бериб, уларни бир кулдиришни кўнглига тугиб қўйди.

— Мен ҳали ҳам ёзолганим йўқ, ёрдам берсангиз-чи, опа,— деди Ойгул Розага битта ўзи қолганидан изза бўлиб.

— Сен ёзмасанг ҳам бўлади. Опаларинг иккинчи, учинчи синф ўқувчилари ёзги каникулни қандай ўтказганини оғзаки айтиб беришади, деганди-ку, эсингдами?— деди Роза унинг юмшоқ малла сочидан силаб эркалаб.

— Вой, опажоним-э, яхши эсимга солдингиз-да. Рост, каникулда кўрган-билганларингни дарсда гапириб бера-сизлар, дейишган эди,— деди Ойгул ўзида йўқ севиниб.— Қаранг-а, эсимдан чиқариб қўйибман.

Абдилас чўнтағидан Қурман берган ВЛКСМ Уставини олди. Ҳаммалари уни ўраб олишиб, бетларига, айниқса ВЛКСМ деган ёзувга тикилиб қарашди. Қурман комсомолнинг қачон тузилгани, у партиянинг энг яқин ёрдамчиси эканлиги, коммунистик қурилишда комсомолнинг тутган ўрни ҳақида гапириб берди.

Уставнинг қайси моддаларини ёдлаб олиш кераклиги ни ҳам тушунтируди.

Шундан кейин болалар кунига бир маҳал кўплашиб Уставни ўқийдиган бўлишди. Қурман кўрсатган моддаларнинг кўпини ёдлаб ҳам қўйишди. Уставнинг биринчи бетини очишган эди, оқ қоғозга ёзилиб, Устав бетига ёпиштириб қўйилган шеърга кўзлари тушди. Қурман блокнотидаги шеърларидан бир бандини кўчириб ёпиштириб қўйган эди:

«Бахт бўлмас, бойлик бўлмас бундан зўр,
Менинг номим — тўрт орденли комсомол.
Учмайди ҳеч олтин ҳарфлар абадий,
Ленин бобо ўзи қўйган номидир шул».

Улар шеърни баланд овозда, ҳаяжон билан ўқиб чиқдилар, орқасидан эса бараварига ашула бошлаб юбошиди. Шу пайт тўсатдан дупурлаган товуш эшитилди. Улар ялт этиб қарашса, қўш отда Керимқул билан Жума оғалари келишяпти. Отларини йўрғалатиб ёнма-ён келаётган оғаларининг хушвақт қиёфаларини кўриб, болаларнинг севинчи ичига сиғмай кетди. Худди ўз ота-оналари билан кўришадигандай қувонишди. Меҳмонлар отларидан тушар-тушмас ҳол-аҳвол сўрашиб кетишли.

— Келинглар, қўл бериб кўришайлик, ахир кўришмаганимизга анча бўлди-ку, бир-биrimizni соғиниб қолдик-а,— деди Жума қўлини чўзаркан.

Директор билан қўл бериб кўришсак қандай бўларкин дегандай болалар бир оз ийманиб туришди. Мактаб директори — Керимқул буни дарҳол сезиб ўзи кўриша кетди.

— Жума ака тўғри айтади. Келинглар, қўл бериб кўришайлик,— деди ҳар қайсиси билан кўришар экан.— Ҳўш, қалай, яхши дам олдиларингми, анча чиниқиб қолгандирсизлар-а?— У меҳрибон отадай болаларнинг босидан силаб, елкаларига қоқди.

Жума ака Ойгул билан энг кейин кўришди. Ойгул оппоқ қўлини чўзганда, у қизчани даст кўтариб олиб

бахмал кўрпача солинган эгарга ўтқизди. Ойгул уялганидаи қизарип кетди. Жума ака унинг ҳурлайган майин сочларини силаб эркалатди. Жума аканинг болажонлигини колхозчилар яхши билишарди.

— Қани энди, аввал сизларнинг оталиққа олган бузоқларингни бир кўрайлик-чи,— деди Керимқул ака болаларнинг иши уни жуда қизиқтираётганини билдиromoқчи бўлиб.

— Қани, йўл бошланглар! Икки-уч кундан кейин бузоқларни ота-оналарингга топшириб, ўқишга кетасизлар,— деб Жума ака қўшиб қўйди.

Болалар суюнишиб уларни бузоқлар ўтлаб юргай жойга бошлаб кетишиди. Керимқул билан Жума ака болалар каникулни қандай ўтказишганини, нима ишлар қилишганини сўраб-суриштириди. Болалар ҳаммасини оқизмай-томузмай гапириб беришиди. Бузоқлар шариллаб оқиб ётган сув бўйида ўтлаб юришган эди. Яқин қолгонда Жума ака Ойгулнинг қулоғига:

— Бузоқларингнинг отини атаб чақириб кўр-чи, келармикан,— деб шивирлади.

— Чақирсан, дарров югуриб келишади,— деди Ойгул ишонч билан.

— Қани, чақир, биз ҳам кўрайлик,— деди Жума Керимқулга қайрилиб. Керимқул, ҳа, чақира қол дегандай, бузоқларга ишора қилди.


Ойгул овозининг бориҷа:

— Тўлбоши! Тўлбоши!— деб икки-уч қичиқирган эди, Тўлбоши тўдадан чиқиб бошини ликиллатганча чопиб келди. Бошқа бузоқлар «бизни ҳам чақирасанми?» дегандай, анқайиб қараб туришарди. Тўлбоши «Мени нимага чақирдинг?» дегандай ҳайрон бўлиб, от устидаги Ойгулга қаради.

— Мени нега бекорга чақирдинг, деб хафа бўляпти. Мени тушуриб қўйинг,— деди Ойгул тушишга ҳаракат қилиб.— Бошқаларини ҳам чақирайми?— деб сўради Тўлбошининг елкасидан силаркан.

Жума ака майли, дегандай мўйловини силаб, бошини силкиди. Ойгул ҳамма бузоқларини битта-биттадан отини атаб чақира бошлади. Бузоқлари ҳам навбат билан бирин-кетин келаверишиди.

— Энди нима дейсиз, оқсоқол!— деди Керимқул кулимсираб.



Жума пиқ этиб кулиб юборди. У қизчанинг бу ишига қойил қолди.

Абдилас билан Ойгулнинг бузоқларигина эмас, оталиққа олинган бошқа ҳамма бузоқлар ҳам шу ерда эди. Мехмонлар бузоқларни яхшилаб кўздан кечиришди, баъзи бирларини ушлаб, салмоқлаб кўришди.

Улар болаларнинг бузоқларни зўр меҳр ва муҳаббат билан парвариш қилганликларини кўриб, ўзларида йўқ хурсанд бўлишди, кўнгиллари фахрланиш ҳисси билан тўлиб-тошди.

— Раҳмат, айланайлар, ёш бўлсанглар ҳам бузоқ боқишига уста экансизлар,— деди Жума ака.— Сизлардан жуда миннатдормиз, колхозга жуда катта ёрдам бердинглар. Ёзи билан қилган меҳнатингларни ёзиб, Батиш опаларинг бизга топширди. Үнга яраша колхоздан меҳнат ҳаки оласизлар. Халқ сиздай фарзандлари билан ҳар қанча фахрланса арзиди. Минг офарин сизларга!

Керимқул ака ҳам Жуманинг гапига қўшимча қилиб, болаларни бутун мактаб номидан қизғин табриклади, янги ўқув йилида уларга катта муваффақиятлар тилади.

— Юринг энди, Жума ака, овулга борайлик,— деди Керимқул ака отига минаркан.— Болаларнинг янги ўқув йилига қилган тайёргарлик ишларини кўрайлик. Сигир боқувчиларнинг иши билан ҳам танишиб чиқамиз. Кейин Сўнгкўлга ўтамиз. Биз келгунча булар тайёр бўлиб туришади. Қишлоққа бирга тушиб кетамиз.

Болаларнинг юзида қувонч нури порлади, улар ўз меҳрибон мактабларига атаб тайёрлаган совғаларини акаларига тезроқ кўрсатиш тилагида илдам қадам ташлаб кетишли.

